

323  
T 35

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## 100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ



2-КИТОБ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ

---

100 САВОЛГА  
100 ЖАВОБ

2 - КИТОБ



TEAI KUTUBXONASI

№ 361189

Тошкент “Ўқитувчи” 2001

## В. ТЮРИКОВ, Р. ШОҒУЛОМОВ

1998 йилда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ: „100 саволга 100 жавоб“ номли 1- китоб ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада чоп этилиб, у нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Эътиборингизга шу рукндаги 2- китобни тақдим этмоқдамиз.

Ушбу нашрда мустақил Республикаимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига доир 100 саволга 100 жавоб берилган.

Савол ва жавоблар асосан Ўзбекистон Республикасида ва қисман хорижий давлатларда қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар ҳамда матбуотда эълон қилинган материаллар асосида ёритилган.

Китоб олий ўқув юртлири, академик лицей ва коллежлар талабалари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Ушбу нашрга доир барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинади ва нашриётга тегишлидир. Ундаги матн ва расмларни нашриёт розилигисиз тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш тақиқланади.

Т 0501000000—34 Буярт. вар. —2001.  
353(04)—2000

ISBN—5—645—03503—8

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 2001.

# I. ТАРИХ. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТУЗИЛИШИ

**1. Ўзбекистон Республикаси олий ҳокимият органи бўлмиш Олий Мажлиснинг биринчи сессияси қачон бўлган? Унинг биринчи чақириқ ўн бешинчи, сўнгги сессиясида қандай қонушлар қабул қилинган эди?**

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловлар кўп партиялилик ва танлов асосида 1994 йилнинг 25 декабрида ўтказилди. 250 та депутатлик ваколати учун 634 нафар номзод кураш олиб борди. Депутатлик ҳайъатига 15 миллат вакиллари кирди. 208 нафар номзод ҳокимият олий органига биринчи марта депутат этиб сайланди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг биринчи, сессияси 1995 йилнинг 23—24 февралда бўлиб ўтди.

1999 йил 19—20 август кунлари Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн бешинчи, сўнгги сессияси бўлиб ўтди. Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995—1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни муҳокама қилдилар ва маъқулладилар, тегишли қарор қабул қилдилар, ҳамда 1999 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг параметрлари бўйича „Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида“, „Баҳолаш фаолияти тўғрисида“, „Гиёҳвандлик воситалари ва психотром моддалар тўғрисида“,

„Табиий монополиялар тўғрисида“, „Орттирилган иммун танқислиги синдроми билан касалланишнинг (ОИТС касаллигининг) олдини олиш тўғрисида“, „Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида“, „Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида“, „Телекоммуникациялар тўғрисида“, „Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида“, „Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида“, „Туризм тўғрисида“, „Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида“ги қонунларни қабул қилдилар.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатлар ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига депутатлар сайловини 1999 йил 5 декабрда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 2000 йил 9 январда ўтказиш белгиланди.

## **2. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими қандай?**

— Сайлов тизими Ўзбекистон Конституциясида белгилаб берилган. Конституциянинг 117- моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озод-

ликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституцияси ҳамда қонунларига риоя қилинишининг кафили Ўзбекистон Республикасининг Президентиدير.

### **3. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси қачон бўлиб ўтди?**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши 2000 йил 22 январь куни очилди.

И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига расмий киришиш маросими иккинчи чақириқ парламенти ишидаги тарихий онлар бўлиб қолди. Марказий сайлов комиссиясининг раиси Президентликка номзод Ислон Каримов сайловчиларнинг 91,9 фоиз овозини олганлигини айтиб, унга Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислон Каримов қасамёд қилди ва депутатлар олдида нутқ сўзлади.

Депутат Э.Халилов яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис Раиси этиб сайланди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши 2000 йил 12 февралда бўлиб ўтди. Парламент сессияси ишида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов иштирок этди. Олий Мажлиснинг 22 январда бўлиб ўтган биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида Президент И.А.Каримов қилган маъруза юзасидан парламент қарор қабул қилди. Шундан кейин депутатлар парламент қўмиталари ва комиссияларини, уларнинг раисларини, шунингдек Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари ҳамда ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатлари блоklarини рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришдилар.

Депутатлар Олий Мажлис Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақидаги фармонини тасдиқладилар.

Олий Мажлис Ўзбекистон тузган бир қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, конституциявий суд ва Олий суд судьялари таркибига ўзгартишлар киритди.

#### **4. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг қандай субъекти ҳисобланади?**

— Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади.

#### **5. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий конституциявий тамойиллари қандай?**

— Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати,— дейилади Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддасида,— давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига ара-

лашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика халқнинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

**6. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллигини нишонланди. Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида шу давр мобайнида нималар қилинди?**

— Биз мустақилликнинг нисбатан қисқа вақти мобайнида Ўзбекистоннинг тараққиётида нималарни рўёбга чиқара олганимизни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 1999 йил 14—15 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган XIV сессиясида қилган ўз маърузасида қисқача ва аниқ баён қилиб берди.

Мана шу қисқа даврда қилинган ишлар рўйхати:

1. Биз мустақиллик ва суверенитетга эришиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, мамлакатимиз барча табиий, минерал-хомашё бойликларидан, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик. Дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. 2. Мамлакатда собиқ Иттифоқнинг Ўзбекистонни хом ашё тайёрлаб берувчи ярим мустамлакасига айлантирган, маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилган мустабид тизимга барҳам берилди. 3. Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига таянадиган демократик давлатнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари барпо этилди. 4. Шу асосда давлат ва жамиятни, иқтисодиёт, молия ва пул муомаласини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий



инфратузилмани уюштириш ҳамда бошқаришнинг янги тизими яратилди. Жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги таъминланди.

5. Мамлакатнинг манфаатларига жавоб берадиган, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрнини юксалтирадиган ташқи сиёсат ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақил йўли шакллантирилди.

6. Мамлакат сарҳадлари ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армия тузилди, давлатда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъмин этувчи мутлақо янги тизим яратилди.

7. Ҳаётимизда тарихий, миллий ва маънавий қадриятлар ҳамда анъаналар, муқаддас динимизнинг жамият маънавий юксалишидаги аҳамияти ва ўрни қайта тикланди.

8. Сўнги йилларда эришган энг катта ютуғимиз — бу тинчлик ва барқарорлик ҳамда умумий хонадонимиздаги миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир.

9. Шаҳар ва қишлоқларимиз жамоли кун сайин очилиб бормоқда, иқтисодиётимиз ҳамда жамиятимизда хусусий мулк ва мулкдор, тадбиркорнинг ўрни ва роли мустаҳкамланмоқда. Энг катта иншоотлар қурилиши, ёнилғи ва ғалла мустақиллигига эришилганлиги, иқтисодиёт раванқининг барқарор суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик, кишилар моддий ва ижтимоий ҳаётидаги сезиларли ўзгаришлар — ривожланишнинг биз танлаб олган модели тўғрилигининг муҳим далолатидир. Бугун бу борада ҳеч ким биз билан баҳслашолмайди.

10. Кишиларимизнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгариб бормоқда. Улар ўтмиш ақидаларидан воз кечиб, ҳаётдаги ўз ўринларига янгича қарамоқдалар, ўз кучларига ишончлари ортиб бормоқда. Демократик қадриятлар кишилар онгида тобора мустаҳкамланмоқда. Ушбу йилларда биз эришган энг асосий ва энг муҳим нарса аҳоли фаоллиги ўсиб бормоқда, турмушимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш зарурлигига, ўз мамлакатимиз истиқболига ишонч янада кўпроқ намоён бўлмоқда.

## **7. Ўзбекистонда фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришининг қандай органлари амал қилмоқда ва улар фаолиятини ривожлантириш учун нималар қилинмоқда?**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105- моддасига биноан шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси „Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида“ ги Қонун билан белгиланади.

1998 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг „Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида“ ги Фармони эълон қилиниб, унда фуқаролар ва маҳаллалар йиғинларининг раислари ҳамда котибларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолиятини янада ошириш, ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб, фуқаролар ҳамда маҳаллалар йиғинлари раислари ва котибларининг иш ҳақи, уни тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича икки даража оширилди. Аҳоли орасида обрў орттирган кишиларни ижтимоий фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида фуқаролар, маҳаллалар раисларига (асосий иш жойидан нафақага чиққан), ушбу Фармонга кўра, 1998 йил 1 майдан эътиборан нафақалари тўлиқ бериладиган бўлди.

1999 йил 13 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш, унинг аниқ йўналтирилганлигини кучайтиришдаги ролини ошириш, бу ор-

ганларнинг ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдаги ваколатлари ва бурчларини кенгайтириш мақсадида қабул қилган „Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида“ги Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармонда таъкидланишича, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолини ижтимоий мадад билан таъминлашдаги асосий шартлар ижтимоий адолат, қарорлар қабул қилишда ошкоралик, мададнинг аниқ йўналтирилишига риоя қилиш, боқимандаликка йўл қўймаслик, шунингдек ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишдир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини аҳоли томонидан уй-жой коммунал хизматлари ҳақи тўланиши бутлигини таъминлашга рағбатлантириш тизимини жорий қилиш топширилди, бунда фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар ҳақларининг белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига ушбу тушумларнинг 20 фоизи; тушумлар 75 фоиздан кўп бўлса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тушган пул миқдорининг 10 фоизи ўтказиладиган бўлди.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига ушбу маблағларни уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлашлари учун кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш учун мақсадли фойдаланишга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантиришга, шунингдек маҳаллалар, шаҳарга ўхшаш қишлоқлар, қишлоқлар ва овулларни ободонлаштириш ишларига сарфлаш ҳуқуқи берилган.

## **8. Ўзбекистон Республикасининг судлар томонидан ҳукм қилинган фуқароларини ким афв этади?**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- моддаси (20)га биноан Ўзбекистон Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади.

## **9. Ўзбекистонда қандай диний ташкилотлар мавжуд ва давлатнинг улар фаолиятига муносабати ҳақида нималарни биласиз?**

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 15 та диний ташкилотлар ва черковлар: мусулмон дини, рус православ черкови, рим-католик черкови, иудия дини, евангел-лютеран черкови, арман-григорян черкови ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

Давлат улардан халқнинг маънавий қадриятлари, урф-одатлари ва кундалик турмуш тарзларини янада ростлаш ишида фойдаланади, умуминсоний ахлоқий қадриятларни барқарорлаштириш учун диндорлар туйғуларига ҳурмат билан қарайди, ўзаро тенг ҳуқуқийликни кафолатлайди ва таъқиб этилишларига йўл қўймайди.

Давлат диний ташкилотлар ишларига (улар қонунларга зид келмаса) аралашмайди, улар зиммасига бирон-бир давлат юмушларини юкламайди, улар фаолиятини, даҳрийликни тарғиб қилиш фаолиятини молиявий қўлламайди.

Дин бир инсоннинггина иши бўлмай, балки бутун жамият манфаатларига тааллуқлидир. Шунинг учун давлатимиз жамият манфаатларини кўзлаб, виждон ва дин эркинлигини эълон қилар, уни фуқароларга кафолатлаб ҳамда таъминлаб берар экан,

диний ташкилотлар фаолиятини аниқ белгилаб беради. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг „Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида“ ги Қонунида батафсил баён этилган. Мазкур Қонун ҳар бир инсоннинг виждон ва дин эркинлигини таъминлашини, фуқаролар ўзларининг қайси динга муносабатларидан қатъи назар тенг эканликларини эълон қилади, шунингдек диний ташкилотлар билан алоқаларни тартибга солади.

Мамлакатимизда фуқаро томонидан ўзининг динга, ибодатларга, диний маросимларга ва удумларга, диний таълимга муносабатини белгилашида бирон-бир мажбурлашга йўл қўйилмайди, шунингдек баълоғат ёшига етмаганларни диний ташкилотларга жалб этишга, уларни ўз хоҳишлари, ота-оналари ёки улар ўрнини босадиган шахслар хоҳишларига зид тарзда тортишга ҳам йўл қўйилмайди. Динга ёки бошқа иймон эътиқодга риоя қилиш эркинлигини адо этиш миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби, бошқа фуқаролар ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилотларгагина тааллуқлидир.

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61- моддасида кўрсатилганидек, давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар.

Давлат органлари турли динларга эътиқод қилувчи ёки эътиқод қилмайдиган фуқароларнинг, турли мазҳаблардаги диний ташкилотларнинг ўзаро ҳурматда бўлишига кўмаклашадилар, диний ва бошқа фанатизм, экстремизмга, турли диний ақидапарастликка, душманликни авж олдиришга қаратилган ҳаракатларга йўл қўймайдилар.

Конституциямизнинг 57- моддасига биноан конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверените-

ти, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади. Шунга кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга ҳар қандай уринишлар, шунингдек яширин диний фаолият қонун йўли билан тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими Шарқ ва Ғарбдаги кўпгина мамлакатлардан фарқли ўлароқ диндан ажратилган. Таълим тизими ўқув дастурларига диний фанларни ўқитиш, ўқиётганлар истагидан қатъи назар, ихтиёрий тарзда ҳам, мажбурий тарзда ҳам киритишга йўл қўйилмайди. Дунёвий таълимга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг динга қандай муносабатда бўлишларидан қатъи назар таъминланади.

## **10. Ўзбекистон Республикаси қуроли кучларида мамлакат шаклланишининг ҳозирги босқичида ҳал этилаётган асосий вазифалар қандай?**

— Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистон эришган бир қатор ютуқлар кўп даражада мамлакат раҳбари, Президент И. А. Каримовнинг давлат қурлини масалаларидаги, шу жумладан миллий хавфсизликни шакллантириш ва кучайтириш, давлатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашдаги донолиги туфайлидир.

И. А. Каримовнинг мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш тўғрисида кўрсатган ғамхўрлигини Ўрта Осиёда биринчи Қуроли Кучлар

Академияси тузилганлигида ҳам, Мудофаа вазирлиги Бош штабини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бош штабига айлантириш тўғрисидаги қарорда ҳам кўриш мумкин. Шу маънода И. А. Каримов томонидан умумдавлат кўламида ҳарбий ислоҳот ўтказиш зарурияти ҳам аниқ белгилаб берилган.

Бундай ислоҳотдан кўзланган мақсад давлатнинг моҳиятан янги ҳарбий ташкилотини барпо этиш бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

— мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа тизимини такомиллаштириш;

— ХХІ аср талабларига жавоб берадиган, анча ихчам, самарали ва ҳарбий хавфсизлик бугун кўламининг вазифалари бажарилишини мустақил таъминлай оладиган Қуролли Кучларни барпо этиш;

— Қуролли Кучлар ва бошқа қўшинлар тизими ва жанговарлик имкониятларини Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига мавжуд муқаррар таҳдидга, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий имкониятларига мослаштириш;

— қўшинларни янги талаблар ва вазифаларга сифат жиҳатдан мувофиқ келадиган шахсий таркиб билан тўлдириш тамойиллари ҳамда механизмини такомиллаштириш;

— ҳарбий таълим, ўқитиш ва тарбиялаш тизимини ҳозирги замон талабларига мослаштириш, раҳбарлик таркибининг бошқарувчилик салоҳияти даражасини ошириш;

— мамлакат ҳарбий-саноат имкониятини барпо этиш ва ривожлантириш концепциясини шакллантириш;

— ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини ишлаб чиқиш;

— касбий армия тузишга босқичма-босқич ўтиш.

# 11. „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони ва Олий нишон „Олтин Юлдуз“ медали қачон таъсис этилган? Уларнинг мақоми қандай, бу унвонга биринчи ким сазовор бўлган?

— „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони ва Олий нишон „Олтин Юлдуз“ медали Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида 1994 йил 5 майда тасдиқланган Қонуни билан таъсис этилган.

„Ўзбекистон Қаҳрамони“ олий даражали унвон бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорати билан боғлиқ хизматлари учун берилади. „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин.

„Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвонига сазовор бўлган шахсга Олий нишон „Олтин Юлдуз“ медали берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топширилади. „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвонига сазовор бўлган шахслар иш ҳақлари ёки нафақаларига энг кам иш ҳақи миқдо-рида ойлик қўшимча ҳақ оладилар, республика дои-расида давлат йўловчи транспортининг (такси ва буюртма рейслардан ташқари) барча турларида бепул қатнаш, шунингдек қонунлар билан белгиланган бош-қа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

„Олтин Юлдуз“ медали 12,5 грамм 585 пробали олтин қотишмасидан тайёрланган бўлиб, ўнг томонида силлиқ қўшқиррали нурлари бўлган саккиз учли юлдуз шакли бор. Медаль марказидаги доира ичида ярим ой ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби-даги рамзий белгига мос бўлиб тушган беш қиррали юлдуз жойлаштирилган. Медальнинг орқа томони марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлашган. Медаль қулоқча ва доирача ёр-дамида тўғри тўртбурчак шаклидаги ён ўйиқлари бор



мис колодкага туташтирилади. Колодка қисмлари ва туташтирувчи доира олтин қотишмаси билан қопланган. Колодканинг ички қисми Республика Давлат байроғининг рангли тилимлари бўлган зардўзлик тасмаси билан қопланган.

Бу юксак унвон биринчи бўлиб, Республика Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовга суверен, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик тинчлиги ва миллий тотувлик ишига қўшган улкан ҳиссаси учун берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримовнинг 1995 йил 30 августдаги Фармони билан мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий кудрати ва шон-шуҳратини оширишга қўшган шахсий ҳиссаси, шунингдек ишлаб чиқариш тармоқларидаги қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони берилиб, Олий нишон, „Олтин Юлдуз“ медали топширилди:

В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчиси Алимухамедов Эркин Ҳайдаровичга; Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Х. Мирозиқов номидаги жамоа хўжалигининг бригадири Мамажонов Комилжонга; Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг „Шарқ“ кони шимолий бошқарувининг электр пайвандловчилар бригадаси бошлиғи Панин Анатолий Николаевичга; „Ўзнефть-газ қазиб чиқариш“ давлат ҳиссадорлик бирлашмаси „Муборақгаз“ газ кони бошқармасининг нефть-газ қазиб чиқариш оператори Рўзиев Бўронга; Бухоро „Зардўз“ ҳиссадорлик жамиятининг юқори даражадаги бадий буюмлар тайёрлаш бўлимининг катта устаси Муяссар Темировага.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 августдаги Фармони билан мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислохотлар-

ни чуқурлаштиришга, халқ соғлиғини сақлашни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, шунингдек ишлаб чиқариш тармоқларидаги қаҳрамонона меҳнати учун Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги „Олтин водий“ жамоа хўжалигининг ғаллакорлар бригадаси бошлиғи Абдурасулов Содиқжонга; Самарқанд вилояти Самарқанд илмий-қайта тиклаш ишлаб чиқариш устахонасининг тикловчиси Асадов Мирумарга; Наманган вилояти туғруқхонасининг бўлим мудираси Ойшахон Қўчқоровага; Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металллар ва олтин давлат концернининг раиси Кучерский Николай Ивановичга; Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалигининг раиси Файзуллаев Иброҳимга „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони берилиб, „Олтин Юлдуз“ Олий нишони топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августдаги Фармони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тармоқларида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қўшган катта ҳиссаси ва соғлиқни сақлаш, ёшлар таълими ва тарбияси соҳасидаги қаҳрамонона меҳнати, шунингдек давлат ҳамда халқ олдидаги хизматлари учун қуйидагиларга „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони берилиб, „Олтин Юлдуз“ Олий нишони топширилди:

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 10- ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Мадалиева Манзура Абдуллаевнага; Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғруқхона гинекология бўлимининг мудираси Сайтова Онесия Сайтовнага; „Тошмахсуспардозқурилиш“ ҳиссадорлик жамиятининг 42- қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригада бошлиғи Умаров Холхўжа Мукаррамовичга; Хоразм вилояти Боғот туманидаги „Боғот“ жамоа хўжалигининг бошқаруви раиси Кувақов Машарипга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 26 августдаги Фармони билан давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги мислсиз фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий ғояларни амалга оширишга қўшган залварли ҳиссаси ҳамда қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони берилиб, „Олтин Юлдуз“ Олий нишони топширилди: Жиззах вилояти Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номидаги жамоа хўжалиги пахтачилик бригадасининг бошлиғи Зшёттов Пардага; Андижон вилояти ҳокими Обидов Қобилжон Ғофуровичга; Ўзбекистон халқ шоири, республика ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориповга; Тошкент вилояти Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг „Қўмақир“ кони экскаватор машинисти Турдиев Жонсаидга; Сирдарё вилояти „Сирдарё-вилоятжамоақурилиш“ ҳиссадорлик жамияти 49-ҳаракатдаги механизациялашган жамоаси бригада бошлиғи Қурбонов Анвар Сармоновичга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 3 августдаги Фармони билан Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан ишлари ҳамда республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлашда фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун Пахтачи тумани Р.Махманов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Абдуллаев Дўстмуродга, Чортоқ тумани „Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги“ ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Абдурахимов Абдувалига, Марҳамат тумани У.Қорабоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Алааматов Атахонга, Касби тумани Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги ижарачиси Рахмонов

**Файбуллога „Ўзбекистон Қаҳрамони“** унвони берилиб, „Олтин Юлдуз“ Олий нишони топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1999 йил 25 августдаги Фармони билан Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ҳамда миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнатлари учун Ўзбекистон халқ шоири **Эркин Воҳидовга**, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 273- ўрта мактаб директори **Исматова Мавлудага**, Бухоро вилояти, „Бухоротекс“ ҳиссадорлик жамияти 1- йигирув-тўқув фабрикасининг йигирувчиси **Раҳматова Мартия Аҳмедовнага**, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Саид Аҳмадга (Хусанхўжаев Саид Аҳмад)**, Фарғона вилояти, Фарғона автомобиль йўлларида мунтазам фойдаланиш бошқармасининг автоскрепер ҳайдовчиси **Умаров Улуғбек Юнусовичга** „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони берилиб „Олтин Юлдуз“ Олий нишони топширилди.

## **12. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги нимани англатади?**

— Виждон эркинлиги тушунчамизда бу — Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳар қандай диний эътиқодни рад этиш, яъни даҳрий бўлишнинг реал имкониятидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги, 31- моддасида эса ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгаллиги, диний

Мазкур Фармон билан вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликларида ҳокимларнинг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосарлари лавозимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосарининг тегишли лавозими жорий этилди.

Бозор иқтисодиёти, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат сари одимлаётган мамлакатимизда хотин-қизларнинг ролига тобора кўп эътибор қаратилмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 1999 йилнинг аёллар йили деб эълон қилинганлиги ҳам шу эътибордан далолатдир. Бу эса шубҳасиз аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ жуда муҳим йўналиш эканлигининг рамзий ифодаси бўлиб, давлатимиз раҳбарияти бунга мустақилликка эришилган дастлабки вақтдан буён биринчи даражали аҳамият бериб келмоқда.

## **15. Ўзбекистонда хотин-қизлар тенг ҳуқуқчилиги нямаларда ифодаланади?**

— Мамлакатимизда хотин-қизларга давлат, хўжалик, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркеклар билан тенг ҳуқуқлар берилган. Бу — давлат ҳокимиятининг барча органларига сайлаш ва сайланиш, меҳнатга тенг ҳақ олиш, ўқиш, дам олиш, ижтимоий таъминланиш каби конституциявий ҳуқуқларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон хотин-қизлари тенг ҳуқуқчилигининг ёрқин далили уларнинг олий давлат вакиллик органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ишгирок этишидир. Олий Мажлис депутатларидан 17 нафари хотин-қизлардир. Бугун Ўзбекистон хотин-қизлари давлат бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва илмий муассасаларда муҳим лавозимларда фаолият кўрсатмоқдалар.

## 16. 1998 йилнинг 25 августда Ўзбекистон Республикасининг „Эл-юрт ҳурмати“ орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни қабул қилинган эди. Унинг қандай аҳамияти бор?

— Фуқароларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, меҳнатсеварлик сингари инсоний фазилатлар асосида тарбиялаш, шунингдек маънавий рағбатлантиришда давлат мукофотларининг аҳамияти ғоят каттадир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг „Ўзбекистон Қаҳрамони“ олий унвони ва „Олтин Юлдуз“ Олий нишони, „Мустақиллик“, „Амир Темур“, „Соғлом авлод учун“, „Дўстлик“, „Меҳнат шухрати“, „Шон-шараф“, „Буюк хизматлари учун“ орденлари, „Жасорат“, „Шухрат“ медаллари таъсис этилган эди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг 1998 йил 25 августдаги Фармони билан „Эл-юрт ҳурмати“ орденининг таъсис этилганлиги шу йўналишдаги яна бир қадамдир. Худди шунинг учун „Эл-юрт ҳурмати“ ордени тўғрисидаги Низомда бу орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий маънавият ва маданиятни камол топтириш ишига катта ҳисса қўшганликлари, ўз меҳнатлари, илмий, жамоат ишлари, меҳнатсеварликлари ҳамда ватанпарварликлари билан жамоатчилик ҳурмати ва обрў-эътиборига сазовор бўлганликлари учун мукофотланишлари кўрсатилган.

„Эл-юрт ҳурмати“ ордени билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган кишилар ҳам мукофотланишлари мумкин.

„Эл-юрт ҳурмати“ ордени билан мукофотланган кишилар энг кам иш ҳақининг қирқ баравари миқдорда бир йўла пул мукофоти оладилар ва қонунлар билан белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Орден кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

„Эл-юрт хурмати“ ордени 1 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланган бўлиб, икки ёқли нурлари бўлган қабарик саккиз қиррали юлдуз шаклидадир. Юлдуз қирралари орасидан таралиб турувчи нурлар мовий ранг шаффоф эмаль билан қопланган. Юлдузнинг қарама-қарши қирралари орасидаги айирма 57 миллиметр дир. Нурлар жойлашган доиранинг диаметри — 52 миллиметр.

Орден марказида, чиқиб келаётган қуёш, водийлар ва тоғлар фонида Регистон архитектура ансамбли тасвирланган. Фон рангли эмаль билан қопланган.

Тасвир кенглиги 5 миллиметр гардиш билан ҳошияланган. Гардишнинг юқори қисмидаги оқ фонда „EL-YURT HURMATI“ ёзуви, гардишнинг қуйи қисмида яшил рангли шаффоф эмаль қопланган дафна шохлари жойлашган.

Орденнинг орқа томони қуйи қисмида қабарик рақамлар билан унинг тартиб сони кўрсатилган.

Орден қулоқча-ва ҳалқа ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларининг муҳайяр тасмаси билан қопланган колодкага туташтирилади.

## **17. Ўзбекистон фуқароси ҳокимият органлари, маъмурият устидан даъво билан судга мурожаат қила оладими?**

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг шундай ҳуқуқларини кафолатлайди. Мазкур Конституциянинг 44- моддасида: „Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади“ дейилган.

**18. 1999 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „9 май Хотира ва қадрлаш кунини деб эълон қилиниши муносабати билан афв этиш тўғрисида“ги Фармони чиқди. Бу афв этиш аввал ўтказилган афв этишлардан нимаси билан фарқ қилади?**

— Биринчидан, миллий паспортлари ёки ўзлари муайян бир мамлакат фуқаролигига мансубликларини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлган ажнабий давлатлар ва МДХ мамлакатлари фуқаролари жазодан биринчи марта озод қилинади.

Иккинчидан, афв этиш бошқа давлатлар судлари томонидан ҳукм қилинган ва жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Жазони ўташдан озод этилган ажнабий фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги келишувга кўра белгиланган тартибда мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориладилар.

1999 йил Президентимиз томонидан аёллар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан барча хотин-қизларга уларнинг ёшидан қатъи назар афв этишни жорий қилиш назарда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аёл биринчи марта судланган бўлса, унда афв этиш уюшган гуруҳ таркибида ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ёинки жиноий гуруҳ таркибида содир этилган ўта оғир жиноятлари учун ҳукм қилинган аёлларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Фармоннинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, суд ҳукми билан жазога ҳукм қилинган, лекин ўз айбини англаган ва қилиб қўйган ишидан астойдил пушаймон бўлаётганлар ҳам жазони ўташдан озод этиладилар.



Олти йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этилган, биринчи марта ҳукм қилинган ва жазонинг белгиланган муддати учдан бирини ўтаб бўлган шахсларнинг жазодан озод этилиши катта ижтимоий хавф бўлмай, у қадар оғир бўлмаган жиноятларни содир этган кишиларни, шунингдек оғир жиноятлари учун ҳукм қилинган шахсларнинг қарийб ярмини жазодан тўла озод қилиш имконини беради.

Аввалги афв этиш тўғрисидаги фармонлардан фарқли ўлароқ, мазкур ҳужжатнинг 9- бандида жазодан озод этилмайдиган шахслар учун жазо муддатини қисқартириш назарда тутилган. Бундан мақсад оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларда эртанги кундан умидворликни уйғотиш, уларга янги ҳаёт бошлаш имкониятини беришдир.

## **19. Ўзбекистоннинг қайси вилоятида аҳоли энг зич жойлашган?**

— Республикадаги аҳолиси энг зич жойлашган вилоят Андижон вилояти бўлиб, у гуллаб-яшнаган Фарғона водийсининг қоқ марказидадир. Мамлакат ҳудудининг бир фоизидан камроғини эгаллаган мазкур вилоятда республика аҳолисининг қарийб ўндан бир қисми, яъни икки миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди. Андижон вилоятида бир квадрат километрда ўрта ҳисобда 512 нафар киши яшайди.

## **20. Ўзбекистон Республикасининг Чегара қўшинлари куни қачон белгиланган?**

— Ўзбекистон Республикасининг чегара қўшинлари куни 14 январда нишонланади. Мазкур кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1999 йил 13 январдаги „Ўзбекистон Респуб-

ликаси давлат чегарасини қўриқлаш қўмитасини тузиш тўғрисида“ги Фармони билан белгиланган.

## **21. Наврўз Ўзбекистонда қайси даврдан буён байрам қилинмоқда?**

—Наврўз байрамининг дастлабки тавсифи Ўрта Осиё қадимги халқларининг бундан уч минг йилча илгари Хоразмда яратилган муқаддас диний китоби— „Авесто“да учрайди. Зороастрийлар қуёш тақвимини қўллаган ҳолда ўз йилларини 365 кун деб ҳисоблаб, янги йил — Наврўзни баҳорги тенгкунлик куни сифатида нишонлаганлар. Шу кун асосий зороастрий байрами ҳисобланган. Баҳорги тенгкунлик куни, яъни янги календарь йилининг бошланиши Сомонийлар сулоласи Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган йилларда расмий зороастрий байрами тарзида қабул қилинган.

Бироқ Наврўзни байрам қилиш ҳамма вақт ҳам баҳорги тенгкунлик кунига тўғри келмаган. Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришича, Наврўзни байрам қилиш ёз пайтига кўчирилган, ёзги қуёш туришига тўғриланган йиллар ҳам бўлган. Лекин Шарқ халқларининг табиатга сифиниш ва баҳорий янгиланишга қатъий берилганлиги маъмурларни Наврўз байрамига календардаги қонуний ўрнини қайтариб беришга мажбур қилди.

Ўзбекистон Республикасида бу қадимий ва бетакрор Наврўз умумхалқ байрами мақомига эга бўлди ҳамда миллий ўзимизни ўзимиз англашимизнинг тимсоли бўлиб қолди, мустақиллик туфайли эса янги мазмун касб этди, тинчлик, эзгулик, раҳм-шафқат, сахийлик, бунёдкорлик байрами бўлиб қолди.

## 22. Самарқанд шаҳри қачон ташкил топган ва Европа сайёҳларидан ким бу шаҳар тўғрисида биринчи бор батафсил маълумотлар берган?

— Самарқанднинг шаҳар манзилгоҳи милодимиздан аввалги V асрда пайдо бўлган. У Сўғднинг энг қадимий шаҳарларидан бири эди. Унинг ҳозирги Самарқандга тутшиб кетган кўҳна шаҳри эпик қаҳрамон — Туроннинг афсонавий подшоҳи Афросиёб номи билан аталган.

Самарқанд биринчи марта Мароқанда номи билан қадимги юнон тарихчилари, шу жумладан Квинт Курций Руф ёзма манбаларида тилга олиниб, унинг хабар беришича, Искандар Зулқарнайн милоддан аввалги 329 йилда уни босиб олганида яхши мустаҳкамланган ва обод шаҳар бўлган.

Европанинг Кастилия қироли Леон Генрих III нинг элчиси — Рюи Фонзалес де Клавихо Самарқандда бўлган эди. У ўз сафари вақтида (1403—1406 йиллар) тутган кундалигида Темур ҳукмронлиги даври, унинг билан учрашувлари, Самарқанд шаҳри ва аҳолисининг турмуши ҳамда хулқ-атвори тўғрисидаги турли хил маълумотларни ёзиб борди. Бу ўлкаларда Клавиходан аввал бирон-бир европалик бўлмаганлигидан унинг кундалиги катта қизиқиш туғдирган ҳамда 1582 йили „Буюк Темурланг ҳаёти ва фаолияти“ номи билан Севильеда нашр этилди. Клавихо ёзувлари Россияда „Темурнинг Самарқанддаги саройига саёҳат кундалиги“ (1403—1406 йиллар) номи билан 1881 йилда Санкт-Петербургда испан тилидан таржима қилиниб, нашр этилган.

## 23. Ўзбекистон ҳудудида Темурийлар даври меъморчилигининг қандай ёдгорликлари қурилган?

—Темурийлар даврида Ўзбекистон ҳудудида катта суғориш ишлари олиб борилди, янги йўллар очилди, шаҳарларда хунармандчилик устахоналари бўлган бозорлар қурилди, саройлар, масжидлар, мадрасалар барпо этилди.

Ташқи бадий безаклари бойлиги бўйича ажойиб архитектура ёдгорликларидан аксарияти ўша даврга мансуб бўлиб, Самарқанд ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари қиёфаси тўғрисидаги одатдаги таассурот шулар билан боғлиқдир.

Ўрта Осиёдаги энг катта иншоот бўлган Амир Темур жомеъ масжиди (ҳозир Бибиҳоним номи билан аталади) Шарқ қурилиш санъатининг чинакам обидаси бўлиб, 1404 йили Самарқандда бунёд этилган. Бу улуғвор иншоот қурилишида бутун Шарқ — Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистон, Басра, Бағдод, Халабдан келган энг яхши усталар ишлаган. Ўша давр тарихчиси Шарафиддин Али Яздий ушбу масжиднинг осмонўнар бронза гумбази тўғрисида „осмон унинг такрори бўлмаганда у ягона бўлур эди“ деб ёзган эди.

Бу иншоотдан бизнинг кунларимизгача фақат вайроналаргина етиб келган бўлса-да, ҳатто улар ҳам ўз маҳобати, архитектура услубининг гўзал шакллари, ўз қудрати ва улуғворлиги билан зўр таассурот қолдиради.

Гўри Амир мақбараси ҳам Шарқ меъморчилигининг гўзал намуналари сирасига киради. У 1404 йили қуриб битказилган. Амир Темур бу мақбарани 1403 йил мартида вафот этган суюкли набираси Муҳаммад Султон ҳокини қўйиш учун қурдирган эди.

Кейинчалик бу улуғвор мақбара темурийлар даҳмаси бўлиб қолди. Унга Амир Темурнинг ўзи, унинг икки ўғли — Мироншоҳ ва Шохруҳ, набиралари —

Муҳаммад Султон ҳамда Улуғбек, шунингдек Темурнинг пирларидан бири — ўзи фикр ва маслаҳатларига кулоқ солган Саййид Барака дафн этилганлар.

Амир Темур ҳаётлигида Самарқандда Шоҳизинда меъмориал мажмуаси айниқса жадал қурилди, шунингдек 1435 йили Улуғбек даврида ушбу меъморилик ансамблига бизнинг кунларимизгача етиб келган кириш равоғи қурилди.

Мазкур мажмуада йигирмадан ортиқ масжид, мадраса, мақбара, бинолар жойлашган бўлиб, улар ўз меъморичилигига кўра бир-бирини асло такрорламайди.

Шаҳарда бошқа улуғвор тарихий-меъморий ёдгорликлар ҳам қад ростлаган. Темурийлар даҳмаси — Оқсарой, темурийлар авлодидан бўлган аёллар ва болалар даҳмаси — Ишратхона, шайх Бурҳониддин Соғаржи даҳмаси—Руҳобод, маҳобатли бинолар, шу жумладан 1420 йилда қурилган Улуғбек мадрасаси жам бўлган Регистон майдони, Улуғбекнинг машҳур расадхонаси Самарқандга кўрк бағишлаб турибди.

Улуғбекнинг Бухоро ва Ғиждувонда қурдирган мадрасалари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган. Амир Темур фармойиши билан қурилган маҳобатли иккита иншоот Шаҳрисабзда ҳамон қад ростлаб турибди. Бу — Оқсарой саройидир. Мазкур саройнинг ажабтовур биноси Европа ва Шарқ мамлакатлари бўйлаб кўп марта саёҳат қилган Испания элчиси Рюи Гонсалес де Клавихони ҳайратга солган эди. Элчи уни ўз кундалигида батафсил тасвирлаган.

Иккинчи улкан иншоот Ҳазрат Имом меъморий мажмуаси бўлиб, унга Амир Темурнинг 1376 йилда йигирма икки ёшида вафот этган севикли ўғли Жаҳонгир дафн этилган.

Ўша жойда, шаҳарнинг қарийб марказида темурийлар меъморий ёдгорлиги — Шайх Шамсиддин Кулол мақбарасининг қолдиқлари сақланиб қолган бўлиб, Темурнинг отаси унинг ёнига дафн этилган, мазкур мақбара рўпарасида Улуғбек 1435 йилда

қурдирган Кўк гумбаз жомеъ масжидининг бир қисми қад ростлаган.

## **24. Европалик сайёҳлардан ким биринчи бўлиб Бухорода бўлган ва унинг аҳолиси, турмуши ҳамда хулқ-атвори тўғрисида ҳикоя қилиб берган?**

— ... Европалик сайёҳлардан яна бири, Бухоро тўғрисида маълумот берган киши инглиз савдогари **Антоний Женкинсон** эди. 1557 йили Антоний Женкинсон подшо Иван Васильевич Грозний хузурига Лондон — Москва компанияси томонидан Англиянинг Россия билан савдо алоқаларини тасдиқлаш ва Хитой ҳамда Ҳиндистонга Россия орқали савдо-сотик йўлини очиш учун юборилган эди. Рус подшоси инглиз савдогарига Россия орқали ўтишга рухсат этибгина қолмай, уни ҳимоя ёрликлари ҳамда бошқа юрт ҳукмдорлари учун совғалар билан ҳам таъминлаган. 1558 йил июлида Женкинсон Астраханда бўлиб, у ердан татар ва форс савдогарлари билан бирга Каспий денгизининг шимоли-шарқий соҳили бўйлаб сузаётган кемада яна йўлини давом эттирган. Савдогарлар тушган кемани денгиз бўрони Манғишлоқ ярим ороли соҳилига суриб ташлаган. Кейин Женкинсон Урганч ва Қиёт орқали ниҳоят Бухорога етиб келган. У Бухорода бўлган вақтида 25 нафар рус кишисини тутқунликдан қутқариб (сотиб олган), улар билан Москвага қайтганида, подшоҳ уни илтифот билан қарши олган эди. Женкинсон ўз дарбадарлиги тўғрисида „Антоний Женкинсоннинг 1558 йили Россиянинг Москва шаҳридан Бухоро ва Бақтрия шаҳарларига саёҳати“ китобида ҳикоя қилиб берди. Китоб 1559 йили Лондонда инглиз тилида босилиб чиқди. Женкинсондан кейин Бухоро шаҳрига икки асрдан кўпроқ вақт мобайнида, яъни то 1820 йилгача ҳеч бир европалик сайёҳ ташриф буюрмаган.

## **25. Тошкент метрополитени йўлларида ҳаракат қачон бошланди ва ҳозирги кунда унинг узунлиги қанча?**

— Чилонзор мавзеининг қоқ марказида 1972 йилнинг 22 февралда Ўрта Осиёда биринчи Тошкент метрополитени қурилиши учун ернинг биринчи кубометри қазилди. Унинг биринчи навбати 1977 йилнинг 6 ноябрида ишга туширилди. 12 километрли дастлабки йўналиш бўйича биринчи поезд қатнай бошлади. 1980 йилнинг 18 августида метрополитеннинг иккинчи навбати ишга туширилди, 1987 йилнинг 6 ноябрида эса ер ости тезкор темир йўлининг яна икки станцияси ўз эшикларини очди, шундан кейинги йилларда яна янги бекатлар очилиб, уларнинг жами сони 23 тага етди. Булар — „Беруний“, „Чорсу“, „Ғафур Ғулом“, „Навой“, „Ўзбекистон“, „Космонавтлар“, „Ойбек“, „Тошкент“, „Машинасозлар“, „Чкалов“, „Собир Раҳимов“, „Чилонзор“, „Улуғбек“, „Ҳамза“, „Ёшлик“, „Халқлар Дўстлиги“, „Пахтакор“, „Мустақиллик майдони“, „Амир Тёмур ҳиёбони“, „Ҳамид Олимжон“, „Пушкин“, „Буюк ипак йўли“ бекатларидир. Метрополитен йўлларининг узунлиги ҳозирги вақтда 30 километрдан ошган. Ҳозирги кунда метрополитеннинг учинчи йўли қурилмоқда.

## **26. Ўзбекистонда троллейбус қатнови қачон бошланган ва транспортнинг бу тури қайси шаҳарларда ҳаракат қилмоқда?**

— Троллейбуслар Ўзбекистонда биринчи марта Тошкентда 1947 йилнинг 5 ноябрида „Вокзал — Эски Жўва“ йўналиши бўйлаб қатнай бошлаган.

Ҳозир транспортнинг бу тури Самарқанд, Олмалик, Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Нукус, Урганч ва Жиззах шаҳарлари аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

## II. ИҚТИСОДИЁТ. ИЖТИМОИЙ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТУЗИЛМАЛАРИ

27. „Буюк ипак йўли“ Ўзбекистоннинг қайси шаҳарларидан ўтган ва уни эндиликда қайта тиклаш учун нималар қилинмоқда?

— Шарқий ва Ўрта Осиё давлатларини Фарб мамлакатлари билан боғлаб келган қадимги асосий савдо йўли „Буюк ипак йўли“ эди. Узунлиги ўн минг километрдан ортиқ бу трансконтинентал карвон йўли Хитойнинг қадимги пойтахти Лояндан бошланарди. Фақат Хитойда ишлаб чиқариладиган ҳамда нархи Римда олтин баҳосига тенг ипак ортилган карвонлар Буюк Хитой деворини ортда қолдириб, Ланьчжо орқали Дунь-хуанга етиб борарди. У ердан Ўрта Осиё ҳудуди бўйлаб иккита асосий—жанубий ва шимолий йўллар ўтарди. Жанубий йўл Такламакон даштини жанубдан ва Хўган, Ёркент, Балх орқали айланиб ўтиб, Марвга (ҳозирги Туркменистондаги шаҳар) етиб борарди. Шимолий Турфон орқали Қашқаргача, кейин эса Фарғона водийси, Тошкент воҳаси орқали Самарқанд ва Марвгача чўзиларди. Жанубий ва шимолий йўллар Марвда туташарди. Марвдан „Буюк ипак йўли“нинг асосий тармоқларидан бири Бағдодга борар, ундан Сурия бандаргоҳларига етарди, бу ерда эса савдо моллари кемаларга қайта юкланиб, денгиз орқали Византия, Миср, Италия, Ўртаер денгизининг бошқа мамлакатларига етказиларди. Марвдан бошланадиган иккинчи тармоқ ҳозирги Афғонистон ерлари орқали Ҳиндистонга ўтар, учинчи тармоқ эса Волгагача бориб, у ердан Шарқий Европага қараб кетарди.

„Буюк ипак йўли“нинг фаолияти савдо-сотиқдан ташқари дин, маданият ва ижтимоий турмуш каби



турли соҳаларда халқлараро ижтимоий ҳаёт гоёлари билан кўп томонлама танишиш, фикр алмашишга кўмаклашар, бир сўз билан айтганда муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга эди.

Ўрта Осиё ва Кавказ давлатлари, шунингдек Европа Иттифоқи вакилларининг 1993 йили Брюсселда бўлиб ўтган учрашуви Буюк ипак йўлини қайта тиклашда дастлабки амалий қадам бўлди. Бу учрашувдан мақсад Ўрта Осиё ва Кавказдаги янги мустақил давлатларни жаҳон иқтисодиётига қўшиш имкониятларини кўриб чиқиш эди. Бу масала, аввало, транспорт тараққиёти билан боғлиқ бўлиб гап дунёнинг барча мамлакатларини боғлайдиган қулай ва қисқа йўллар устида борарди. Бунинг учун эса ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган қадимий йўлларни қайта тиклаш керак эди. Брюссель учрашувида ТРАСЕКА — Европани Осиё билан бирлаштирувчи Европа — Кавказ — Осиё транспорт йўлагини барпо этиш масаласи кўриб чиқилиб, бу масала юзасидан декларация қабул қилинди. 1996 йили Серахс манзилида Ўрта Осиё ва Эрон темир йўлларининг бирлаштирилиши бу улуғвор лойиҳани амалга ошириш йўлидаги муҳим воқеа бўлди. 1996 йил 13 майда Серахсда Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Туркменистон ўртасида бир-бирига эркин транзит режими бериш тўғрисида шартнома имзоланди. Япониядан Адриатика денгизигача чўзилган қадимги карвон йўлининг бу муҳим қисмидан фойдаланган давлатлар сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига катта даромад кўрадиган бўлдилар.

Ўзбекистон қўшни Қирғизистон, шунингдек Хитой билан Тошкент — Андижон — Ўш — Қашқар йўлини қуриш ва қайта таъмирлашда ҳамкорлик қилмоқда. Буюк ипак йўлининг бир қисми ҳисобланган бу транспорт маршрути Европани Тинч океан минтақаси ва жануби-шарқий Осиё давлатлари билан боғловчи энг қисқа йўл билан таъминламоқда.

1998 йил 8 сентябрда Озарбайжон пойтахтида Буюк ипак йўлини қайта тиклашга бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда жаҳоннинг 32 мамлакати, шунингдек ўндан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар, чунончи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки ҳамда Бутунжаҳон банки вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ушбу конференцияда сўзлаган нутқида ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишнинг зарурлиги, қадимги Буюк ипак йўлини қайта тиклаш—бу айрим шахслар фаолиятининг меваси эмас, балки давр, жаҳон тараққиётининг эҳтиёжи эканлигини алоҳида таъкидлади.

Боку конференциясида унинг иштирокчилари ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифни қабул қилдилар, унинг бош қароргоҳи—Бокуда жойлашадиган доимий котибияти таъсис этилди. Конференция иштирокчилари ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш бўйича уни молиялаш масаласини кўриб чиқдилар ва ТРАСЕКА банкни тузиш тўғрисидаги таклифни бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Конференция яқунлари бўйича Европа — Осиё йўлагини ривожлантиришдаги халқаро транспорт тўғрисида асосий, кўп томонлама шартнома имзоланди.

Бу ҳужжат юқлар ва йўловчилар ташишни ривожлантириш ҳамда тартибга солишни, транспорт сиёсати ва транспорт соҳасидаги ҳуқуқий мезонларни мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштиришни назарда тутади. Шунингдек, конференцияда Буюк ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган Халқаро конференция бўйича Боку декларацияси, Яқуний баённома қабул қилинди. Шунингдек, автомобиль ва темир йўл транспорти, савдо кема қатнови ҳамда божхона маросимлари бўйича техник таклифлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Боку конференцияси шуни кўрсатдики, Буюк ипак йўлининг қайта тикланиши тобора кўпроқ умумжаҳон аҳамияти касб этмоқда. Асрлар давомида давлатлар тараққиётига хизмат қилиб келган Буюк ипак йўли эндиликда яна тикланмоқда.

## **28. Ўзбекистоннинг амалий алоқалар маркази қачон тузилган ва унинг мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ишидаги аҳамияти қандай?**

— Ўзбекистоннинг амалий алоқалар маркази Тошкентда 1994 йил сентябрда тузилган. Унинг вазифасига мамлакатимизда кичик, ўрта ва хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, ўзбекистонлик тадбиркорларнинг бошқа мамлакатлар тижоратчилари билан амалий алоқаларини йўлга қўйиш, амалдаги қонунлар, юридик ва процедура масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, қўшма корхоналар барпо қилишда ёрдам кўрсатиш, бизнес режалар тузиш ҳамда янги ишлаб чиқаришлар учун кредитлар олиш киради.

Республиканинг барча вилоятларида марказнинг электрон почта билан жиҳозланган шохобчалари бўлиб, улар туфайли жойлардаги бизнесменлар амалий алоқалар пойтахт маркази томонидан таклиф этиладиган барча хизматлардан фойдаланадилар. Улар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари, ишчан аёллар уюшмаси билан яқин алоқада ишлайдилар.

Бошқа мамлакатлар ишбилармонлари билан амалий алоқалар ўрнатиш йўлиридан бири Голландия шаҳри Амстердамда ҳамда Испания округи Валенсияда бўлиб ўтган Европартенариат сессияларига мамлакатимиз тадбиркорлари сафарининг сафарлар маркази томонидан ташкил этилишидир. Марказ ходимлари

ушбу сессиялар қатнашчилари бўлган тадбиркорларга амалий материалларни тайёрлашда, гарб ишбилармонлари билан ўтказиладиган музокаралар режаларини тузишда, мамлакатимиз тўғрисида, Европартена-риат сессиясида қатнашаётган фирмаларимиз фао-лияти тўғрисида ахборот келтирилган каталоглар чиқаришда кўмаклашдилар.

Марказ „Катта экспертлар Европа тармоғи“ ҳамда „Буюк Британия катта экспертлари миллий тармоғи“ ТАСИС дастурлари доирасида бизнес турли соҳалари-даги ажнабий мутахассисларнинг корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, янги технологияларни жорий этиш бўйича маслаҳатлар ўтказиш учун мамлакатимизга сафарини ҳам ташкил этади.

Амалий алоқалар марказининг фаолияти кенг бўлиб, у бутунлай бир вазифага — мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга, мулкдорлар син-фи муваффақиятли ташкил топишига қаратилгандир.

## **29. Ўзбекистонда қандай солиқлар бор?**

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар амал қилади.

Умумдавлат солиқларига юридик шахслар даро-мадлари (фойдалари)дан солиқ; жисмоний шахслар даромадларидан солиқ; қўшимча қиймат солиғи, акция солиғи; ер остидан фойдаланганлик солиғи; экологик солиқ; сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи киради.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга мулк солиғи; ер солиғи; реклама солиғи; автотранспорт воситалари-ни қайта сотиш солиғи; савдо-сотиқ солиғи (товарлар айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқи лицензион йиғими қўшилган ҳолда); юридик шахсларни, шу-нингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланув-

чи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш солиғи; автотранспортни сақлаш, парковка қилиш солиғи; ободонлаштириш ишлари солиғи киради.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

### **30. „Давлат ер кадастри тўғрисида“ги Қонун қачон қабул қилинган ва унинг мақсади қандай?**

—Ўзбекистон Республикасининг „Давлат ер кадастри тўғрисида“ ги Қонуни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида 1998 йил 28 августда қабул қилинган ва у эълон қилинган 1998 йил 23 сентябрдан амалга киритилган.

Мазкур Қонуннинг биринчи моддасида айтилишича, унинг мақсади давлат ер кадастри ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, иқтисодиётни ривожлантириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар кафолатини таъминлаш, ерларни қайта тиклаш ва ҳимоялашдан оқилона фойдаланишдир.

Давлат ер кадастри давлат кадастрлари Ягона тизимининг асосий таркибий қисми бўлиб, ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий тартиби, уларнинг туркумлари, сифат тавсифномаси ва қадрияти, жойлашган ўрни ҳамда ер участкаларининг ҳажми, уларнинг эгалар, фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборатдир.

Давлат ер кадастрига ер участкаларига ҳуқуқларнинг давлат рўйхати, ерлар миқдори ва сифати, тупроқлар бонитировкаси, ерларнинг қийматига оид нархи, шунингдек ер-кадастр ахборотини тартибга солиш, асраш ҳамда янгилашни ҳисобга олиш киради.

## 31. Ўзбекистон ишчан аёлларининг „Тадбиркор аёл“ Ассоциациясининг мақсадлари ва вазифалари қандай?

— Аёллар республикамизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда каттагина роль ўйнамоқдалар. Ишлаб чиқариш ва турли хизмат тармоқларида амал қилаётган хусусий фирмаларнинг аёл эгалари сони мазкур туркумдаги ишчан кишиларнинг ўн фоизга яқинини ташкил этади.

Аёлларнинг бозор муносабатлари шаклланиши жараёнида иштирок этиши учун қулай шароит яратиш, ўз бизнесини эндигина бошлаётган ёки амал қилиб турган ўз ишлаб чиқаришини кенгайтиришни мўлжаллаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларга молиявий ёрдам кўрсатиш, улар ҳуқуқлариши ҳимоялаш мақсадида республикада Ўзбекистон ишчан аёллари Ассоциацияси тузилди. Ҳозир мазкур Ассоциация хусусий ва давлат секторларининг уч мингдан ортиқ аёл рассом, шифокор, артист тадбиркорларини ҳамда ўз салоҳиятини тадбиркорлик соҳасида синаб кўришни истаган барча аёлларни бирлаштиради.

Ишчан аёллар Ассоциацияси тадбиркорлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларга ўз шахсий иш жойини очиш учун бошланғич сармоя тариқасида кредитлар ажратиш билан шуғулланмоқда, ишчан аёлларга маркетинг хизмати кўрсатмоқда, уларга ўз маҳсулоти билан жаҳон бозорига чиқиш имкониятини яратиб бермоқда.

Ассоциация бўлимлари барча вилоятларда ишлаб турибди, унинг ўзида бир неча тузумлар бўлиб, улар турли йўналишларда ишламоқда.

Чунончи, „Зумрад“ маданий маркази нашриётчилик фаолияти, ажнабий шериклар билан маданий алоқаларни ривожлантириш, кўрғазмалар, ким ошди савдолари, концертлар ўтказиш билан шуғулланмоқ-

да. „Ҳимоя“ ҳуқуқий маркази тадбиркорларга корхонани рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар тайёрлашда ёрдам бермоқда, бир қанча консалтинг хизматлари кўрсатмоқда. Ассоциациянинг Ташқи иқтисодий фирмаси инвестициялар бўйича хорижий шериклар билан алоқаларни йўлга қўймоқда, хом ашё ва ускуналар масалалари билан шуғулланмоқда. Сайёҳлик фирмаси мамлакат ичкарасида ҳам, ундан ташқарида ҳам саёҳатлар ташкил қилмоқда. Божхона маркази „Три 0“ штатни тузиш муаммолари бўйича, зиддиятли вазиятларни ечишда, касбий мўлжал олишда, руҳий ривож муаммолари бўйича маслаҳатлар бериб туради. Хуллас, „Тадбиркор аёл“нинг бутун фаолияти мамлакатимизда аёлларнинг тадбиркорликда қатнашиши учун қулай шароитлар яратиш воситасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилгандир.

## **32. Ўзбекистонда телекоммуникацияларни ривожлантириш ва замонавийлаштириш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?**

— Телекоммуникация — бугун гуркираб ривожланаётган тармоқлардан биридир. Республика Вазирлар Маҳкамаси 1995 йили алоқа телекоммуникация тармоқларини 2010 йилгача бўлган давргача ривожлантириш ва замонавийлаштириш миллий дастурини қабул қилди. 1995 йил май ойида Тошкентда биринчи рақамли АТС—136 ишга тушди. Шундан буён республикада 400 мингдан ортиқ рақамли АТС—136 номерлари ишга тушди. Тола-оптик кабелда минг километрга яқин магистрал ва қарийб беш юз километр станциялараро рақамли линиялар тортилди. 1998 йили телекоммуникациянинг Хитойдаги Шанхайни Германиянинг Майндаги Франкфурт билан улаган Транс Осиё—Европа магистрали қуриб битказилди. Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 926 кило-

метрға чўзилган ғоят улкан бу магистралнинг ишга туширилганлиги мамлакатимизда Халқаро телефон алоқаси ҳолатини тубдан яхшилаш имконини берди.

Республикада алоқанинг янги тури—уяли (сотовый) алоқа кенг ривож топди. 1992 йилнинг августда Тошкентда бугун Ўрта Осиё минтақасида биринчи бор дастлабки уяли станция—уяли алоқа ишлай бошлади. Ҳозир уяли алоқанинг янги тармоғи фақат Тошкентнигина эмас, балки республиканинг Самарқанд, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Чирчиқ, Янгийўл каби йирик вилоят ва саноат марказларини ҳамда уларга туташ ҳудудларни ҳам қамраб олган.

### **33. „Ўзбекистон Республикаси халқ устаси“ фахрий унвони қачон таъсис этилди ва бу юксак унвонга ким биринчи сазовор бўлди?**

— Ўзбекистон Республикасининг „Ўзбекистон Республикаси халқ устаси“ фахрий унвони 1998 йил 1 майда таъсис этилди. Мазкур фахрий унвонни таъсис этиш тўғрисидаги Қонунга кўра бундай юксак мукофот билан халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари, миллий маданиятни янада ўстиришга қўшган ҳиссалари ҳамда истеъдодли санъаткор ёшларни тайёрлаганликлари учун рағбатлантириладилар.

Ушбу фахрий унвонга сазовор бўлган шахсларга кўкрак нишони топширилади. У 0,25 микрон қалинликдаги олгин билан қопланган, 925 пробали кумушдан ясалган бўлиб, диаметри 34 миллиметр, қалинлиги 2,2 миллиметрдир.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида халқ усталари ясаган буюмлар (қумфон, лаган, хонтахта) тасвирланган бўлиб, қуйи ўнг томони дафна шоҳчаси билан ўралган. Юқори сўл қисмида эса „XALQ USTASI“ ёзуви ётиқ жойлашган.



Нишоннинг орқа томонига Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвир ва ёзув бўртма.

Кўкрак нишони кулоқча ва доирача кўмагида ичи Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги мухайяр тасма билан қопланган колодкага туташтирилади.

„Ўзбекистон Республикаси халқ устаси“ фахрий унвонига Президент Ислам Каримовнинг 1998 йил 27 августдаги Фармони билан қуйидаги хунармандлар сазовор бўлдилар:

**Комилов Иброҳимжон** — „Хунарманд“ республика бирлашмаси Фарғона вилояти. Риштон тумани бўлимининг аъзоси,

**Дадамухамедов Фасихитдин Гуломович** — „Уста“ бирлашмасининг заргар устаси;

**Нуралиев Ҳайдарали** — „Уста“ бирлашмасининг кесувчиси.

### **34. Ўзбекистонда ўсмирларнинг меҳнат фаолиятига қайси ёшдан рухсат этилади? Улар иш вақтининг давомийлиги қанча ва меҳнатига қандай ҳақ тўланади?**

— Ишга қабул қилиш рухсат этиладиган 16 ёш 1996 йил 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мустаҳкамлаб қўйилган.

15 ёшга тўлган шахслар ишга ота-онасидан биттасининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, касб-хунар билим юртлари, ўрта ўқув юртлари-муассасалари ўқувчилари ўз соғлиғи ва ўсишига зарар етказмайдиган, ўқиш жараёнини бузмайдиган, ўқишдан бўш вақтда улар 14 ёшга

кирганда ота-оналаридан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан ишга қабул қилинадилар.

Ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига ўттиз олти соатдан кўп бўлмаган муддатга, ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун (таътил даврида ишловчи ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар учун) — ҳафтасига йигирма тўрт соатдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади.

Ўсмирнинг меҳнати меҳнат шароити ноқулай, ерости ишларида ёки соғлиғига, шунингдек хулқ-атворига зарар етказиши мумкин бўлган ишларда қўлланилиши мумкин эмас.

Ўсмирларни тунги, иш вақтидан ташқари ишлар ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш ҳам ман этилади.

Ўн саккиз ёшга етмаган ишчи ва хизматчилар кундалик ишнинг давом этиши қисқартирилганда иш ҳақини тегишли тоифадаги катта ёшлилар тўла иш куни банд бўлганда оладиган миқдорда оладилар.

Ўқишдан бўш вақтда ишлайдиган ўқувчиларнинг меҳнатига ишлаб берилган вақт ёки ишлаб чиқаришга қараб ҳақ тўланади.

Ўн саккизга тўлмаган ўсмирларга ҳар йили бериладиган таътил ўттиз тақвим кундан кам бўлмайди ва улар бундан ёзда ёки йилнинг ўзлари учун қулай бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин.

### **35. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишилар нафақаларини, меҳнат дафтарчаларини расмийлаштириш тартиби қандай?**

— Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар конституциявий ҳуқуқларини таъминлайдиган бир қанча меъёрий

хужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги қарори билан „Меҳнат стажини ҳисоблаш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар томонидан нафақа жамғармасига юридик шахс маълумотисиз бадаллар ўтказилиши тартиби“ тасдиқланди.

Мазкур тартиб тадбиркорлар ижтимоий кафолатлари шартлари ва турларини изга солади, давлат ижтимоий суғуртасини ҳамда меҳнат стажини ҳисоблашни, шунингдек тадбиркорлар меҳнат дафтарчаларини юргизишни белгилаб беради.

Юқорида кўрсатилган „тартиб“нинг асосий хусусияти шундаки, у иқтисодиётнинг ўзига хос бўлимида банд бўлган барча жисмоний шахсларга тааллуқли бўлиб, нафақа жамғармаси бўлимларидаги суғурта бадаллари тўловчисини рўйхатга олиш зарурлигини ўрнатадики, бу эса унга келгусида ижтимоий ҳимояланиш кафолатини беради.

Шу туфайли, биринчидан, фаолият тури қандай бўлишидан қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган барча жисмоний шахслар қамраб олинади.

Иккинчидан, тадбиркорга ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бадал миқдорини ижтимоий суғурта бўйича нафақа ва кўмакларнинг исталган миқдорини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилади.

Учинчидан, суғурта бадаллари ҳисоби, меҳнат стажини ҳисоблаш, ижтимоий суғурта бўйича кўмаклар тўлаш, шунингдек меҳнат дафтарчаларини юргизиш ва сақлашни бир жойда — нафақа жамғармасида тўплаш таъминланади.

Тадбиркорлар суғурта бадаллари тўловчиси сифатида нафақа жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимида рўйхатдан ўтишлари зарур, у ерда уларга рўйхат рақами берилади ҳамда ҳисобга олишни амалга ошириш учун шахсий иш (дело) очилади. Тадбиркор

фаолияти бошланган сана Нафақа жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг уни суғурта бадаллари тўловчиси сифатида рўйхатга олган кун ҳисобланади.

Суғурта бадаллари ҳисобот квартали ойдан кейинги 8-кундан кечиктирмай тўланиши лозим. Бу эса тадбиркорнинг яшаш жойи бўйича нафақа жамғармаси туман (шаҳар) бўлими ҳисобига халқ банки бўлимлари орқали нақд пулсиз ёки нақд пул йўли билан амалга оширилади.

Тўланган суғурта пуллари қайтариб берилмайди.

Ўз вақтида тўланмаган суғурта бадалларининг ҳар бир куни учун суғурта бадаллари тўлаш пайтида аниқланган энг кам иш ҳақининг 0,15 фоизи миқдориди жарима олинади.

Тадбиркор суғурта бадали миқдорини ўз имкониятлари ҳамда нафақа таъминоти ва суғурта бўйича кўмакларнинг исталган миқдоридан келиб чиққан ҳолда ўзи мустақил белгилайди. Бироқ страхование бадалининг миқдори ҳар қайси ойда Ўзбекистон Республикасига белгиланган битта энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Белгиланган нафақа, шунингдек ижтимоий суғурта бўйича кўмаклар миқдори нафақа жамғармасига тўланадиган суғурта бадаллари миқдори ҳамда тадбиркорнинг меҳнат стажи давомийлигига боғлиқ бўлади.

Меҳнат стажига агар ушбу йил барча ойлари учун тўланган суғурта бадаллари белгиланган энг кам бадалдан кам бўлмаса, календарь йил қўшиб ҳисобланади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, тадбиркорнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдан иборат бўлиб, шу йилнинг 9 ойи давомида бадаллар тўланган бўлса, меҳнат стажининг тўла йили ҳисобга олинади.

Нафақа жамғармасига суғурта бадаллари тўланган бўлса, тадбиркор қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

Ўзбекистон Республикасининг „Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида“ ги Қонунига биноан нафақа билан таъминланиш;

ижтимоий суғурта бўйича, шу жумладан меҳнатга вақтинча яроқсизлик бўйича, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, бола туғилганда кўмаклар ҳамда дафн учун кўмаклар олиш;

қонунларда назарда тутилган ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа турларидан фойдаланиш.

Тадбиркор фаолиятини тўхтатган сана унинг нафақа жамғармасига ижтимоий суғурта бўйича бадаллар тўловини тўхтатганлиги тўғрисида шахсий ариза берган куни ҳамда агар у бу ҳақда нафақа жамғармасини огоҳлантирмай, суғурта бадаллари тўлашни тўхтатган бўлса, тадбиркор страхование бадалини тўлаган даврнинг сўнгги куни санаси ҳисобланади. Тадбиркор меҳнат дафтарчасига тадбиркор сифатида меҳнат стажини тўхтатиш тўғрисида тегишли ёзувни киритган биринчи ой давомида суғурта бадаллари бўйича, шунингдек жарима бўйича қарзларини тўлайди, бандлик тўғрисида киритилган ёзув бекор қилинади ҳамда стаж у тўлаган вақтдан бошлаб тикланади.

Агар меҳнат дафтарчасига тадбиркорнинг меҳнат стажини тўхтатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган кундан бошлаб ой мобайнида ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ва қарзлар бўйича жарима тўланмаса, нафақа жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими фуқарога турар жойи бўйича меҳнат дафтарчасини ҳамда айни вақтда ҳокимликка, тадбиркор рўйхатдан ўтган жойга тадбиркор нафақа жамғармасига суғурта бадаллари тўлашни тўхтатганлиги тўғрисидаги хабарномани юборди.

## 36. Давлат қандай йўл билан фуқароларнинг ишга жойлаштиришига кўмаклашади?

— Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини, унинг бандлигини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикасининг „Халқ таълими тўғрисида“ ги Қонунига, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурига, Вазирлар Маҳкамасининг „Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида“ ги, „Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касбий таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида“ ги қарорларига мувофиқ ўсмир ўрта маълумот тўғрисидаги аттестати билан бирга унинг эгаси муайян мутахассисликка эга эканлигини ва унга ўз касби бўйича ишга жойлаштириш учун йўлланма берилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома ҳам олади.

Ўзбекистон Республикасининг „Аҳоли бандлиги тўғрисида“ ги 1998 йил 26 майда янги таҳрирда кучга киритилган Қонунига кўра давлат ишга жойлаштиришда қўшимча кафолатларни таъминлаб беради. Бу кафолатлар фуқароларнинг бир қанча доираларига, шу жумладан таълим муассасаларини тугатган ёшларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишга жойлаштиришга қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашолмайдиган шахсларга, ўн тўрт ёшгача бўлган фарзандлари ва ногирон фарзандлари бор ёлғиз ҳамда серфарзанд ота-оналарга, ҳарбий, ИИБ ва бошқа хизматлардан бўшатирилганларга, ногиронлар, нафақа ёшидагилар, шунингдек жазони ўташ муассасалардан бўшаб келганлар ёки суд ҳукми билан мажбурий тиббий тарздаги чораларга тортилган, сайланадиган лавозимлардаги ходимларга тааллуқлидир.

Бу қўшимча кафолатлар янги иш жойлари, ихтисослашган корхоналар, шу жумладан ногиронлар

меҳнат қиладиган корхоналар, махсус ўқитиш дастурлари уюштириш, фуқароларнинг юқорида санаб ўтилган тоифалари учун корхоналарда, муассасаларда лозим бўлган иш жойлари яратиш воситасида таъминланади.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат биржаларига мурожаат қилаётган фуқаролар танлаган касби бўйича маслаҳат олиш, тайёргарлик ва қайта тайёргарлик кўриш, малака ошириш, бандлик турини, иш жойини ва меҳнат тартибини эркин танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

### **37. Аёллардан кимлар „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони ва „Олтин Юлдуз“ Олий нишонига сазовор бўлган?**

— „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони ва „Олтин Юлдуз“ Олий нишони Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майдаги XV сессиясида қабул қилинган Қонун билан таъсис этилган.

1996 йил 26 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ таълимини ривожлантириш ишига қўшган катта ҳиссаси, шунингдек ишлаб чиқариш тармоқларидаги қаҳрамонона меҳнати учун:

Наманган вилоят туғруқ уйи бўлимининг мудираси **Кўчқорова Ойшахонга** „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони берилиб, „Олтин Юлдуз“ Олий нишони топширилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августдаги Фармони билан мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тармоқларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда соғлиқни сақлаш, таълим ва ёшлар тарбияси соҳасидаги қаҳрамонона

меҳнати, шунингдек давлат ҳамда халқ олдидаги хизматлари учун:

Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги 10-сонли мактабнинг математика ўқитувчиси Мадалиева Манзура Абдуллаевнага;

Қорақалпоғистон Республикасидаги 1-сонли туғруқхона гинекология бўлимининг мудираси Саитова Онесия Саитовналарга „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони берилиб, „Олтин Юлдуз“ Олий нишони топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1999 йил 25 августдаги Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 273-ўрта мактаб директори Исматова Мавлудага, Бухоро вилояти, „Бухоротекс“ ҳиссадорлик жамияти 1-йигирув-тўқув фабрикасининг йигирувчиси Раҳматова Мартия Аҳмедовнага „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони берилиб, „Олтин Юлдуз“ Олий нишони топширилди.

### **38. Жаҳон мамлакатларида қандай пул бирликлари мавжуд ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги — сўмга нисбатан курси қандайлигини айтиб беринг**

— Хорижий валюталарнинг Ўзбекистон пул бирлиги — сўмга нисбатан курсларини божхона тўловлари ҳисоб-китоби учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки белгилаб беради ва у ушбу курслар ўзгаришларини даврий матбуотда мунтазам равишда маълум қилиб туради.

Жаҳоннинг айрим мамлакатлари пул бирликларининг номлари қуйидагичадир:

Австралия — Австралия доллари

Австрия — Австрия шиллинги



Албания — Лек  
Алжир — Динор  
Ангола — Кванза  
Андорра — Андора песетаси  
Аргентина — Аргентина песоси  
Арманистон — Драм  
Афғонистон — Афғоний  
Америка Қўшма Штатлари — АҚШ доллари  
Бангладеш — Така  
Барбадос — Барбадос доллари  
Белорусь — Рубль  
Бельгия — Бельгия франки  
Бирлашган Танзания Республикаси — Танзания

#### ШИЛЛИНГИ

Бирлашган Араб Амирликлари — (БӒА) — Дирхам  
Болгария — Лев  
Боливия — Боливия песоси  
Ботсвана — Пула  
Бразилия — Крузейро  
Бурунди — Бурунди франки  
Буюк Британия — Фунт стерлинги  
Венгрия — Форинт  
Венесуэла — Боливар  
Вьетнам — Донг  
Гаити — Гурд  
Гайана — Гайяна доллари  
Гамбия — Даласи  
Гана — Седи  
Гваделупа — Француз франки  
Гватемала — Кетсал  
Гвинея — Сили  
Гвинея - Бисау — Гвинея-Бисау песоси  
Германия — Маркаси  
Гондурас — Лемпира  
Гонгконг (Сянган) — Гонгконг доллари  
Гренада — Шарқий Кариб доллари  
Греция — Драхма

Грузия — Лари  
Гуам — АҚШ доллари  
Дания — Дания кронаси  
Доминина — Шарқий Кариб доллари  
Доминика Республикаси — Доминика песоси  
Жанубий Африка Республикаси — Ранд  
Жибути — Жибути франки  
Миср — Миср жунайхи (фунти)  
Заир — Заир  
Замбия — Квача  
Зимбабве — Зимбабве доллари  
Исроил — Янги шекель  
Индонезия — Индонезия рупияси  
Иордания — Иордан динари  
Ироқ — Ироқ динари  
Ирландия — Ирланд фунти  
Исландия — Исланд кронаси  
Испания — Песети  
Италия — Лираси  
Йеман — Йеман динари  
Қозоғистон — Тенге  
Камбоджа — Риал  
Канада — Канада доллари  
Катар — Катар риали  
Кения — Кения шиллинги  
Кипр — Кипр фунти  
Колумбия — Колумбия песоси  
Корея Халқ Демократик Республикаси — Вони  
Коста-Рика — Коста-Рика Колони  
Куба — Куба песоси  
Кувайт — Кувайт динари  
Қирғизистон — Сом  
Лаос Халқ Демократик Республикаси — Кип  
Латвия — Лат  
Либерия — Либерия доллари  
Ливан — Ливан фунти  
Ливия — Ливия динари

Литва — Лит  
Лихтенштейн — Швейцария франки  
Люксембург — Люксембург франки  
Маврикий — Маврикий рупияси  
Мавритания — Угия  
Мадагаскар — Малагаси франки  
Малайзия — Малайзия ринггити  
Мали — Мали франки  
Мальдив Республикаси — Мальдив рупияси  
Мальта — Мальта лираси  
Мексика — Мексика песоси  
Марказий Африка Республикаси — франк  
Марокаш — Марокаш дирхами  
Молдова Республикаси — лейн  
Монако — Француз франки  
Мўғулистон — тугрик  
Мьянма — кьят  
Намибия — ранд  
Науру — Австралия доллари  
Непал — Непал рупияси  
Нигерия — найра  
Нидерландия — гульден  
Никарагуа — кордоба  
Норвегия — Норвег кронаси  
Озарбайжон — Манат  
Покистой — Покистон рупияси  
Панама — бальбоа  
Пануа — Янги Гвинея — кина  
Парагвай — гварани  
Перу — Соль (инти)  
Польша — злотий  
Португалия — Португалия эскудоси  
Пуэрто-Рико — АКШ доллари  
Россия Федерацияси — рубль  
Руанда — Руанда франки  
Руминия — лей  
Сальвадор — Сальвадор колони

Сан-Марино — Италия лираси  
Саудия Арабистони — Саудия Арабистони риали  
Свазиленд — лилангени  
Сингапур — Сингапур доллари  
Сурия Араб Республикаси — Сурия жунайхи  
(фунти)  
Словакия — крона  
Соломонов ороллари — Соломон ороллари дол-  
лари  
Судан — Судан жунайхи (фунти)  
Суринам — гульден  
Тожикистон — Рубль  
Таиланд — бат  
Тринидад ва Тобаго — Тринидад ва Тобаго доллари  
Тувалу — Австралия доллари  
Тароблис — Тароблис доллари  
Тунис — Тунис динари  
Туркменистон — Туркман манати  
Туркия — Туркия лираси  
Уганда — Уганда шиллинги  
Украина — гривнаси  
Уммон — Уммон риали  
Уругвай — Уругвай песоси  
Фижи — Фижи доллари  
Филиппин — Филиппин песоси  
Финляндия — марка  
Франция — Француз франки  
Ҳиндистон — Ҳинд рупияси  
Хорватия — динар  
Хитой — Юани  
Чех Республикаси — Чех кронаси  
Чили — Чили песоси  
Швейцария — Швейцария франки  
Швеция — Швед кронаси  
Шри-Ланка — Шри-Ланка рупияси  
Эквадор — сукре  
Эрон (Ислом Республикаси) — Эрон риали

Эстония — Эстония кронаси  
Эфиопия — Эфиопия бери  
Ямайка — Ямайка долларлари  
Янги Зеландия — Янги Зеландия долларлари  
Япония — иенаси

### 39. Ўзбекистонда аёлларнинг ақлий (интеллектуал) меҳнат соҳасидаги иштироки қандай?

— Республикада ақлий меҳнат билан банд бўлган аёллар сони тез ортиб бормоқда. Бизда аёл академиклар, фан докторлари ва номзодлари, профессорлар, доцентлар, катта илмий ходимлар, журналистлар, ёзувчилар, шоиралар бор.

Бугунги кунда республикамиздаги олий маълумотли мутахассисларнинг 45 фоизи аёллардир.

### 40. Даромад солиғи тўлаш бўйича қандай имтиёзлар мавжуд?

— Қуйидагилар даромад солиғи тўлашдан тўла озод этиладилар:

Мудофаа, фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, Ички ишлар ва божхона органларининг оддий ва бошлиқлар таркиби, шунингдек ўқув ёки текширув йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматчилар — пул таъминоти, пул мукофотлари ва хизмат ўташ (хизмат бурчларини адо этиш) муносабати билан олган бошқа тўлов суммалари бўйича.

Қуйидагилар қисман, бир тўла ой учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баробари миқдоридан даромад солиғи тўлашдан озод этиладилар:

а) „Ўзбекистон Қаҳрамони“, собиқ „Совет Иттифоқи Қаҳрамони“, („Меҳнат Қаҳрамони“) унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражали

„Шухрат“ ордени кавалерлари, уруш ветеранлари, 1941—1945 йиллардаги II жаҳон уруши даврида ярадор бўлиш, контузия, майиб бўлиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа бурчларини адо этишда, ёки фронтда бўлганлиги туфайли касалланганлик натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизан қисмларида бўлганлар, шунингдек нафақа таъминоти бўйича ҳарбий хизматчиларнинг кўрсатиб ўтилган тоифаларига тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

б) хизматни ҳаракатдаги армия, собиқ партизанлар таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва ҳарбий муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ҳамда 1941—1945 йиллар уруши, собиқ Иттифоқ мудофааси бўйича бошқа жанговар ҳарбий ҳаракатлар қатнашчилари, 1941—1945 йиллар уруши даврининг меҳнат fronti ветеранлари ва (махсус жазо) концентрацион лагерларнинг собиқ кичик ёшдаги маҳкумлари;

в) Санкт-Петербург шаҳрида унинг 1941 йил 8 сентябридан 1944 йилнинг 27 январигача давом этган қамали даврида ишлаган фуқаролар;

г) ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий хизматчилар таркибига кирган, хизмат бурчларини ўташ вақтида ярадор бўлган, контузия ёки майиб бўлган ногиронлар;

д) болалигидан буён ногиронлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари;

е) „Қаҳрамон она“лар, ўн ва ундан ортиқ фарзанди бор оналар;

ж) собиқ СССРни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизмат билан боғлиқ бошқа ҳолларда ярадор, контузия ёки майиб бўлиш натижасида ёки фронтда бўлганлик оқибатида касалланиш натижасида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинлари;

з) ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинлар чекланган контингенти таркибида хизмат ўтаган, ўқув ҳамда текширув йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

и) Чернобиль АЭСидаги фалокат оқибатида жабрланган шахслар;

к) ўн олти ёшгача бўлган икки ёки ундан ортиқ фарзандлари бор ёлғиз оналар;

л) икки ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган ҳамда боқувчисини йўқотганлиги бўйича нафақа олмаётган бева аёл ва эркаклар;

м) болалигидан ногирон ва мунтазам парваришга муҳтож фарзанди билан яшаётган ота-оналардан бири;

н) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар — ушбу ишларни бажаришдан олинган даромадлар бўйича.

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи ҳисобот йилига тегишли ҳужжатлар кўрсатилганда юзага келади.

#### **41. Ўзбекистонда бандлик муаммоси бўйича нафақалар қанча вақт мобайнида ва қандай миқдорда тўланади?**

— Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдан кучга кирган „Аҳоли бандлиги тўғрисида“ги Қонунига (янги таҳрирдаги) биноан ўн олти ёшдан то нафақа билан таъминланиш ҳуқуқи олингунгача бўлган ишга яроқли шахс ишсиз деб тан олинади. Бундай шахс ишга ва даромадга (меҳнат даромадига) эга бўлмай, меҳнат бўйича маҳаллий меҳнат биржасида иш қидираётган, ишлашга ҳамда касбий

тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малака оширишга тайёр шахс сифатида рўйхатга олинган. Маҳаллий меҳнат меҳнат биржасини иш қидираётган шахсни рўйхатга олгач ўн бир кундан кечиктирмай уни ишсиз деб тан олиш тўғрисида қарор чиқаради. Бундай шахсларга ишсизлик нафақаси тайинланади ва у ишсизлар меҳнат бўйича биржасида рўйхатга олинган биринчи кундан бошлаб ҳисобланади ва тўланади.

Бандлик муаммоси бўйича нафақа:

ишни ва иш ҳақи (меҳнат даромади)ни йўқотган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан сўнг меҳнат фаолиятини бошлашга интилувчи шахсларга ўн икки ойлик даврнинг йигирма олти календар ҳафтадан ортиқ бўлмаган вақти учун тўланади.

Илгари ишламаган ва ишга жойлашишга биринчи марта уринаётган шахсларга ўн икки ойлик давр мобайнида ўн уч календар ҳафта учун тўланади.

Ишсиз нафақа олиш даврида иш қидириши ва камида икки ҳафтада бир марта меҳнат бўйича маҳаллий органда рўйхатдан ўтмоғи шарт. Ишни ва иш ҳақи (меҳнат даромади)ни йўқотган шахслар учун нафақа аввалги иш жойи бўйича ишнинг охирги йили учун ўртача иш ҳақиға нисбатан фоизда тайинланади. Бошқа ҳолларда ишсизлик бўйича нафақа иш ҳақининг қонунлар билан белгиланган энг кам миқдориға нисбатан фоизда тайинланади.

Ўн олти ёшгача болалари ва бошқа боқимандалари бўлган ишсизларға нафақа миқдори ўн фоиз кўпайтирилади.

Туманларда яшовчи шахслар иш ҳақиға коэффициентлар тайинланган, ишсизлик бўйича нафақа миқдорлари уларнинг ушбу туманларда яшаш давриға мазкур туманда ноишлабчиқариш тармоқлари учун тайинланган коэффициент қўлланилган ҳолда белгиланади.



Иш ва иш ҳақи (меҳнат даромади) йўқотилган ҳолда ишсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уни аввалги иш жойи бўйича ўртача иш ҳақининг элик фоизи миқдорида тўлаш кафолатланади, лекин бу иш ҳақининг қонунлар билан белгиланган иш ҳақи энг кам миқдоридан кам ва Ўзбекистон Республикасида нафақа тайинлаш пайтида таркиб топган ўртача иш ҳақидан кўп бўлмаслиги керак.

Ушбу қонун билан ҳарбий хизматдан, ички ишлар ва миллий хавфсизлик органларидан бўшаган шахслар учун, биринчи марта иш қидираётган шахслар учун, узоқ танаффусдан сўнг иш қидираётган шахслар учун, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликни, малака оширишни тугатган шахслар учун ишсизлик бўйича нафақа миқдори белгиланган.

Ишсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқини уни тўлашнинг белгиланган даври тугаши муносабати билан йўқотган ишсиз фуқароларга бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ёки маҳаллий бюджетдан ажратиладиган моддий ёрдам берилиши мумкин.

## **42. Меҳнатга вақтинча яроқсизлик бўйича нафақалар қандай миқдорда тўланади?**

— Меҳнатга вақтинча яроқсизлик нафақаси касал бўлиб қолганда, меҳнат ёки бошқа, шу жумладан маиший шикастланганда, оиланинг бемор аъзосини парвариш қилганда, карантинда, санатория-курорт даволанишида ва протезлашда тўланади.

Меҳнатда (иш вақтида) шикастланганлик ва касбий беморлик оқибатида меҳнатга вақтинча яроқсизлик нафақаси тўла иш ҳақи миқдорида, бошқа ҳолларда эса ходим томонидан давлат ижтимоий суғурталашни бадаллар тўлашининг давомийлигига (ишнинг умумий стажига), балоғат ёшига етмаган

болалари сонига боғлиқ ҳолда иш ҳақининг олтмишдан юз фоизига қадар миқдорда тўланади.

Меҳнатга вақтинча яроқсизлик нафақасининг энг кам миқдори иш ҳақининг қонунлар билан белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисобланадиган иш ҳақидан ортиб кетмаслиги керак.

#### **43. Аёлларга ҳомиладорлик ва туғқанидан сўнг бериладиган нафақанинг миқдори қанча?**

— Ўзбекистон Республикасида ишлайдиган барча аёллар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ҳақ тўланадиган қўшимча таътил оладилар. Ушбу таътил 126 календарь кун давом этади: (шундан 70 кун туғишгача ва 56 кун туғишдан кейин). Туғиш мураккаб кечганда ёки икки ёки ундан кўп бола туғилганда туғишдан кейинги таътил 70 кун этиб берилади ҳамда туғилган ҳар бир бола учун бирйўла нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг тўла миқдорида ҳомиладорлик ҳамда туғиш таътилининг бутун давомида тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили қўшиб ҳисобланади ҳамда аёлга туғишга қадар амалда қанча кундан фойдаланилганидан қатъи назар тўлиқ берилади.

#### **44. Давлат ижтимоий страхование (суғурталаш) тизими қандай?**

— Республикада давлат ижтимоий суғуртаси барча ходимларга тааллуқлидир. Ижтимоий суғурта бадаллари ходимлар томонидан тўланади. Шунингдек мазкур ходимлар ўзларини ҳам суғурта қилдирадилар.

Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан меҳнатга вақтинча яроқсизлик нафақалари билан таъминланадилар, аёллар эса бун-

дан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар билан, бола туғилишидаги нафақалар билан, ёш бўйича, ногиронлик бўйича ва боқувчисини йўқотганлик ҳолати бўйича давлат нафақалари билан таъминландилар.

Давлат ижтимоий суғурта маблағлари, шунингдек белгиланган тартибда санатория-курорт даволаниши, дам олиш, парҳезли овқатланиш, суғурта қилинган ходимлар ҳақини тўлашга, болалар соғломлаштириш лагерларини сақлашга, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бошқа тadbирларга ишлатилади.

#### **45. Самарқандда автомобиллар ишлаб чиқарадиган „СамКочавто“ заводи қачон очилган?**

— „Мамлакатимизда автомобиль саноати тобора ривожланиб бормоқда. 1996 йилнинг 19 июлида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида „Нексия“, „Тико“, „Дамас“ русумли енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистонда биринчи „ЎЗДЭУавто“ заводи очилди. Бу машиналар жаҳон бозорида ўзининг муносиб ўрнига эга.

1999 йилнинг 16 мартда Самарқандда Туркиянинг „Кочхолдинг“ компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган яна бир автомобиль заводи тантанали равишда очилди. Бу қўшма корхонада Италия-Испаниянинг „Ивеко“ фирмаси конструкциясига асосланган „Кочхолдинг“ компанияси аъзоси — „Отайўл“ заводида такомиллаштирилган, йилига минглаб юк автомашиналари ишлаб чиқариш белгиланган.

Самарқанд автомобиль заводининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирель қатнашдилар.

## **46. Ишлаб чиқаришда ишлаётган аёллар қандай кўшимча имтиёزلардан фойдаланадилар?**

— Юқори касбий меҳнатни рағбатлантириш, ишлаётган аёллар даромадлари даражасини ошириш ва аёлларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий манфаатлари тизimini такомиллаштиришга қаратилган 1999 йилги чора-тадбирлар Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида 1999 йил 17 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг „Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда белгиланишича, 1999 йилнинг 1 июлидан эътиборан ишлаб турган аёлларнинг ёш бўйича нафақага чиққанларидан кейин ўзлари ногирон болалар уй-интернатларида, „Меҳрибонлик“ уйларида ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттирганларида ҳамда нафақага чиқишлари олдида кўрсатилган мутахассисликлар бўйича камида ўн йиллик стажга эга бўлганларида нафақани тўла тарзда олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадлари даражасини ошириш, иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида 1999 йилнинг 17 мартда „Меҳнатнинг айниқса зарарли ва оғир шароитли ишларида шуғулланаётган аёллар даромадларига солиқ солиш имтиёзлари тўғрисида“ қарор қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамаси 1999 йилнинг 1 апрелидан меҳнатнинг зарарли ва айниқса оғир шароитли ишларида банд бўлган аёллар даромадларига солиқ солишнинг кўшимча имтиёзларини тайинлади ҳамда

уларнинг даромадларидан ушлаб қолиш 20 фоиздан ошмаслиги кераклигини белгилади.

#### **47. Ўзбекистонда аёлларнинг кексалик бўйича нафақага чиқиши учун қайси ёш белгиланган?**

— Аёллар 1999 йилнинг 1 июлигача 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлсалар 55 ёшда нафақага чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган „Аёлларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида“ги Қонунга мувофиқ 1999 йил 1 июлидан эътиборан иш стажининг йигирма йилдан кам бўлмаган аёлларга эллик тўрт ёшда нафақага чиқиш ҳуқуқи берилган.

Мазкур қонунга биноан уч ёшгача бўлган болалари бўла туриб, бюджет муассасалар ва ташкилотларида ишлаётган аёлларга меҳнат ҳақи камайтирилмагани ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ортиқ бўлмаган қисқартирилган иш вақти белгиланган.

#### **48. Ўзбекистонда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари қандай ҳимояланади?**

— Ҳозир амал қиляётган кўпгина қонун актларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган меъёрлар мавжуддир. Уларга фуқаролик ва фуқаролик-процессуал, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекснинг айрим боблари бағишланган. „Мулк тўғрисида“, „Қорхоналар тўғрисида“, „Стандартлаш тўғрисида“, „Маҳсулот ва хизматларни сертификациялаш тўғрисида“ ва бошқа қонунларнинг кўпгина қоидалари истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бироқ улар истеъмолчи-

ларни ҳимоялаш муаммоларини яхлит ҳолда қамраб ололмайди.

Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 апрелдаги V сессияси томонидан қабул қилинган „Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида“ги Қонун истеъмол бозорида таркиб топаётган энг муҳим ва принципиал масалалар ҳамда муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. У бир томондан товарлар тайёрловчилар, хизматларни бажарувчилар ва сотувчилар билан ва иккинчи томондан фуқаролар истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда зарур ҳуқуқий асосни яратади. Қонунда истеъмолчилар асосий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланган.

Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари тўртинчи моддада баён қилиб берилган. Бу аввало товар, хизмат тўғрисида, шунингдек тайёрловчи, ижрочи ва сотувчи тўғрисида ишонарли ҳамда тўлиқ ахборот олиш ҳуқуқидир. Шу билан бирга товарларнинг эркин танланиши ва тегишли сифатига бўлган ҳуқуқ, уларнинг истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф-муҳит учун хавфсизлигига бўлган ҳуқуқ, иқтисодий манфаатларни товар ёки хизмат билан етказилган моддий ва маънавий зарарлар ҳамда зиённи тўла қоплаш йўли билан ҳимоялашга бўлган ҳуқуқ ҳамда давлат ва ижтимоий ҳимоялашга бўлган ҳуқуқлар ҳам белгилаб берилди. Санаб ўтилган истеъмолчи ҳуқуқларидан ҳар бири Қонуннинг кейинги моддаларида янада ривожлантирилди.

Давлат истеъмолчиларга товар (ишлар, хизматлар) олиш ва ишланишда уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатлари ҳимоясини кафолатлайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат ҳимоясини таъминлайдилар.

Қуйидагилар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя-

лаш бўйича махсус вакил қилинган давлат органларидир: антимонопол фаолиятни амалга оширувчи орган; Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Давлат маркази (Ўздавстандарт); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш Давлат қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси; ўз ваколати доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунларга амал қилинишини назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

Истеъмолчи ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Даъволар жавобгар, истеъмолчи турган жой ёки зарар етказилган жой бўйича берилади.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва сифатини назорат қилувчи давлат органлари, истеъмолчилар жамоат бирлашмалари, истеъмолчилар манфаатларини кўзлаб берилган даъволар бўйича давлат пошлинаси тўлашдан озод этиладилар.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида жамоатчилик асосида истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Истеъмолчилар бирлашмалари ўз фаолиятини қонунларга мувофиқ тарзда амалга оширувчи жамоат ташкилотлари ҳисобланади.

#### **49. Педагоглар, мураббийлар, профессор-ўқитувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши нималарда ифодаланади?**

— Ўзбекистонда 9,5 мингга яқин умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, коллежлар, 258 та ўрта махсус, 59 та олий ўқув юртлири ишлаб турибди,

уларда турли ихтисосдаги 600 мингдан кўпроқ педагоглар дарс беради. Фақатгина олий ва ўрта махсус таълим тизими ўқув муассасаларида 600 дан ортиқ фан доктори ва 6 мингга яқин фан номзоди илмий-педагогик фаолият олиб бормоқда. Профессор-ўқитувчилар таркибини, педагог ва мураббийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш кадрлар тайёрлаш миллий дастурида энг муҳим тадбирлардан бири сифатида белгиланади. Унга мактабгача тарбиядан то докторантурагача — таълим тизимининг ҳар қайси даражасига тадбиқан қаралади. Мазкур ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлардан бири умумтаълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштиришдир.

1997 йилнинг 1 сентябридан эътиборан синф раҳбарлиги, дафтарлар текшириш ва мактаб ўқитувчиларининг бошқа кундалик ҳамда бошқа мажбуриятлари учун қўшимча ҳақ тўлашнинг янги тизими жорий этилди.

Олий таълим тизимида илмий даражалар ва унвонлар учун ҳақ тўлаш назарда тутилмоқда. Олий таълим тизимида педагогик кадрларни муқим туришига эришиш, олий мактаб педагогининг ёшларни тарбиялашдаги ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 1 декабридан олий ўқув юртинининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг лавозим маошларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф жадвали бўйича тоифалик (разряд)ни ошириш ҳисобига ўртача 25 фоиз кўпайтирди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 20 июльдаги фармони билан 1999 йил 1 сентябрдан олий-ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маоши меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг разрядларига биноан, бир разряд юқори кўтариш ҳисобига оширилди.



Иш ҳақини кўпайтириш билан бирга барча турлардаги мактаб педагоглари, болалар боғчалари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар раҳбарлари, олий ҳамда ўрта ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибига ва илмий ходимларига уй-жой ҳақи тўлашда ҳамда коммунал тўловлар бўйича имтиёзлар, шахсий уй-жой қуриш учун биринчи галда ер участкалари ажратиш ва бошқа имтиёзлар берилди.

Кадрлар билан боғлиқ илмий-педагогик имконият манфаатларини ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган ушбу ва бошқа тадбирлар педагоглик, тарбиячилик касби бизда энг юксак мартабага кўтарилганлигини ҳамда тегишли ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

## **50. Орол денгизининг истяқболи қандай?**

— Ҳозирги Орол денгизи бундан ўн минг йилча аввал пайдо бўлган бўлиб, XX аср ўрталаригача дунёдаги энг катта ички денгизлардан бири эди. Фақат Каспий денгизи, Буюк Америка кўллари ва Африкадаги Викториа кўлигина Орол денгизидан катта эди.

Амударё ва Сирдарё сувлари суғориладиган деҳқончилик учун ҳаддан зиёд кўп сарфланганлиги туфайли Орол 1989 йилдан бошлаб ягона сув макони бўлмай қолди ҳамда сув даражаси пасайиб кетганлигидан Шимолий Кичик Орол ва Жанубий Катта Оролдан иборат иккита кўлга айланди.

Денгиз сатҳининг аста-секин қисқариши, минтақадаги табиий мувозанатнинг бузилиши экологик фалокатга олиб келди. Денгиз балиқларининг кўпгина турлари содир бўлган мураккабликларга дош беролмай, амалда йўқ бўлиб кетди, Орол бўйида яшаб келган паррандалар, ёввойи ҳайвонлар анча камайди.

Бу эса Оролбўйи ҳудудидагина эмас, балки Ўрта

Осиё мамлакатларининг табиат муҳтида, қишлоқ хўжалигида ҳам акс этди. Мутахассислар Орол сувининг ўз қирғоқларидан 120 километргача чекинган ерларидан кўтарилган минерал тузларни, ҳатто Помир тоғлари музликларида ҳам учратдилар. Оролбўйи суви, ери ва ҳавосининг ифлосланиши миллионлаб кишилар соғлиғига таҳдид сола бошлади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Орол денгизини сақлаб қолиш ва Орол бўйидаги иқтисодий шароитни барқарорлаштириш ишида кучлар ҳамда ҳамкорликни бирлаштириш зарурлигини англадилар. Шу мақсадда Ўрта Осиё давлатлари раҳбарлари 1993 йили Қозоғистон Республикасининг Қизил Ўрда вилоятида йиғилдилар, 1994 йили Нукус шаҳрида иккинчи марта учрашдилар, уларнинг Орол денгизи муаммоларига бағишланган учинчи учрашуви 1995 йил март ойида Туркманистон Республикасининг Тошовуз вилоятида бўлиб ўтди. Ўша йили сентябрда Нукусда БМТ раҳбарлиги остида Орол муаммоларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ушбу ва кейинги учрашувларда ташкил этилган Оролни қутқариш жамғармаси қарийб 40 миллион аҳоли яшаётган минтақада иш ўринлари очиш, аҳолини тоза ичимлик сув, зарур дори-дармонлар, табобат ускуналари билан таъминлашда фаол қатнашмоқда. Бундан ташқари, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги бешта давлатнинг изчил хатти-ҳаракатлари Орол муаммосини ҳал этишга йирик Халқаро молиявий ташкилотларни, кўпгина ажнабий давлатларни жалб этди.

Бу ишларнинг ҳаммаси Орол муаммосини яхши томонга ўзгартириш имконини берди. Энг муҳими— Орол денгизидаги сув даражаси пасаймаслигига эришилди. Орол денгизи муаммосининг ушбу яхши томонга ўзгарганлиги тўғрисида Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг 1999 йил 8—9 апрелда Аш-

габад шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида айтиб ўтилди. Ўша учрашувда Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатларининг қўшма баёноти, шунингдек Орол муаммоларига бағишланган учрашув якунлари бўйича Ашгабад декларацияси қабул қилинди.

## **51. Тошкент самолётсозлари ИЛ-114 самолётини қачон яратдилар?**

— Йўловчилар машиналари янги туркумини бошлаб берган ИЛ-114 самолёти В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат аҳли томонидан яратилди. Бу самолёт биринчи синов парвозини 1992 йил 7 августда ўтказди.

1994 йил октябрда Франциядаги „Фарнберо—94“ Халқаро авиация кўرғазмасида ва Ле-Буржедаги авиация саломида Ўзбекистонда тайёрланган авиация техникаси, шу жумладан ИЛ-114 биринчи марта намоёниш этилди.

## **52. Қурилаётган янги Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?**

Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўли катта амалий аҳамиятга эгадир. У Қашқадарё вилояти маркази Қаршини Сурхондарё вилояти туман маркази Қумқўрғон билан бирлаштиради. Бирлаштирганда ҳам энг қисқа йўл билан бирлаштиради. Агар ҳозир юк ва йўловчилар поездлари, айтайлик, Тошкент, Самарқанд, Қаршидан Термиз, Қумқўрғон, Девон ва ундан нари Тожикистонга етиб бориш учун Туркменистон орқали катта айланма йўлдан ўтиши ҳамда бунга 12—15 соат вақт сарфлаши керак бўлса, янги магистрал ишга туширилиши билан бу масофа анча қисқаради ва 3—4 соатгина вақтни олади. Ҳозир

айланма йўлдан Туркменистон орқали ўтганлиги учун валпотада тўланаётган жуда катта бож ўзимизда қолади.

Бундан ташқари, янги йўл Ғузор, Деҳқонобод, Бойсун, Қумқўрғон ва уларга тугаш Қашқадарё ҳамда Сурхондарё туманлари ривожига қўшимча туртки беради. Бу ерда эса турли хил қазилма бойликларнинг катта захиралари, янги заводлар қуриш, минглаб янги иш жойлари барпо этиш, кичик шаҳарчаларни йирик иқтисодий марказларга айлантириш учун қулай шароитлар мавжуд.

Янги магистралнинг 250 километр узунликдаги трассаси дўнгликлар, тоғ доvonлари, ноёб кўприклар қуриш керак бўладиган шўх дарёлардан ўтади. Чунончи, Акрабят станцияси яқинида қуриладиган кўприклар тиргаklarининг баландлиги 44 метргача боради, бунақаси Ўзбекистонда ҳали бўлмаган.

Ҳозир янги темир йўл қурилиши ҳал қилувчи паллага кирди.

### **53. Республикада уй-жой мулкдорлари ширкатлари пайдо бўлди. Уларни барпо этиш таъминла қандай? Улар фаолиятининг мазмуни нимада?**

— Уй-жой мулкдорлари ширкати — бу яшаш бинолари мулкдорларининг уйни биргаликда бошқариш, ишлатиш ва сақлашни таъминлаш, умум фойдаланиладиган объектлардан фойдаланиш шартлари, уларга эгаллик қилиш тартиби, умум мулки бўлган мулкнинг тегишли ҳолатини қонунлар билан белгиланган тартибда таъминловчи бирлашмасидир.

Уй-жой мулкдорлари ширкати (ширкат) нотижорат ташкилот бўлиб, у битта уйдаги ёки бир нечта яқин жойлашган, умумий ер участкаси ва инфратузилма унсурлари билан туташган, ёки яшаш уйининг

бошқа қисмларидан ажралган, кириш эшигига эга бўлган, камида битта блоксекция катталигидаги яшаш уйининг алоҳида қисмидаги мулкдорлар жамиятининг камида ярми истагига кўра йиғилган таъсис мажлиси қарори билан тузилади.

Ширкат ўз номидаги муҳрга, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобларга эга бўлган юридик шахсдир.

Ширкат ўз таъсис мажлисида қабул қилинган устави асосида амал қилади. Ширкатнинг жорий фаолиятига унинг бошқаруви раҳбарлик қилади. Бошқарув эса ширкат аъзоларининг умумий мажлисида ширкат уставида белгиланган муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қабул қилинган „Уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида“ги Қонунга кўра ширкат таъмирлаш-ишлатиш ишларини ўзи мустақил олиб боришга;

уй-жой жамғармасига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун ташкилот танлашга;

умумий мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва ишлатиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузишга, шунингдек коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатишга;

банклар кредитларидан қонунларда назарда тутилган тартиб ва шартларда фойдаланишга;

хўжалик ва бошқа иморатлар қуриш учун белгиланган тартибда фойдаланишга ер участкалари олишга;

ускуналар ва бошқа моддий қадриятлар олиш, сотиш, узатиш, айирбошлаш, ижарага топшириш, уларни қонунларда белгиланган тартибда балансдан ўчиришга;

ширкат аъзоларига ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишга;

қонунлар ва ширкат уставига мувофиқ хўжалик фаолияти билан шуғулланишга;

ширкат уставида назарда тутилган мақсадларга сарфланадиган махсус жамғармалар яратишга ҳақлидир.

Уй-жой бинолари мулкдорлари қонунларда белги-ланган мажбурий тўловларни тўлаш бўйича ўз мажбу-риятларини бажармагани ёки чала бажарганида шир-кат мулкдорга ширкатга етказилган зарарларни қоп-лаш талаби билан даъво қилишга ҳақлидир.

## **54. Қандай ташкилотлар нодавлат, нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Улар нима мақ-садда ташкил этилади?**

— Нодавлат нотижорат ташкилот — бу жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида даромадлар олишни кўзламайдиган ҳамда олинган даромадларни унинг иштирокчилари (аъзо-лари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқа-рувчи ташкилотдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий, маданий ҳам-да таълимий мақсадларга эришиш, маънавий ва бош-қа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фао-лиятини амалга ошириш ҳамда бошқа ижтимоий-фойдали мақсадларда тузилади.

Бундай нодавлат ва нотижорат ташкилотларига, масалан, „Қамолот“, „Умид“, „Нуроний“, „Маҳал-ла“, „Соғлом авлод учун“, „Экосан“ ва бошқа хайрия жамғармалари киради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек халқаро нодавлат нотижорат ташкилот-ларининг, ажнабий нодавлат нотижорат ташкилотлар ваколатхоналари ва шохобчаларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш Ўз-бекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда

Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган „Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида“ ги Қонуни билан белгиланади. Мазкур Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларни тузиш ҳамда рўйхатга олиш тартиби, улар фаолиятининг иқтисодий асослари батафсил белгилаб берилган.

## **55. Ўзбекистонда қандай энг катта электростанция қурилмоқда?**

— Қашқадарё вилоятида ўз қуввати жиҳатидан бутун Ўрта Осиёда тенги йўқ Толимаржон ГРЭСи барпо этилмоқда. Унинг ҳар бир энергоблоки 800 минг киловатт электр қуввати ишлаб чиқаради. Унинг жамлама қуввати бутун Чорвоқ ГЭС ининг 600 минг киловаттни ташкил этувчи қувватидан беш марта ортиқдир.

Толимаржон ГРЭСи қурилишида ҳозир 2000 йилда ишга тушириладиган биринчи энергоблокнинг электр ускуналари тизими ўрнатилмоқда.

## **56. Ўзбекистоннинг қайси саноат корхоналари биринчи бўлиб ўз маҳсулоти сифатининг юқори даражада эканлиги учун Халқаро мукофотларга сазовор бўлганлар?**

— „Ўзбекхиммаш“ заводи маҳсулотининг сифати юқори даражали бўлгани учун 1993 йил декабрда Халқаро қўмита БИД (Бизнесга ташаббускор раҳбарият) томонидан Ўзбекистонда „Халқаро Олтин Юлдуз“ мукофотига сазовор бўлган биринчи саноат корхонаси деб топилди, қароргоҳи Мадридда бўлган савдо раҳнамоларининг ушбу Халқаро клуби завод жамоасига „1993 йилнинг энг яхши савдо маҳсулоти“ учун фахрий мукофотини берди.

Ўзбекистоннинг „Ўзэлектраппарат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси (ИИБ) маҳсулоти юқори сифатли бўлганлиги учун Европанинг ”Арк Олтин Юлдузи“ мукофоти берилган биринчи саноат корхонаси бўлди. Мукофот корхона вакиллариغا Мадридда 1994 йил 18 апрелда тантанали равишда топширилди.

Тошкент тўқимачилик комбинати ва Фарғона „Азот“ ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида рақобатбардош юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганликлари учун 1994 йил октябрида „Олтин глобус“ халқаро мукофотига сазовор бўлган дастлабки корхоналари эди. Мукофот АҚШнинг хусусий тадбиркорлари ташаббуси билан тузилган „Шарқ тараққиёти“ халқаро ташкилотининг тавсиясига кўра берилди.

## **57. Коммунал уй-жой жамғармаси нима ва фуқаролардан қимлар ундан фойдаланиши ҳуқуқига эга?**

— Шундай уй-жой жамғармаси республикада 1994 йилда тузилган эди ва Ўзбекистоннинг кўпгина аҳолиси ундан фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг „Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида“ги Қонунининг „Уй-жой жамғармаси турлари“ деган 10-молдасида „Давлат уй-жой жамғармасига: жойлардаги давлат ҳокимияти органлари бошқарувидаги маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тузилган, шунингдек муниципал уй-жой жамғармасидан улар балансига берилган, ижтимоий ҳимояланмаган, кам таъминланган хусусийлаштириш ҳуқуқисиз фуқаролар учун ижара шартлари билан фойдаланиладиган мақсадли хусусий коммунал уй-жой жамғармаси киради“ дейилади.



Бу жамғарма туман ҳокимликлари ҳисобидан тузилади ва сақланади. Улардаги квартиралар ижара шартномаси асосида ажратилади, яъни коммунал уй-жой жамғармасидан уй-жой олган кишилар квартира олувчилардир. Бунда квартира ҳақи паст қайд этилган баҳолар бўйича белгиланади, ишлатиш ва коммунал хизматлар ҳақиқий қиймати ўртасидаги тафовутни дотация сифатида давлат тўлайди. Коммунал уй-жой жамғармасини ташкил қилиш учун қандайдир махсус уйлар қуриш шарт эмас — унга қарашли квартиралар хусусийлаштирилган ҳар қандай кўп қаватли уйда жойлашиши мумкин.

Коммунал уй-жой жамғармасидан ким квартира олиши мумкин? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325- сонли қарорига 1- илова бўлган „Ўзбекистон Республикасининг коммунал уй-жой жамғармаси тўғрисидаги Низом“ га мурожаат қиламиз. Низом ўз ичига иккита ҳужжатни олган иловаси бор, улар ушбу саволга батафсил жавоб беради.

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ва турар жой олиш учун ҳисобда турган ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган қуйидаги фуқаролар эгадирлар:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва байналмилал жангчилар.

2. Захирага ёки истеъфога чиқарилган зобитлар ва муддатдан ортиқ хизмат қилган ҳарбий хизматчилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган оғир касалликдан жабрланаётган фуқаролар рўйхат бўйича.

4. 16 ёшгача бўлган 7 нафар ва ундан кўп болалари бўлган серфарзанд оилалар.

5. 16 ёшга тўлган, васийликка олинмаган ота-онасиз етимлар.

6. Ота-онасиз болаларни васийликка олган оилалар.

7. Оиласида уч нафар ва ундан ортиқ меҳнатга яроқсиз аъзолари бўлган боқувчисини йўқотган оилалар.

8. Ишламаётган I ва II гуруҳ ногиронлари.

9. Кексайиб қолган ёлғиз нафақахўрлар.

10. 16 ёшгача бўлган туғма ногирон ёки болалигидан I ва II гуруҳ ногирони бўлганларга эга бўлган оилалар.

11. Янги, ёш оилалар, агар улар турмуш шароитини яхшилашга муҳтожликлари тан олинса.

Фуқароларни коммунал уй-жой жамғармасида турар жой билан таъминлаш учун ҳисобга олишдаги зарур шартлар рўйхати қуйидагичадир:

1. Уй-жой майдонига эга бўлмаган, яшашга яроқсиз (бараклар, авария ҳолатидаги уйлар, ертўлалар) хусусий квартира ёки майдонда яшаётган фуқаролар.

2. Оиланинг ҳар бир аъзосига етти квадрат метрдан кам майдон тўғри келадиган уй-жой билан таъминланганлар.

3. Мавсумий ва вақтинчалик ходимлардан, шунингдек ўқиш муносабати билан ётоқхоналарда жойлашган фуқаролардан мустасно, ётоқхонада, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат биноларида яшаётганлар.

4. Битта квартирада икки ва ундан ортиқ бўлиб яшаётган, алоҳида шахсий ҳисобларга эга бўлатуриб, қариндошлик муносабатларида бўлмаганлар.

5. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган оғир сурункали касалликлардан жабрланаётганликлари туфайли алоҳида квартирада яшашга муҳтожлар.

Коммунал уй-жой жамғармаси давлатники бўлганлигидан хусусийлаштирилмайди. Унга ҳоким тегишли аппаратнинг бевосита қарамоғида бўлган уй-

жойдан фойдаланиш ташкилотигина хизмат кўрса-тади. Хусусийлаштирилган квартиралардан фарқли ўлароқ, бу уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти фуқаролар томонидан „Уй-жой бинолари ва уйолди худудларидан фойдаланиш қоидалари“га риоя қилини-шини назорат қилишга ҳақлигини эмас, балки маж-бур ҳамдир.

Коммунал уй-жой жамғармасига хизмат уй-жой бинолари ҳам киради. Ходим хизмат квартирасидан меҳнат шартномасининг муддати тугаши билан кўчириб юборилиши мумкин. Бу „Ўзбекистон Рес-публикасининг коммунал уй-жой жамғармаси тўғ-рисидаги Низом“нинг бирдан-бир истисносидир.

## **58. Ўзбекистонда меҳнат баҳслари қандай ҳал этилади?**

— Иш берувчи ва ходим ўртасида бўлиб турадиган меҳнат, меҳнат шароити тўғрисидаги қонуний ҳамда бошқа меъёрий актларни қўллаш бўйича айрим меҳнат баҳслари иш берувчи ва касаба уюшмаси томонидан тенг асосларда тузилган меҳнат баҳслари комиссиялари ёки бошқа ходимлар ваколатли органи, шунингдек туман, шаҳар судлари томонидан кўриб чиқилади.

Ходим меҳнат баҳсини ҳал этиш учун ўзи танла-ган меҳнат баҳслари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Меҳнат баҳслари комиссияси меҳнат баҳсини ари-за берилганидан кейинги ўн кун муддатда кўриб чи-қиши шарт. Баҳс ариза берган ходим иштирокида кўриб чиқилади. Баҳсни ходим йўқлигида кўриб чи-қишга унинг ёзма аризаси бўйичагина йўл қўйи-лади.

Меҳнат баҳслари комиссияси мажлисга гувоҳлар чақиришга, мутахассислар таклиф этишга, иш берув-

чидан зарур ҳисоб-китоблар ва ҳужжатлар талаб қилишга ҳақлидир. Меҳнат баҳслари комиссиясининг қарори иш берувчи томонидан норозилик аризаси учун назарда тутилган ўн кун ўтгандан кейинги уч кун мобайнида ижро этилиши керак. Иш берувчи комиссия қарорини белгиланган муддатда бажармаса, меҳнат баҳслари комиссияси ходимга ижро этиш варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома беради. Туман, шаҳар судига олинган кундан бошлаб уч ой муддатдан кечиктирмай топширилган ушбу гувоҳнома асосида суд ижрочиси меҳнат баҳслари комиссияси қарорини мажбурий тарзда ижро эттиради.

## **59. Тадбиркорнинг меҳнат муҳофазаси талаблари бузилганлиги учун масъулияти белгиланганми?**

— Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шaroитларни яратиш иш берувчи мажбуриятига киради ва у Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий актлар, шунингдек техника стандартлари томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган талаблар бузилганлиги учун жавобгардир.

Иш берувчиларнинг меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қоидалари бузилганлиги учун жавобгарлигининг қуйидаги турлари белгиланган: меҳнат муҳофазаси ҳолати учун давлат назорати органлари олдидаги моддий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларнинг бузилганлиги учун жиноий жавобгарлик.

60. Республикада ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентга Ислам Каримовнинг совринлари учун „Ташаббус“ танлови ўтказилади. 1998 йилда ким шу танлов ғолиби бўлди?

— Анъанавий бўлиб қолган бу танловда 1998 йилда мамлакат бўйича минглаб тадбиркорлар қатнашдилар. Улардан юзлаб тадбиркорлар ўз тумани ва шаҳрида энг яхши тадбиркор номини олдилар. 1999 йил мартада, „Наврўз“ байрами арафасида Тошкент шаҳридаги „Туркистон“ саройида „Ташаббус—98“ республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда „Яхши тадбиркор“, „Яхши фермер“, „Яхши ҳунарманд“ унвонлари учун 44 нафар даъвогар кураш олиб борди. Вилоят даражасидаги танлов ғолиби, Тошкент вилоятидаги „Акмал“ хусусий фирмаси бошлиғи Раҳимжон Умаров „Яхши тадбиркор“ сифатида „Олтин медаль“ билан мукофотланди ва Ўзбекистон Президентининг совғаси — „Нексия“ автомобилини олди. Фарғона вилоятининг фермер хўжалиғи раҳбари Раҳматилла Камолов „Яхши фермер“ деб тан олинди. У ҳам „Олтин медаль“ ва „Дамас“ автомобили эгаси бўлди. Бухоро вилоятининг Гиждувон шаҳридан келган Алишер Нарзуллаев яхши ҳунарманд сифатида „Олтин медаль“ ва „Тико“ автомобили соҳиби бўлди. Андижон вилояти, Асака шаҳридаги „Тадбиркор“ хусусий фирмасининг раҳбари Дурдона Акбарова „Энг яхши тадбиркор аёл“ унвони соҳибаси бўлди. У ҳам „Олтин медаль“ ва „Тико“ автомобиллига эга бўлди.

## Ш. ТАЪЛИМ. ФАН

### 61. Ўзбекистон Республикасида қандай академиялар тузилган?

— Республикада шундай билим марказлари борки, улар маълум даражада мустақиллик рамзи, истиқлолимизнинг олтин пойдевори — Академиялардир.

1993 йил июнида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Россия академикларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида умумий тарихий илдизларга, миллий анъаналар ва урф-одатларга эга бўлган давлатларнинг фан, таълим, техника, сиёсий ва диний арбоблари, халқаро хотин-қизлар ҳамда ёшлар ҳаракати вакиллари куч-ғайратини зарур илмий муаммоларни ҳал этишда бирлаштириш мақсадида Ўрта Осиё Академияси тузилди.

1994 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида дастлабки машғулотлар бошланди. Ички ишлар мутахассислари тайёрланадиган ва уларнинг бошлиқлари таркибининг малакаси ошириладиган мазкур Академия Тошкентда тузилган эди.

1995 йил 19 апрелда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ташкил этилди. Унинг мақсади ва вазифаси — давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари раҳбар ходимларини, иқтисодий тузилмалар мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда улар малакасини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришдир.

1995 йилнинг 2 сентябрида Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси очилди.

1996 йилнинг май ойида Тошкентда асосий вазифаси миллий банк-молия тизимининг юқори мала-

кали мутахассисларини тайёрлаш, раҳбар кадрлар малакасини оширишдан иборат бўлган Банк-молия Академияси тузилди.

1997 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон Бадиий Академиясини тузиш тўғрисида“ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Академия Ўзбекистон худудида қадимги замонларда шаклланган ва жаҳонга довруғи кетган нафис санъатлар мактабининг ноёб анъаналарини авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиш, дунёда миллий тасвирий, амалий миниатюра санъати дурдоналарини кўрсатиш ва тарғиб қилиш, улардан миллий ифтихор, Ватанга ҳамда мустақиллик ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялашда фойдаланиш, замон талабларига мувофиқ тарзда бадиий таълим тизимини барпо этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, академик илмий-тадқиқот ишини янада такомиллаштириш мақсадида тузилди.

Ўта маълумотли инсон бўлган Хоразмшоҳ Абдул Аббос Маъмун 1009 йилда Урганч шаҳрида олимлар даврасини ташкил этди. Кейинчалик Маъмун Академияси номини олган бу йиғин инсоният тарихидаги дастлабки академиялардан бири бўлиб қолди. Бу фан, маориф ва маданият марказида ўрта асрнинг буюк машғаллари Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, файласуф Абу Саҳл Масихий, шифокор ва фармаколог Абу Хайр Хаммар, математик ва файласуф Абу Абдуллоҳ Натимий ва бошқа турли соҳа олимлари ижод қилдилар. Жаҳонга атоқли олимлар авлодини етказиб берган мазкур Академия қарийб 900 йил ўтиб, яна ишлай бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил 11 ноябрдаги „Хоразм Маъмун Академиясини қайта тиклаш тўғрисида“ги Фармони билан мазкур Академия фаолияти яна давом этмоқда. Ушбу Фармон фан тараққиётида, халқимизнинг маънавий ва ақлий қадриятларини қайта тиклаш ҳамда бойитишда

яна бир ёрқин далил бўлди. Бу Фармонда қайта тикланган Академиянинг Ўзбекистон илмий салоҳиятини ошириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш, истеъдодли ва фидокор олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек миллий анъаналарни тиклаш ва юксак ақлий муҳитни вужудга келтиришда муҳим роль ўйнаши кераклиги белгилаб берилди.

## **62. Ўзбекистон олимларининг астрономия фанига оид тадқиқотларга қўшган ҳиссалари қандай?**

— Ўрта Осиёдаги астрономик тадқиқотлар кўп асрлик тарихга эгадир. XV асрда буюк Мирзо Улуғбек ўша давр энг йирик астроном ва математикларини ўз сафида бирлаштирган Самарқанд илмий мактабини яратган эди. Унинг раҳбарлиги остида ўрта аср даврининг ўша замондаги энг мукамал асбоблар билан жиҳозланган расадхоналаридан бири барпо этилди. 17 йиллик кузатишлар натижалари „Зиж“ олимининг математика ва астрономия жадвалларини, юлдузларнинг 1.018 та аниқ ҳолати жадвалини, ўзгармас астрономик ҳолатлар ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган бош асарига асос бўлган эди.

Улуғбек мактабининг илмий натижалари Шарқдаги астрономия фани тараққиётига катта таъсир кўрсатибгина қолмай, балки XVII асрда Европада ҳам кенг доираларда тан олинган.

Шарқда астрономия фанини ривожлантиришнинг қадимги анъаналари Ўзбекистон Республикасида, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги астрономия институтида муваффақиятли ривожлантирилди.

Ўрта Осиёнинг Тошкент Астрономия обсерваторияси негизига асосланган мазкур кекса илмий дар-



гоҳида 1873 йилдан буён муҳим тадқиқотлар ўтказилади. Ҳозир бу тадқиқотлар икки йўналишда — астрономия ва астрофизика бўйича олиб борилмоқда.

Астрономия институти Галлей кометасини Ердан кузатиш Халқаро дастурини бажаришда қатнашиб, унинг ҳолатини аниқ белгилаш миқдори бўйича дунёдаги 104 та обсерватория орасида биринчи ўринни эгаллади. Ҳозирги вақтда Германия "Геофизика маркази" ҳамда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон муассасалари билан ҳамкорликда „Помир — Тяньшан“ халқаро дастурини бажариш бўйича иш олиб борилмоқда. Институтнинг Ер айланиши параметрларини космик геодезиянинг янги усуллари билан аниқлаш, Ер қобиғи тоштахталари ҳаракатлари ва ўзгаришларини бир неча миллиметргача аниқликда ўрганиш имконини берадиган ҳозирги замон йўлдош радиотехник тизимлари билан жиҳозланган Китоб кенглик станцияси МДХ нинг кенг ҳудудида ягона бўлган Халқаро геодезия хизмати жаҳон марказининг таянч станцияси бўлиб қолди.

Куёшни йил давомида 300 кунгача кузатиш имконини берадиган қулай иқлим шароити институтнинг Куёш Халқаро хизматининг асосий нуқталаридан бири мақомини шартлаб берди. Куёшнинг глобал тебранишларини ўрганиш муаммоси астрофизиканинг сайёра ички тузилишини ўрганиш имконини берадиган, гелиосейсмология деб аталадиган янги бўлими ҳисобланади. Кузатишлар Франциянинг Ницца шаҳри, шунингдек „IRIS“ Халқаро дастури доирасида Россия Фанлар Академиясининг ядро тадқиқотлари институти билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Институт астрофизика обсерваториясининг Қашқадарё вилоятидаги денгиз сатҳидан 2700 метр баланд Майданак тоғида ташкил этилиши Ўзбекистонда астрономия фанини янада ривожлантирди. Мазкур обсерваториядаги тадқиқотларнинг кенг кўламига йилига 1900 соат булутсиз кечадиган тунлар, астро-

номик тасвирлар сифати ва бошқа оптика-аэрофизик параметрлар қулайлик туғдиради.

Бу ерда, ушбу ажойиб астройқлим ва жаҳоннинг етакчи астрономик марказлари билан ҳамкорликнинг маълум тажрибаси туфайли биринчи марта галактикадан ташқари объектлар — гравитацион линзалар, квазарлар ва фаол галактикалар ядролари Европа жанубий обсерваторияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ҳозирги замон аппаратлари ёрдамида тадқиқ этила бошлади.

1996 йилдан бошлаб Майданакда Питтсбург университети (АҚШ) билан ҳамкорликда квазиюлдуз манба-квазарлар фотометрик мониторинги дастури олиб борилмоқда. Тадқиқотлар дастури нурланувчи минтақалар фазовий ҳажмларини, шунингдек уларнинг янги ёруғлик хусусиятлари бўйича тавсифини аниқлаш мақсадида ушбу минтақалар оптик ўзгарувчанлиги маълумотлари банкни олишга қаратилгандир.

Шу ерда ойнаси диаметри 1,5 метр бўлган АТЗ-22 телескопида яна бир дастур бажарилмоқда. Бу эса гравитацион линзалар тадқиқотидир. У Россия ва Украина олимлари билан биргаликда амалга оширилмоқда ҳамда „Майданак тоғидаги ер оптика астрономиясининг кузатиш базасини ривожлантириш“ ўзбек-украин дастури доирасида Ўзбекистон Фан ва техника Давлат Қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

### **63. Ўзбекистонда Тошкент Ислом университети қачон ташкил этилди, унинг вазифалари нимадан иборат?**

— 1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Тошкент Ислом университетини ташкил этиш тўғрисида“ги Фармони

қабул қилинди. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида халқимизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларга лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Университетнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— диншунослик асослари, йўналишлари, илмий-тадқиқот тамойиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривожигаги ўрни билан боғлиқ масалаларни ҳамда замонавий фанларни чуқур ўзлаштирган, давлат ва жамият ташкилотлари, диний муассасалар олдидаги назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассис — *бакалавр* ва *магистр* кадрлар тайёрлаш ҳамда мавжуд кадрларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

— ислом динига оид таълим йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш ва Тошкент Ислам университетидаги ўқув-тарбиявий жараён сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш, миллатимизнинг буюк илмий, маънавий қадриятлари асосида етук исломшунос мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

— аждодларимизнинг бой диний илмий-назарий меросларини тиклаш, чуқур ўрганиш, таҳлил этиш

ва ривожлантириш, тадқиқотлар палаталарини жамлаш ва умумлаштириш асосида кенг жамоатчиликка етказиш;

— жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида ҳозирги кўп динлилик шароитида дунёда, минтақа ва мамлакатимизда исломнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш, ривожланиш йўналишлари, ғоялари ва қонуниятларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш;

— узлуксиз таълим тизими ва кенг жамоатчилик учун диншунослик, хусусан, ислом таълимоти ва фалсафаси бўйича илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, ўқув дастури ва қўлланмалар яратиш ҳамда уларни нашр этиш;

— хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий марказлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, хориждаги соҳанинг мутахассис-ўқитувчиларини жалб қилиш.

Тошкент Ислом университети таркибида иккита ўқув факультети: ислом тарихи ва фалсафаси факультети, ислом ҳуқуқи ва табиий фанлар факультети ташкил этилган. Университет ҳузурида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ва академик лицей тузилган. Ислом университети таркибида мамлакатимизда топилган ва чет элдан келтирилган, ислом таълимотига оид ёзма манбаларни тўплаш ва ўрганиш, талаб этиладиган шароитда сақлаш ҳамда келажак авлод учун асраш учун мўлжалланган сақлаш жойи яратилмоқда.

## **64. Ўзбекистонда алоҳида кўриқланаётган қандай табиий ҳудудлар бор?**

— Ҳозирги вақтда республикада 9 та давлат кўриқхонаси, 2 та давлат миллий боғи, 9 та давлат заказниги, 2 та табиат давлат ёдгорлиги бор. Ўзининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бойлиги ҳамда хил-

ма-хиллиги билан ноёб табиат мажмуалари — ҳайвонларнинг 350 турдан ортиғи яшайтган ва ўсимликларнинг 700 турдан кўпроғи ўсаётган арчазорлар, қайир ва тўқай ўрмонлар ҳам қўриқлашга олинган.

Қўриқхоналар орасида — Тошкент вилоятидаги Чотқол тоғ тизмасининг ғарбий этакларида жойлашган Чотқол давлат тоғ биосферали қўриқхонаси ҳам бор. Унинг 45739 гектарли майдонида ўсимликларнинг 1060 тури ўсади, ҳайвонларнинг 32 тури яшайди. Ушбу қўриқхона 1993 йили табиий биосфера қўриқхоналар Халқаро тармоғининг бир қисми сифатида ЮНЕСКО қарамоғига олинган. Ноёб тирик табиатни асраш ва инсон манфаатлари йўлида илмий тадқиқотлар олиб бориш шу қўриқхоналар жамоаларининг вазифасига киради. Жиззах вилоятининг Зомин туманида Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағридаги 15 минг гектардан ортиқ майдонда тоғли-арчазор қўриқхона жойлашган бўлиб, унинг асосий йўналиши ўзига хос ҳайвонот дунёсига эга бўлган арча ўрмонларини қўриқлаш ва улар ҳолатини илмий тадқиқ этишдир.

Шу ернинг ўзида, Жиззах вилоятининг Фориш туманида, Нурота тоғ тизмасининг шимолий ёнбағрида тоғ-ёнғоқ мевали қўриқхона жойлашган. Унинг майдони 17752 гектар келади. Бу қўриқхонада грек ёнғоғидан ташқари ўсимликларнинг яна 650 тури ўсади.

Қашқадарё вилоятидаги Ҳисор тоғ тизмасининг ғарбий тармоғида Ҳисор давлат тоғ-арча қўриқхонаси бор. Унинг майдони 81 минг гектар. Унинг худудида ўсимликларнинг 870 тури ўсади ва ҳайвонларнинг 140 тури, шу жумладан қоплонлар ҳамда айиқлар яшайди.

Сурхондарё вилоятида иккита мустақил манзил—Амударё қайирида ўзига хос ҳайвонот дунёсига эга бўлган тўқай ўрмони намунасини сақлаб қолиш мақсадида тузилган Орол—Пайғом ҳамда бурама

шоҳли така ва тоғ такаси алоҳида қўриқланадиган Кўҳитанг тоғ тизмаси бағрида жойлашган Кўҳитангдан иборат тоғ-водий қўриқхонаси бор. Иккала мустақил қўриқхоналар майдони 30 минг гектарча келади.

Қорақалпоғистон Республикасида, Амударёнинг ўнг соҳилида, Беруний ва Кегейли туманлари ҳудудида текис тўқайзордан иборат Бадай-Тўқай номли қўриқхона жойлашган бўлиб, у 1971 йили Амударё сувининг тартибга солинмаган оқими шароитида тўқай ўрмонлари ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш мақсадида бунёд этилган. Қўриқхона майдони 6462 гектар бўлиб, шундан 70 фоизини тўқай чакалакзорлари эгаллайди.

1975 йили Самарқанд вилоятида тўқай ўрмонларини сақлаб қолиш мақсадида Зарафшон водий-тўқай қўриқхонаси тузилган. Унинг майдони 2352 гектар.

1990 йили Тошкент вилоятининг Тяншан ғарбий ёнбағирларида, 575 минг гектар майдонда ноёб манзарани сақлаб қолиш ва шу ерда жойлашган ердан фойдаланувчилар ҳамда ер эгалари фаолиятини тартибга солиш мақсадида Угам — Чотқол табиат миллий боғи ташкил этилган эди.

Жиззах вилоятида 1978 йилдан буён Туркистон тоғ тизмаси шимолий ёнбағрида тузилган Зомин халқ боғи ишлаб турибди. Унинг умумий майдони 30522 гектар келади. Ушбу боғ жамоасининг мақсади ноёб тоғ-арчазор экологик тизимларни асраш, қайта тиклаш ва ўзлаштиришдир.

Бухоро вилоятида 1975 йили кўҳна Варданзи шаҳрининг қадимги харобаларини ва 50 йиллик саксовул экинларини сақлаш мақсадида тузилган „Варданзи“ ёдгорлиги табиатнинг давлат ёдгорликларига мансубдир.

1976 йили Бухоро вилоятида 5145 гектар майдонда ҳайвонларнинг ноёб турлари бўлмиш жайрон, Пржевальский оти, кулун, гўзал бухоро бугуси ва сайғоқни

сунъий тарзда кўпайтириш мақсадида „Жайрон“ табиат ёдгорлиги ташкил этилган эди.

## **65. Ўзбекистонда Халқаро аэрокосмик мактаб ишлаб турибди. У қачон тузилган, унда кимлар шуғулланади ва унинг фаолияти нима-лардан иборат?**

— Ўтган йил июль ойида ёзги Халқаро аэрокосмик мактаб ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги „Невич“ илмий базада — Давлат „Ўзбеккосмос“ агентлигининг „Койнот“ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ташкил этилган бу мактабда ҳар йили ёзда йигирма кун давомида 14—16 яшар иқтидорли ўсмирлар гуруҳи космик тадқиқотлар билан боғлиқ фанларни ўрганадилар, ҳозирги замон космонавтикаси, астрономия тўғрисидаги, бу соҳада мамлакатимизда ва жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар тўғрисидаги кўп янгиликларни билиб оладилар. Улар компьютерлар ёрдамида самолётлар ва ракета-ларнинг янги моделларини яратиш, муҳим илмий муаммоларни мустақил излаш билан шуғулланадилар.

Машғуллотлар ва маърузалар ўтказишда космонавт - учувчилар Солижон Шарипов, Владимир Жонибеков, Юрий Маленченко, Александр Лазуткин, Василий Циблиев, Ю.Гизенко, В. Ляхов, Ўзбекистон ва Россия илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртларининг олимлари ва мутахассислари қатнашадилар.

Ўтган йилларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, шунингдек Покистон, Малайзия, Туркия ва Бангладешнинг тўрт юздан кўп иқтидорли болалари Халқаро аэрокосмик мактабнинг талабалари бўлдилар.

1996 йили мактабнинг 20 нафар тингловчиси

Бойқўнғир космодромида бўлди, 1997 йили эса Юлдуз Мўминов, Сухроб Ақромов, Алиакбар Норқўзиев ва Ирина Теплякова Исломобод яқинида жойлашган Покистон сайёра жамияти „Бурак“ нинг Халқаро аэрокосмик мактаби машғулотида қатнашдилар. Бу мактабда назарий ва амалий машғулотлардан ташқари энг яхши хаёлий расмлар ва ҳикоялар, космик лойиҳалар танловлари ҳамда учуш аппаратлари лойиҳачиларининг мусобақалари ўтказилди, уларда ўзбек „кичик юлдуз академияси“ тингловчилари ўзларини яхшиларнинг яхшилари сифатида кўрсатдилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда биринчи Халқаро аэрокосмик мактабнинг фаолияти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига узвий тарзда кириб, ўзларини авиация ва космонавтика соҳасидаги тадқиқотларга, учуш аппаратлари, компьютер техникаси ҳамда дастур яратишга бағишлашга аҳд қилган мактаб ўқувчиларига билим ва кўникмалар беришнинг яққол намунаси ҳисобланади.

## **66. Ўзбекистонда Озон қатламини сақлаш бўйича нималар қилинмоқда?**

— Жаҳон жамоатчилиги 1998 йил ўрталарида Озон қатламини сақлаш халқаро кунини ўн биринчи бор нишонлади. Бу кун Ер Озон қатламини бузувчи ашёлардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги ҳужжат имзолангандан кейин БМТ Бош Ассамблеяси томонидан белгиланган эди. 1998 йили бу кун „Ердаги ҳаёт йўлида: Озонга зарар етказма“ шиори остида ўтди.

Чиндан ҳам, Ердан 15—30 километр баланддаги озон сайёрамизда ҳаётни сақлашда катта аҳамиятга эга. У кўёш радиациясидан гўё ҳимояловчи „ёстиқ“ни ҳосил қилади. Озон эса ультрабинафша нурлар йўлидаги тўсиқдир. Унинг таркиби сийраклашса, ўша



нурлар атмосферага кўплаб ўтиб, барча жонли мавжудотларга ҳалокатли таъсир ўтказди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жабр кўради, инсонларда тери, қон, кўз касалликлари тез кўпайиб кетади. Озон қатлами бузилишининг асосий сабаби ҳаммага маълум. Бу, аввало, фреонлар, хлорорганик бирикмалар ва бир қанча бошқа хил моддаларнинг атмосферага чиқариб ташланадиган саноат чиқиндиларидир.

Озон қатламини сақлаш муаммосининг ечими бугун дунёда кишиларни ташвишга солмоқда. 1985 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти озон қатламини ҳимоялаш бўйича конвенция қабул қилди, 1987 йилда озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи имзоланди. Бу ҳужжатлар билан барча мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги ҳамкорлиги таъминланиши ҳамда озонни бузувчи моддалар ишлаб чиқариш ва ишлатишни тўхтатиш жадвали белгиланиши керак.

Ўзбекистон 1993 йил май ойида Вена конвенцияси ва Монреаль протокоliga қўшилган.

1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг „Атмосфера ҳавосини сақлаш тўғрисида“ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг 19- моддасида айтилишича, озонни бузувчи моддалари бўлган буюмларни ишлатувчи ва таъмирловчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар уларни ҳисобга олишлари ҳамда озонга хавфсиз моддалар билан алмаштиришлари керак. Қонуннинг 24- моддаси фаолияти булғатувчи моддалар, парник газлари ва озон бузувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш билан боғлиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мажбуриятларини тартибга солади.

Республикада турли хил чиқиндиларни камайтириш, атроф-муҳит учун зарарсиз янги технологияларни жорий этишга қаратилган кенг экологик фаолият олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, озон қатламини тадқиқ этиш билан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармасининг озонOMETPИК станциялари шуғулланмоқда. Олимлар ердаги ва йўлдошлардаги маълумотлардан фойдаланиб, озоннинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаси устида тақсимланишининг объектив манзарасини тузмоқдалар. Улар мазкур маълумотларни бутун дунёдан келаётган ахборотни умумлаштираётган Бутунжаҳон метеорологик ташкилотига юбормоқдалар.

Мамлакатимизда бутун Тошкент, Термиз, Чимён ва Помирда тўртта озонOMETPИК станциялар ишлаб турибди.

## IV. МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

### 67. Кейинги йилларда Ўзбекистонда қандай халқаро мусиқа фестиваллари ўтказилди?

— 1997 йил 26 августда Самарқандда Халқаро „Шарқ тароналари“ мусиқа фестивали тантанали равишда очилди. Ўттиздан ортиқ давлатларнинг вакиллари қадимий шаҳарда бир ҳафта давомида ўз мусиқа санъатларини намойиш қилдилар. Фестивалнинг олий мукофоти — Гран-при озарбайжонлик Симара Имоновага, биринчи мукофот ўзбекистонлик мумтоз кўшиқлар ижрочиси Муножат Йўлчиевага ва ҳиндистонлик Шанин Кхунарага берилди.

1998 йил 22—27 сентябрда мамлакатимизда биринчи марта симфоник мусиқа Халқаро фестивали ўтказилди. 1999 йил 26 август — 1 сентябр кунлари Самарқандда Халқаро „Шарқ тароналари“ иккинчи мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Фестивалнинг олий мукофоти — Гран-при „Мақом“ дастасининг якка-хон хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторовага берилди.

Фестивал танловида 20 га яқин мамлакат, шу жумладан композиторлик мактаби юқори даражада ривожланган Америка Қўшма Штатлари, Франция, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Люксембург вакиллари қатнашди. Ушбу концертларда Ўзтелерадиокомпаниясининг симфоник оркестри, хор жамоаси, кичик оркестри, „Ўзбекнаво“ таркибидаги хор жамоаси, „Сўғдиёна“ ўзбек халқ мусиқа асбоблари кичик оркестри ва ўнлаб истеъдодли санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш қилди. Улар фақат ўзбек композиторларининггина эмас, балки 20 нафарга яқин хорижий бастакорлар асарларини ҳам ижро этдилар.

## 68. Республика „Устоз“ жамғармасы қачон тузилди ва унинг асосий йўналишлари қандай?

— Тошкентда республика „Устоз“ жамғармасы 1997 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисида“ги Фармони, шунингдек биринчи галда олий таълим муассасаларининг профессорлар ва ўқитувчилари орасидан юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш, улар томонидан ривожланган демократик мамлакатлар таълимининг ижобий тажрибаси ўрганилишини қўллаб-қувватлаш, янги педагогик технологиялар билан танишиш, ажнабий давлатларда стажёрлик сафарларини ўтказиш миллий дастурини бажариш учун тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрдаги „Устоз“ жамғармасы фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорида фаолиятнинг таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим тизими профессор-ўқитувчилари таркиби орасидан Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали ўқитувчилар тайёрлашда, ёш, истеъдодли ўқитувчиларни танлашда, уларнинг қобилиятлари, ижодий имкониятини ривожлантиришда, ижодий салоҳиятини, касбий маҳоратини оширишда, уларни ривожланган демократик давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва марказлари тажрибаси билан бойитишда ёрдам беришдек асосий йўналишлар белгилаб берилди.

Жамғарма вазифасига шунингдек профессор-ўқитувчи кадрларни тажриба муддатини ўташ учун чет эл таълим муассасаларига юбориш, Халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро шериклик

алоқаларини ривожлантириш, юқори малакали профессор-ўқитувчилар тайёрлашга ички ҳомийлар маблағларини, шунингдек чет эл инвестицияларини жалб этиш;

— таълим бўйича халқаро лойиҳалар ва дастурларда иштирок этиш, ривожланган демократик давлатлар таълим тизимларининг илғор тажрибасини республиканинг узлуксиз таълимига ҳамда кадрларини тайёрлашга жорий этиш ҳам киради.

## **69. Жамият ҳуқуқий маданиятини ошириш миллий дастурининг моҳияти нимада?**

— Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бормоқда, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам мавқеларни эгаллаб турибди. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро тотувлик ҳамда фуқаролар жипслиги ёш давлатга ишонч ва иззат-ҳурмат келтирди.

Мамлакатда иқтисод, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий жиҳатдан қайта ўзгартириш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар бошлаб юборилди. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди. Ижтимоий-сиёсий турмушнинг ҳуқуқий асослари изчил мустаҳкамланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Жамиятнинг олға қараб ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаролик мавқеи, демократик қайта ўзгартиришларга мойиллиги кўзланган мақсадларга эришишнинг энг муҳим омиллари ҳисобланади.

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамиятнинг асоси ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг кўрсаткичидир. У жамиятдаги барча хилма-хил ҳаётий

жараёнларни тартибга солишга фаол таъсир ўтказадиган, фуқаролар, барча ижтимоий гуруҳлар ҳамжиҳатлигига кўмаклашадиган, жамиятнинг мақсадга мувофиқлигини, ундаги тартибни қувватлайдиган омилдир. Қонунни ҳурматлаш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизим самарали амал қилинишининг асосий талабларидан биридир.

Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг таркибий қисмидир. Кишилар онгидан ҳуқуқий билимларни эгаллаган ва уларни амалда қўллай оладиган кишигина маълумотли ҳамда маданиятлидир, деган тушунча ўрин олмоғи керак.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва фаол амалий фаолият жамламаси бўлган ҳуқуқий маданият жамият ҳамда давлат олдида турган вазифалар муваффақиятли ҳал этилишига хизмат қилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган жамиятдаги ҳуқуқий маданият миллий дастури мамлакатда халқ ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштирмоқ учун шароитлар яратиш ҳамда ҳуқуқий давлат асосларини шакллантиришни кўзлаб қабул қилинган эди.

Миллий дастурнинг мақсади ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг аҳоли барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликни эгаллайдиган, ҳуқуқий онгнинг юқори даражасига эришадиган, ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай оладиган барча жабҳаларни қамраб олувчи, муттасил ҳаракатда бўлувчи тизimini яратишдир.

Кўрсатиб ўтилган мақсадга эришишнинг асосий воситалари қуйидагилардир:

— ҳуқуқий билимларни ошириш ва ҳуқуқий тарбия тизимини шакллантириш;

— барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонун ва ҳуқуққа ҳурмат билан қарашига эришиш;

— аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

— фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ошириш борасидаги давлат сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги, демократизм; ижтимоий адолат; илмийлик; узлуксизлик; ҳуқуқий тарбиянинг изчиллиги ва умумийлиги; ҳуқуқий ахборотнинг тушунарлилиги; бирлик ва ҳуқуқий тарбия ҳамда маорифга фарқлаб ёндашиш тамойилларига таянади.

Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардир:

— аҳолининг фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишни таъминлаш;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларини кучайтириш ва аҳоли ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;

— аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётни нашр этиш ва тарқатишни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш;

— ҳуқуқий билимларни ошириш ва ҳуқуқий тарбиялаш воситалари ҳамда усулларини такомиллаштириш;

— ҳуқуқий таълимнинг ҳозирги тизимини ривожлантириш, кадрларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш;

— ҳуқуқий маданият илмий асосларини тадқиқ этишни рағбатлантириш, ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларни ташкил этиш;

— миллий анъаналар ва жаҳон тажрибаси асосида аҳоли ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини шакллантириш.

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини шакллантириш давлат сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши бир томондан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан ҳуқуқий билимлар озгина қисмини эгаллаб олиши учун шароит яратилишини, иккинчи томондан эса — турли ижтимоий гуруҳлар хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқий маорифни фарқлашни назарда тутди.

Мазкур дастурнинг бешта бўлимида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг шу устувор йўналишларини ҳаётда амалга оширишнинг анча аниқ вазифалари баён қилинади.

## **70. Ўзбекистонда сайёҳлик захираларининг имкониятлари ва уларни янада ривожлантиришнинг истиқболлари қандай?**

— Ўзбекистон катта сайёҳлик захираларига эга бўлиб, дунёнинг ривожланган сайёҳлик салоҳияти бўлган йигирмата мамлакатлари жумласига кирази. Республикада тўрт мингдан ортиқ меъморчилик, монументал санъат, қадимги ёдгорликлар объектлари мавжуд, у сайёҳларни жалб эта оладиган дам олиш минтақалари, боғлар ва сайёҳлик-соғломлаштириш мажмуалари, минерал ҳамда шифобахш булоқ сувларига эгадир.

Ўзбекистон эга бўлган бу бой маданий-тарихий ва маънавий мерос, шунингдек табиий захиралар уни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантира олади. Республика раҳбарияти ҳам мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга фавқулодда катта аҳамият бермоқда. 1992 йил 27 июлда Ўзбекис-



тон Республикаси Президентининг Фармони билан „Ўзбексайёҳлик“ миллий компанияси (ширкати) тузилиб, унинг зиммасига ажнабий ва минтақавий сайёҳликнинг барча турларини амалга ошириш вазифаси, сайёҳларга хизмат кўрсатиш маданияти ҳамда сифатини ошириш, меҳмонхоналар, кемпинглар, сайёҳлик базалари, дам олиш уйлари тармоғини ривожлантириш тошширилди.

Ўзбекистон 1993 йили Бутунжаҳон сайёҳлар ташкилотининг аъзоси бўлди.

1995 йилнинг 2 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикасининг Буюк ипак йўлини қайта тиклашдаги иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ ги Фармони қабул қилинди.

1995 йил октябрда Тошкентда бўлиб ўтган „Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат“ халқаро ярмаркасида 33 дан кўпроқ мамлакатлар фирмалари ва компаниялари қатнашди.

Халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлашга кўмаклашиш ҳамда халқаро сайёҳлик бозорига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини тарғиб қилиш, шунингдек сайёҳларга хизмат кўрсатишни жаҳон мезонлари даражасига етказиш мақсадида 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида“ ги Фармони эълон қилинди. Фармон билан ушбу дастур ҳамда уни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг таркиби тасдиқланди. 2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастурининг асосий мақсади мамлакатда хизмат кўрсатишнинг жаҳон мезонларини ҳам, илтифот ва меҳмондўстликнинг Шарқ аънаналарини ҳам ўзида мужассамлаштирган миллий моделини шакллантиришдир. Бу ҳужжат бозор иқтисодига ўтиш

шароитида сайёҳлик бизнеси имкониятидан миллий иқтисодни мустаҳкамлашда энг кўп фойдаланишни ҳам назарда тутган. Ахир бу соҳадаги фойда валюта тушумларидан ҳосил бўлади ва бундан ташқари, сайёҳлардан тушган фойдани сайёҳлик соҳасида ишлаётган корхоналар ҳам олади ҳамда сайёҳлар оқими кўпайишидан янги иш жойлари тузиш имконияти ҳам ортади.

Президентнинг Фармони „Ўзбексайёҳлик“ миллий компанияси тизими корхоналарига эркин конвертланадиган валюта учун махсус кассалар очиб, хорижий сайёҳларга сайёҳлик ва қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берди.

Давлат ҳисобидан қурибгина қолмай, балки улардан ўзлари фойдаланадиган хусусий тадбиркорлар томонидан 40—50 ўринли кичик меҳмонхоналар қурилиши вазифаси ушбу дастурнинг стратегик йўналишидир. Тадбиркорларни рағбатлантириш учун Президент Фармонида кичик меҳмонхоналар қуришга киришганларга имтиёзлар ҳам назарда тутилган. Улар сайёҳлик мақсадлари учун мамлакатга ташиб келтириладиган қурилиш материаллари, технологик ва меҳмонхона жиҳозлари, автотранспорт воситаларига божхона божлари тўлашдан уч йил озод этиладилар. Фармонда сайёҳлик соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича иш йўналишлари белгилаб берилган. Чунончи, Маданият институти Маданият ва сайёҳлик институти этиб қайта тузилган. Ушбу институтда ўқийдиган талабалар бевосита фирмалар, меҳмонхоналар ва бошқа сайёҳлик муассасаларида ишлаш ҳамда тажриба орттириш учун ҳар йили ва албатта чет элга юбориладилар.

Фармонда шунингдек „Умид“ жамғармасига талабаларни етакчи ажнабий мамлакатларга сайёҳлик индустрияси мутахассислиги бўйича ўқишга ҳар йили юбориб туришни назарда тутиш таклиф этилган.

Мамлакатимизни янада мақсадга мувофиқ ва самарали ташвиқот қилиш учун Фармонда Ўзбекистон Республикасининг АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италиядаги элчихоналарида маданият ҳамда сайёҳлик масалалари бўйича штат бирликлари киритиш назарда тутилган.

## **71. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эшиттиришлари ва кўрсатувлари қайси тилларда олиб борилади?**

— Ўзбекистон радио ва телевидениеси тинчлик ва дўстликни тарғиб этувчи, Ўзбекистон тўғрисида, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тўғрисида, ушбу қадимий ўлканинг қудратли имкониятлари тўғрисида ҳикоя қилувчи йирик ахборот воситаларига айланди. (Ўзтелерадиокомпания эшиттиришлари асосан ўзбек тилида, бундан ташқари рус, немис, қозоқ, уйғур ва бошқа тилларда олиб борилади.)

Ҳозирги вақтда Тошкент радиоси ўз эшиттиришларини инглиз, немис, рус, хитой, турк, уйғур, араб, ҳинд, урду, форс, дарий, шунингдек чет элда истиқомат қилаётган ватандошлар учун ўзбек тилида тайёрлайди. Эшиттиришларимизни одамлар дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларида тинглайдилар. Ўзбекистон телевидениеси каналлари бўйича кўрсатувлар ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, татар, уйғур, қорақалпоқ, корейс, бошқирд, инглиз, тожик тилларида берилади.

## **72. Республикада қандай Халқаро спорт мусобақалари ўтказилмоқда?**

— Ўзбекистон ҳозир кўпгина халқаро мусобақалар ўтказиладиган жойдир. Бундай йирик спорт тадбирларининг ўтказилиши мустақиллик йўлидан ишонч билан одимлаб бораётган янги Ўзбекистонни жа-

ҳонга олиб чиқмоқда, миллат соғлиғи мустаҳкамланаётганини, спортчиларимиз маҳорати ўсаётганини, уларнинг дунёдаги обрўси ортиб бораётганини намойиш қилмоқда.

Чунончи, 1993 йил мартида Термизда Ўрта аср қомусий олими Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб, кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда турли мамлакатларнинг тўрт юздан кўпроқ полвонлари қатнашди.

1994 йил 5—10 октябрь кунлари Тошкентда бокс бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган турнир ўтказилди.

1994 йил 11—19 апрель кунлари футбол федерациялари Халқаро ассоциацияси (ФИФА) ва Осиё футбол федерацияси (АФК) кўмағи ва оталиғида футбол бўйича биринчи марта ўтказилган Тошкент халқаро турнири бўлиб ўтди.

1994 йил 3 майда Тошкентда „Буюк ипак йўли“ шиори остида теннис бўйича Халқаро мусобақалар очилди. Бу мусобақаларда 22 мамлакат спортчилари қатнашди.

1994 йил 20—29 май кунлари Тошкентда Осиё чемпионати финалига чиқиш учун Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги бешта давлатлар ёшлар командаларининг футбол бўйича очиқ турнири ўтказилди.

1994 йил 28 майидан 5 июнигача Тошкентда Президент Кубоғи учун биринчи Халқаро теннис турнири ўтказилиб, Америка теннисчиси Чак Адамс унинг биринчи соҳиби бўлди. Ўша вақтда Тошкентда автомобилчиларнинг „Ғалаба“ мусобақалари бўлиб ўтди.

1994 йил октябрда Термизда IV Халқаро шахмат фестивалининг ўз иштирокчиларига Халқаро уста меъёрини бажариш имконини берадиган шахмат турнири бўлиб ўтди. Турнирда Вьетнам, Катар, Германия, Исроил, Австрия, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон ва Ўзбекистон шахматчилари қатнашдилар.

1995 йилнинг 1 августида Тошкентда ўқувчилар ва ёшларнинг спортнинг техник турлари бўйича тўрт кунлик Халқаро турнири бўлиб ўтди. Шу кунлар мобайнида қозоғистон, қирғизистон ва ўзбекистонлик ёш спортчилар энг яхши спортчилар ҳуқуқи учун баҳслашдилар. Умумкоманда ҳисобида ўзбекистонлик ўқувчилар ғолиб бўлдилар.

1995 йил 29 августда Тошкентда теннис бўйича очилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун олиб борилган иккинчи Халқаро турнирда 14 мамлакат спортчилари қатнашди.

1995 йил 2 сентябрда Тошкентдаги „Пахтакор“ стадионида Биринчи Марказий Осиё ўйинларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

1995 йилнинг 30 сентябридан 8 октябригача Тошкентда бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Уша йили декабрда Тошкентда рус шашкаси бўйича II Халқаро турнир ўз ишини якунлади.

1996 йил 8 апрелда Бухорода аёллар командалари ўртасида чим устида хоккей бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1996 йил 8—16 июнда Тошкентда Челенжер туркумидаги теннис бўйича Халқаро аёллар турнири бўлиб ўтди.

1996 йил 12 июлда Наманганда теннис бўйича Халқаро ёшлар турнири ўтказилди. Унда Ўрта Осиё давлатларидан 13 ёшгача бўлган 44 нафар ёш спортчилар қатнашди.

1996 йил 2—8 сентябрда Тошкентда теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун III Халқаро турнир бўлиб ўтди.

2—6 октябрда Зарафшонда кичик футбол бўйича VI Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1996 йил 8 октябрда Самарқандда „рус нақли“ бўйича ўтказилган 64-катакли шашка бўйича Учинчи жаҳон чемпионати очилди.

1996 йил октябрь ойида Тошкентда стол тенниси бўйича Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига ва Амир Темур юбилейининг 600 йиллигига бағишланган Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1996 йил ноябрда Самарқандда бокс бўйича тренер Сидней Жаксон хотирасига бағишланган мукофот учун анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1997 йил апрелда Тошкентда теннис бўйича ёшлар анъанавий Халқаро турнири бўлиб ўтди.

1997 йил 8 июнда Тошкентда теннис бўйича аёллар II Халқаро турнири бўлиб ўтди.

Уша йилнинг июнида Андижон вилоятининг Избоскан тумани маркази Пойтуғда айбоксинг (Таиланд бокси) бўйича турнир бўлиб ўтди.

1997 йил июнида Тошкент отчопарида конкурс бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1997 йилнинг 17 августида Тошкентда жаҳон чемпионати, Олимпия ўйинлари совриндорлари, Халқаро турнирларнинг россия, қозоғистон, белоруссия ва ўзбекистонлик ғолиблари ишгирокида Ўзбекистонда биринчи бор профессионал бокс бўйича Халқаро матч ўтказилди.

1997 йил 24 августда „Пахтакор“ марказий стадионида Осиё чемпионати сайланма гуруҳининг матчи бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма командаси Яман командаси билан учрашди, учрашув ўзбек футболчилари ғалабаси билан тугади.

1997 йил 14 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон Президенти Кубоги учун IV Халқаро теннис турнири тугади.

1997 йил 21 октябрда Тошкентда мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган „Труд“ газетаси мукофоти учун иккинчи Халқаро болалар шахмат турнири очилди, унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистоннинг етти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган ёш шахматчилари қатнашди.

1997 йилнинг октябрида Фарғонада „Буюк ипак йўли“ Халқаро сателлит теннис турнири ўтказилди. Тошкентлик спортчи Вадим Куценко унинг голиби бўлди, ўша ойда Тошкентда гандбол бўйича аёллар командалари ўртасида Халқаро турнир, шунингдек боксчиларнинг таниқли боксчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Анатолий Васильев хотирасига бағишланган Халқаро турнири бўлиб ўтди.

Ўша ойда Бухорода баскетбол бўйича Халқаро эркалар турнири ўтказилди.

1997 йил 22—23 ноябрда Тошкентда „Ўзбекистон мустақиллиги кубоги“ учун эркин кураш бўйича I Халқаро турнир бўлиб ўтди, унда Европа ва Осиёнинг 40 та мамлакатларидан келган 130 нафардан ортиқ энг кучли полвонлар қатнашди.

Ўша йилнинг ноябрида Тошкентда Собир Раҳимов хотирасига бағишланган грек-рим кураши бўйича Халқаро турнир ўтказилди, унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россиядан келган 200 нафар спортчилар қатнашди, Жиззахда эса бокс бўйича Халқаро ёшлар турнири ўтказилди, унда мукофотлар учун икки юздан ортиқ спортчи курашди.

1997 йил декабрда Навоий шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Халқаро турнир ўтказилди.

1998 йилнинг апрелида Андижонда теннис бўйича „Буюк ипак йўли“ Халқаро турнири ўтказилди, унда 20 та мамлакатдан келган таниқли спортчилар қатнашди, Андижонда эса „Фьючерс“ тенниси бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди.

1998 йилнинг 22—24 май кунлари эркин ва грек-рим кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги Кубоги учун ўтказилган II Тошкент Халқаро турнирида жаҳоннинг кўп мамлакатларидан келган 184 нафар полвонлар курашди.

1998 йилнинг 2—8 июнида Тошкентда теннис бўйича аёллар Халқаро турнири бўлиб ўтди.

1998 йилнинг 29 июнида Тошкентда самбо кураши бўйича VII Халқаро турнир очилди.

1998 йилнинг июлида Жиззахда бокс бўйича ёшларнинг истеъдодли мураббийси Азимжон Бадалов хотирасига бағишланган I Халқаро турнир бўлиб ўтди. Турнирда Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг 114 нафар боксчилари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

1998 йилнинг августида Жиззахда таниқли тренер Сидней Жаксон хотирасига бағишланган анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди, ўшанда дунё Ўзбекистон боксидан хабар топди. Бу турнирда Жиззах вилоятининг терма командаси биринчи ўринни эгаллади.

1998 йилнинг 6—7 сентябрида Тошкентда кураш бўйича „Ўзбекистон Президентининг Кубоги“ учун I Халқаро турнир бўлиб ўтди, унда 20 дан ортиқ мамлакатлар вакиллари қатнашди. Ўзбекистон Президентининг бош мукофотини туркиялик полвон Салим Татарўгли олди.

1998 йилнинг 14—20 сентябрида Тошкентда теннис бўйича „Ўзбекистон Президенти Кубоги“ учун V Халқаро турнир бўлиб ўтди, унда 18 мамлакатдан келган 49 нафар энг кучли теннисчилар қатнашди. Турнирнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади ва сурункасига иккинчи бор турнир ғолиби бўлган инглиз теннисчиси Тим Хенманга кумуш Кубогни топширди.

1998 йилнинг сентябрида Тошкент оstonасидаги Аранчи аэродромида авиамоделизм бўйича Осиё тарихида биринчи чемпионат бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Арманистон ва Индонезия командалари қатнашди. Эркин учадиган планерларда Алёксандр Амелин (Қозоғистон), резина моторли моделларда Шавкат Исматиллаев, ичда ёнадиган таймерларда Евгений Хаенок, радиобошқариш пла-



нерларида Владимир Уцин (ҳаммалари ўзбекистонлик) Осиёнинг биринчи чемпионлари бўлишди.

1998 йилнинг сентябрида Самарқандда бокс бўйича „Амир Темур кубоги“ учун Халқаро турнир бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Ҳиндистондан келган 100 дан ортиқ спортчилар қатнашдилар.

1998 йил октябрида Ўзбекистонда Тошкент — Чимён дам олиш минтақаси маршрути бўйича энг кучли автоҳайдовчиларнинг ўн биринчи Халқаро мусобақалари бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон командаси биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу ойда:

Чирчиқда аёллар ўртасидаги футбол бўйича Ўрта Осиё чемпионатининг сўнгги тури бўлиб ўтди. Андижон шаҳридаги „Андижон қизи“ футбол-хоккей клубининг қизлари биринчи ўринни эгалладилар.

Самарқандда „Челленжер“ сериясидаги Халқаро теннис турнири бўлиб ўтди. Яккама-якка олишувда ғалаба шведиялик теннисчи аёл Фредерик Йонесонга насиб этди. Турнирнинг жуфт разряддаги бош мукофоти исроиллик дуэт Ноам Бер — Эал Ранга топширилди.

Қариши шаҳрида янги „Ҳавас“ спорт мажмуида теннис бўйича дунёнинг қарийб барча томонларидан ракетка усталарини тўплаган Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Австрия, Белоруссия, Венгрия, Миср, Италия, Швеция спортчилари қатнашди. Ўзбекистонлик теннисчилар Олег Огородов ва Дмитрий Томашевич турнир ғолиблари бўлдилар.

Фарғона шаҳрида „Истиқбол“ Халқаро турнири бўлиб ўтди, унда жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан келган теннис ракеткаси усталари бир ҳафта давомида куч синашдилар.

17—25 ноябрда Тошкентдаги „Жар“ спорт мажмуида „Труд“ газетаси совринлари учун Ўзбекистон

Республикасининг етти йиллигига бағишланган болалар Халқаро шахмат турнири бўлиб ўтди.

23—26 ноябрда Тошкентда оила йилига бағишланган „Сув париси“ баравар сузиш бўйича Халқаро турнири биринчи марта ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Греция, Қозоғистон, Россия спортчи қизлари қатнашди. Россия спортчи қизлари турнир ғолиблари бўлдилар. Жувфт композициялар дастурида ўзбекистонлик Татьяна Завадовская ва Юлия Велку бронза совринларига сазовор бўлдилар.

1998 йилнинг ноябрида Урганч шаҳрида бокс бўйича очиқ чемпионат бўлиб ўтди, унда мамлакатимизнинггина эмас, балки Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Япониянинг ҳам юздан ортиқ чарм кўлқоп усталари қатнашди.

Ушбу ойда:

Зарафшонда ёшлар ўртасида Навоий тоғ-металлургия комбинатининг 40 йиллигига бағишланган Халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. Уларда республикамиз, Қозоғистон ва Қирғизистон чарм кўлқоп усталари куч синашдилар. Навоийлик ёш боксчиларнинг чиқишлари муваффақиятли бўлди. Акром Файзиев, Шухрат Улуғов, Ҳасан Эргашев ва Камолиддин Нормуродовлар ўз вазн тоифаларида биринчиликка эришдилар.

Тошкентда қиличбозлик бўйича таниқли спортчимиз Собир Рўзиев соврини учун бўлиб ўтган Халқаро турнирда Ўзбекистоннинг аёллар командаси биринчи ўринни эгаллади. Бунга шахсий ҳисобда ҳам олтин медалга сазовор бўлган тошкентлик Светлана Филимонова энг кўп ҳисса қўшди.

Бизнинг юртдошларимиздан бўлган эркаклар орасида қиличбозлар Р.Бахтиев, Е.Йўлдошев ва А.Багдасаров анча муваффақиятли қатнашиб, бутун ҳурмат шоҳсупасини эгалладилар.

Тошкентда „Труд“ газетаси совринлари учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти

Йиллигига бағишланган болалар Учинчи халқаро шахмат турнири бўлиб ўтди. Биринчи команда ўрни— „Труд“ газетасининг бош совринини тошкентликлар олдилар. Шахсий ҳисобдаги мутлақ биринчиликни усталикка номзод 16 яшар Жасур Мажидов эгаллади.

Тошкентда баскетбол бўйича анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда бизнинг спортчиларимиздан ташқари Хитой, Ҳиндистон, Қирғизистон ва Қозоғистон спорт командалари ҳам қатнашдилар. Галаба ўзбекистонликларга насиб этди.

Тошкентда „Паҳлавон“ кубоги соврини учун самбо бўйича Халқаро ёшлар турнири бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистондан икки юздан кўпроқ спортчи қатнашди.

1999 йилнинг 8 апрелида Наманганда „Фьючерс истиқбол“ тенниси бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди, унда 15 та мамлакат теннисчилари қатнашди.

1999 йилнинг 1—2 май кунлари Тошкентда кураш бўйича жаҳоннинг биринчи чемпионати бўлиб ўтди, унда 48 та мамлакатдан келган спортчилар қатнашди. Мамлакатимиз полвонлари учта олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медалларига сазовор бўлдилар. Аксир Курбонов, Камол Муродов, Тоштемир Муҳаммедов ўз вазн тоифаларида жаҳон чемпионлари бўлдилар.

25—30 май кунлари Тошкентда биринчи марта грек-рим, эркин ва аёллар кураши бўйича анъанавий Осиё чемпионати бўлиб ўтди, унда 14 мамлакатдан келган 500 нафардан ортиқ спортчилар қатнашди.

Чемпионатдаги эркин кураш бўйича команда ҳисобида Ўзбекистон терма командаси биринчи ўринни эгаллади. Игорь Купеев (69 кг), Руслан Хинчагов (76 кг), Аслон Санақоев (85 кг) олтин медаллар, Рамиль Исломов (63 кг), Георгий Кайсинов (103 кг) кумуш медаллар ва Адҳам Очилов (54 кг), Дамир

Захриддинов (58 кг), Сослан Фраев (97 кг) бронза медаллар соҳиблари бўлдилар.

Грек-рим кураши бўйича эркаклар беллашувида Бухоро спортчиси Шухрат Саъдиев олгин медаль соҳибни бўлди.

Аёллар эркин кураши бўйича чемпионатда бизнинг спортчимиз Марина Михеева (68 кг) тўртинчи ўринни эгаллади.

Команда ҳисобида биринчи ўринни Ўзбекистон терма командаси, иккинчи ўринни Корея, учинчи ўринни Қозоғистон терма командалари эгаллади.

26—30 май кунлари Тошкентда „Микаса“ япон компанияси Кубоги учун биринчи аёллар волейболи Халқаро турнири бўлиб ўтди, унда Япония, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон командалари қатнашди.

Бош соврин — „Микаса“ кубоги Ўзбекистон физкультура институти спорт клубининг аёл волейболчиларига насиб этди.

### **73. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятида бирон-бир чеклашлар мавжудми?**

— Ўзбекистон Республикасидаги оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг „Оммавий ахборот воситалари тўғрисида“ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси „Оммавий ахборот воситалари тўғрисида“ги Қонунининг 4- моддасида кўрсатилишича, республикада оммавий ахборот воситаларини назорат қилишга йўл қўйилмайди ва эълон қилинадиган хабарлар ёки материалларнинг олдиндан келишилишини, шунингдек матннинг ўзгартирилишини ёки уларни матбуот (эфир)дан батамом

олиб ташланишини талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги бирон-бир чеклашларга келганда, улар мазкур Қонуннинг 6-моддасида белгилаб берилган. Унда кўрсатилишича, оммавий ахборот воситаларидан мавжуд конституциявий тузумни, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилишга, давлат ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор қилишга, жинсий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилишга даъват этиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини қоралаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиб тақиқланади.

Дастлабки тергов материалларини прокуратура, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатсиз эълон қилиш, муайян ишнинг натижаларини суд томонидан қарор қабул қилинишигача олдиндан хабар қилиш ёки судга унинг қарори ёки ҳукми қонуний кучга киришигача бошқа йўл билан таъсир ўтказиш, ахборотни унинг номини ошкор қилмаслик шarti билан берган манбани очиб ташлаш (ошкор қилишни суд талаб қиладиган ҳоллар истиснодир) тақиқланади.

## **74. Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот ходимлари кунини қачон нишонланади?**

— Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг бу касбий байрами ҳар йили 27 июнда нишонланади.

Мазкур кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1993 йил 24 июндаги Фармони билан белгиланган.

## **75. Ўзбекистон Республикасида қандай почта маркалари муомалага чиқарилган ва улар нималарга бағишланган?**

— Почта ва телекоммуникациялар республика Агентлиги ҳузурида махсус тузилган „Ўзбекистон маркаси“ нашриёт маркази шоира Нодиранинг сурати тасвирланган почта маркасини 1992 йил апрелда икки миллион ададда босиб чиқарган бўлса, эндиликда у мустақил Ўзбекистоннинг почта хизмати талабларини қондирибгина қолмай, балки мамлакатимизнинг ташриф карточкаси бўлган шундай бир рангли маҳсулотни ишлаб чиқармоқдаки, у жаҳон майдонида тан олинди, халқаро рўйхатларга кирди.

Ўзбекистон маркази мустақилликнинг етти йили мобайнида ушбу нашриёт маркази томонидан чиқарилган почта ҳақи тўланадиган икки юзга яқин нишон нашр этди.

Маркаларда ўлкамиз тарихи ва ҳозирги кунлари тасвирланган, унинг атоқли кишилари, табиати, қадимги шаҳарларининг меъморий кўриниши, спорт ютуқлари кўрсатилган.

Чуновчи, 1993 йил июль ойида чиқарилган почта маркаларида Ўзбекистон Республикасининг рассом Н.Никитин ишлаган Давлат байроғи ва Герби тасвирланган эди.

1994 йил май ойида почта муомаласига теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун ўтказилган мусобақаларга бағишланган маркалар мажмуаси чиқарилди.

1995 йил август ойида Буюк ипак йўлига бағишланган маркалар чиқарилди. Тўртта почта маркасида бу қадимий савдо йўли ўтган шаҳарларнинг меъморий ёдгорликлари: Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси, Шаҳрисабздаги Гумбази Сайидон мақбараси,

Бухородаги Чорминор мадрасаси ва Хивадаги Калтаминор минораси тасвирланган эди. Туркумни якунловчи почта мажмуида Ўзбекистон худудининг чизма харитаси берилган бўлиб, унда Буюк ипак йўли чизиқ (пунктир нуқтали) билан, ушбу йўл ўтган шаҳарлар эса шартли белгилар билан кўрсатилган. Карвон ҳаракатини англатувчи туянинг аниқ тасвири ушбу туркумдаги маркаларнинг тимсоли бўлиб қолди.

1995 йилнинг ноябрида „Ўзбек халқ эртаклари“ мавзуидаги бешта почта маркаларидан иборат навбатдаги туркум муомаласага чиқарилди, улардаги расмларни тошкентлик рассом Людмила Содиқова чизган эди.

Ўша йили муомаласага „Камолиддин Беҳзод“ почта маркаси ҳам чиқарилган бўлиб, унда ушбу атоқли рассомнинг Деҳлавийнинг „Лайли ва Мажнун“ достонига ишлаган миниатюрасидан олинган парча тасвирланган эди.

1996 йили почта муомаласига „Амир Темур“ почта мажмуи чиқарилган бўлиб, унинг марказидаги марказда Амир Темурнинг ҳаёти саналари — „1336—1404“ ҳамда юбилей рақами — „600“ кўрсатилди. Шунингдек ёзувчи ва олим Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига ҳамда Ўрта Осиёнинг XX аср биринчи ярмидаги йирик давлат арбобларидан бири Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маркалар ҳам чиқарилган эди.

Ўша 1996 йили Олимпия ўйинларига бағишланган „Олимпия—96“ почта маркалари туркуми ҳам чиқарилган бўлиб, маркаларда спортнинг футбол, от спорти, бокс ва велоспорт сингари турлари тасвирланган эди. Она табиатга, минтақа ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бағишланган почта маркалари туркуми, шунингдек Орол денгизи ҳавзасининг экологик муаммоларига бағишланган маркалар мажмуи чиқарилган бўлиб, унинг бешта маркаларида ҳайвонот дунёсининг ноёб вакиллари: мушуксимонлар оила-

сидан бўлган — Қоракал, орол лососи, тарғил сиртлон, катта бақрабалиқ оиласидан бўлган камёб Амударё сохта патонос балиғи, чўртанбалиқсимон жерех балиғи тасвирланган эди.

1997 йили „Қоинот ва ҳаёлот“ мавзуидаги етти марка, мажмуа ва совға конвертдан иборат туркум, шунингдек етгита почта маркаси ва машҳур ўзбек халқ эртаклари асосида „Хушовоз булбул“ мажмуасидан иборат маркалар тўплами чиқди. Рангли почта миниатюраларини рассом Ирина Лисенко ишлаган.

Ўша йил июнь ойида „Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон“ деб аталган почта маркаси чиқарилди. Ёзувчи сурати билан чиқарилган бу марка ёзувчи таваллудининг 100 йиллигига бағишланган эди.

1997 йили Ўзбекистоннинг ёш, ривожланаётган автомобиль саноатига бағишланган „ЎЗДЭУавто“ почта квартмажмуаси ҳам чиқарилди. Бу квартмажмуа ўзаро перфорация билан бирлаштирилган учта марка ва бир купондан иборат эди. Почта купонида Асака шаҳридаги автомобиль заводининг биноси, почта маркаларида эса „Тико“, „Дамас“, „Нексия“ автомобиллари тасвирланган эди.

Ўша йили Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган почта маркалари туркуми ҳам дунё юзини кўрди.

1998 йил июнда почта муомаласига 1200 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланган Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган махсус маркали конверт чиқарилди. Марка ва конвертдаги Ўрта аср Шарқ астрономия асбобларининг рамзий тасвири бўлган рангли расмни рассом Й.Фабзалилов чизган.

Ўша йили нархи 15 сўм бўлган рангли „Имом ал-Бухорий“ маркаси ҳам муомалага чиқарилди. Маркада IX асрда яшаб, ижод қилган машҳур диншунос олим, ҳадислар тўпловчиси ва талқинчисининг ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ миниатюра парчаси тасвир-



ланган. Марка билан бир тўпламда почта конверти ҳам чиқарилган.

Филателия билан шуғулланувчилар ўз коллекцияларини яна бир қадрият — Президент Кубоги учун Халқаро теннис турнирига бағишланган янги марка билан бойитишлари мумкин. Мамлакатимизда катта шуҳрат топган спорт тўғрисидаги бу марка икки хил рангда бўлиб, унинг расмини тошкентлик рассом Й. Ғабзалилов чизган, у 1998 йилнинг сентябрида муомалага чиқарилган.

Ўша йилнинг октябрида муомалага халқ достони „Алпомиш“га бағишланган тўққиз миниатюралли почта варағи ҳам чиқарилди.

## **76. Маданий бойликларни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш ва унга олиб кириш қандай амалга оширилади?**

— 1998 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида „Маданий қадриятларни ташиб чиқариш ва ташиб киритиш тўғрисида“ ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон халқининг маданий меросини сақлаш, маданий қадриятларни ноқонуний ташиб кетиш ва келтиришни ҳимоялаш, маданий қадриятларни Ўзбекистон Республикасидан ташиб кетиш ҳамда Ўзбекистон Республикасига ташиб келтиришнинг ягона тартибини белгилаш, шунингдек Халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беришидир.

Қонунда маданий қадрият деб моддий дунёнинг миллий, тарихий, бадиий, илмий билиш, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий қадрияти кўчириб бўлалмиган кўчар ашёлари назарда тутилиши тушунилади. Маданий қадриятлар турлари ва тоифалари турличадир. Маданий қадриятларга мансуб ашёларни

Қонун билан белгилаш Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, шунингдек маданий қадриятларни ташиб кетиш тўғрисида қарор ҳам қабул қилади, ташиб кетилаётган ва ташиб келинаётган маданий қадриятларни рўйхатга олади, ташиб кетишга рухсат этилган маданий қадриятлар текширилишини ташкил этади, шунингдек улар вақтинча олиб кетилгандан сўнг қайтарилганда маданий қадриятларни олиб кетиш ҳамда вақтинча олиб кетиш ҳуқуқига гувоҳнома беради.

Қонунда мулк эгасининг маданий қадриятларни ташиб кетиш ҳуқуқи тўғрисида махсус модда бор. Чунончи, муаллиф ўзи яратган ва ўз мулкида бўлган қимматбаҳо расмларни, бадиий буюмларни олиб кетишга ҳақлидир.

Қонунда ташиб кетилиши ман этилган маданий қадриятлар белгилаб берилган. 50 йил ва ундан аввал яратилган, давлат томонидан ҳимоя рўйхатлари ҳамда реестрларига киритилган, давлат ва жамоат музейлари, архивлари, кутубхоналари ҳамда бошқа сақлаш жойларидаги маданий қадриятлар Ўзбекистон Республикасидан ташиб кетилмайди.

Айни вақтда мамлакатимизга маданий қадриятлар ниқоби остида конституциявий тузумни ва давлат мустақиллигини кўпоришга, худудий яхлитликни бузишга қаратилган, урушни, терроризмни, зўравонликни, диний экстремизмни, ирқчиликни тарғиб этувчи ашёларни, шунингдек порнографик мазмундаги материалларни ташиб келтириш ман этилади.

**77. 1999 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Ўзбекистонда физкультура ва спортни янада ривожлантириш тўғрисида“ ги қарори қабул қилинган эди. Унинг мақсади ва ижтимоий аҳамияти қандай?**

— Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш ва оғоҳлантириш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса ёшларни бадантарбия ҳамда спорт билан шуғулланишга жалб этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги „Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида“ ги Фармонини амалга ошириш мақсадларини кўзлаб қабул қилинган эди. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида физкультура ва спортни ривожлантириш Давлат дастури концепциясини ҳамда уни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат Спорт Қўмитаси ва тегишли вазирликлар ҳамда идоралар ишлаб чиққан тadbирларни маъқуллади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Спорт Қўмитаси, Миллий Олимпия Қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа вазирликлар ҳамда идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Касаба уюшмалари Кенгаши „Камолот“, „Соғлом авлод учун“, „Маҳалла“ жамғармалари билан биргаликда физкультура ва спортни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишни таъминлаш юзасидан аниқ тadbирлар ишлаб чиқиш;

— ҳар қайси туманда қишлоқ спорт-соғломлаш-

тириш клублари тузишни, улар фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турлари ва халқ ўйинларини кенг жорий этиш;

— аҳоли барча қатламларини физкультура-соғломлаштириш ва оммавий-спорт ишига кенг жалб этишга қаратилган мунтазам оммавий спорт мусобақалари ташкил этиш ҳамда ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— мамлакат ҳудудидаги барча спорт иншоотларини уларнинг идоровий мансублиги ва мулк шаклидан қатъи назар рўйхат (инвентаризация) қилиш, шунингдек минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда оммавий мусобақаларни мунтазам ўтказиб туриш бўйича аниқ чоралар белгилаш;

— аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва соғлиғи даражасини аниқловчи махсус тестлар ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш. Ушбу тестларни муваффақиятли топширганлар учун уч даражали „Алпомиш“ ва „Барчиной“ нишонлари таъсис этиш тақлиф қилинди.

Ушбу тестларни муваффақиятли топширганлар учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан „Алпомиш“ ва „Барчиной“ нишонлари таъсис этилди, шунингдек Тошкентда боксни ривожлантириш республика Маркази ҳамда Тошкент Отчопари негизида миллий спорт турларини ривожлантириш республика Марказини яратиш, „Спорт байрами“ умумхалқ байрамини таъсис этиш назарда тутилди.

## **78. Ўзбекистон Республикасининг „Ўзбекистон Ифтихори“ фахрий унвони қачон таъсис этилган ва бу унвоннинг кўкрак нишони қандай?**

— „Ўзбекистон Ифтихори“ фахрий унвони Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясида 1998 йил 28 августда қабул қилинган Қонуни билан таъсис этилган. Бу фахрий унвон

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва уларга тенг спорт анжуманларида голиб — чемпион номига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрў-эътибори, орномуси ва шарафини улуғлашга кўмаклашган фуқароларига берилади. „Ўзбекистон Ифтихори“ фахрий унвонининг кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда олтин билан қошланган 925 пробали кумушдан тайёрланган бўлиб, диаметри 36 миллиметрли доира шаклидадир. Нишоннинг қалинлиги 2,3 миллиметр.

Нишоннинг оқ эмаль билан қошланган ҳошияли силлиқ ўнг томонида яшил рангли футбол майдони бўлган стадионнинг ясси шакли тасвирланган, унинг қуйи қисмида Олимпия рамзи — белга тугаш ҳалқача жойлаштирилган. Стадион тепасида Ўзбекистон Республикасининг бўртма гербини тутиб турган кумуш рангдаги қўл панжалари тасвирланган. Нишоннинг юқори қисмида, тамға устида „O‘ZBEKISTON IFTIXORI“ ёзуви жойлаштирилган. Қуйи қисмида — яшил рангли шаффоф эмаль қошланган ва ўртасида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ранглари каби тасма билан ўралган лавр шохчаси бор.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Герб остида, қуйи қисмида эгилган ҳарфлар билан 1 миллиметрли ҳажмда нишон рақами битилган. Тасвир ва ёзув бўртмадир.

Кўкрак нишони кулоқча ва ҳалқача ёрдамида ички томони Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларидаги муар (мухайяр) тасма билан ўралган колодкага туташтирилади.

## **79. Ижтимоий фикрни ўрганиш бўйича „Ижтимоий фикр“ марказининг мақсадлари ва вазифалари қандай?**

— 1997 йилнинг июлида тузилган „Ижтимоий фикр“ маркази мустақил илмий-тадқиқот ахборот-таҳлилий муассасадир. Унинг асосий мақсади ва

вазифаси Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат барпо этишга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Марказ ўз фаолиятида АҚШ, Германия, Англия, Россия сингари мамлакатларнинг тажрибасини ва республикамиз хусусиятларини, халқимизнинг қадимий урф-одатларини, миллий қадриятларини олган ҳолда ижтимоий фикрни ўрганиш учун методологик асосларни ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият бермоқда.

Ташкилот ҳузурида республиканинг ижтимоий соҳага оид етакчи олимларни ўз таркибида бирлаштирувчи илмий-услубий кенгаш ишлаб турибди.

„Ижтимоий фикр“ маркази ўз фаолиятида бутун мамлакатни қамраб олган. Вилоятларда малакали ушбу соҳа мутахассисларини бирлаштирган ҳудудий таянч пунктлари ва базалари шакллантирилган. Марказ ходимлари маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида сўров ва социологик тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

## **80. Ўзбекистон альпинистлари жаҳондаги энг баланд чўққи — Жомолунгма (Эверест) га биринчи марта қачон кўтарилдилар?**

— Ердаги энг баланд Ҳимолай тоғларининг 8848 метрли чўққиси — Жомолунгма (Эверест) га ўзбек альпинистлари 1998 йил 22 майда биринчи марта кўтарилдилар. Чўққига биринчи бўлиб, Ўзбекистон байроғини ўрнатган Рустам Ражабов кўтарилди. Унинг ортидан Светлана Баскакова, Илья Тухватулин, Андрей Зайкин, Алексей Докунин кўтарилдилар. Рустам Ражабов команда раҳбари Анатолий Шабанов билан биргаликда чўққига иккинчи марта муваффақиятли кўтарилди. Команданинг Роман Мац, Ханиф Балмағамбетов, Олег Григорьев, Андрей Фёдоров сингари аъзолари ҳам чўққига кўтарилдилар.

## **81. Ўрта Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси қачон тузилган, фаолиятининг моҳияти нимадан иборат?**

— Ўрта Осиё халқлари маданияти — Маданий ва маънавий-маърифий Халқаро ташкилот бўлган Ассамблеяси 1995 йил 21 ноябрда Ўрта Осиёнинг бешта мамлакати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг ёзувчилари, олимлари, маданият ҳамда санъат арбобларининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғинида тузилган. Ушбу йиғинда Ассамблеянинг президенти этиб Қирғизистон халқ ёзувчиси Чингиз Айтматов, вице-президенти этиб эса Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов сайланди.

Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги қардошлиқ ғояларини мустақкамлаш мақсадида тузилган мазкур Ассамблея томонидан бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, 1996 йил апрелда Ассамблея Бош Кенгашининг Бишкекда ўтказилган биринчи мажлисида маданий алоқалар воситасида Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон халқларининг бирлиги ҳамда қадимий дўстлигини мустақкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ўша кунлари Бишкекда „Мустақиллик шароитидаги маънавий масалалари“ мавзусида мазкур мамлакатлар шоирлари, рассомлари, артистлари иштирокида илмий конференция ҳам бўлиб ўтди. „Марказий Осиё поэзияси мустақиллик даврида“ мавзусидаги илмий конференция Ассамблея томонидан Тошкентда ҳам ўтказилди, унда ҳам ёш шоирларнинг поэзия-турнири бўлиб ўтди. Ассамблея 1997 йили Бадий Академия билан ҳамкорликда Тошкентда Ўрта Осиё рассомлари асарларининг кўргазмасини ўтказди. Ушбу минтақа давлатлари ёзувчилари, олимлари, артистлари ва рассомларининг

„юмалоқ стол“ атрофидаги бир қанча ижодий учрашувлари ўтган йили ҳам бўлиб ўтди.

Ассамблея ҳузурида тузилган „Мутаржим“ фирмаси ҳам Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни таъминлашга даъват этилгандир.

## **82. Улуғ мусаввир Камолиддин Беҳзод юбилейи нишонининг муаллифи ким?**

— 2000 йилда мамлакатимизда Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланади. Буюк санъаткорнинг бу қутлуғ кунига бағишлаб мемориал боғ барпо этилмоқда, музей ташкил этилмоқда, илмий-ижодий конференциялар ўтказилмоқда, Халқаро бадий кўргазмалар очилмоқда. Ўзбекистон Бадий Академияси буюк мусаввир юбилейининг расмий нишонини яратиш учун республикада танлов эълон қилди. Бу танловда республика шаҳарлари ва қишлоқларининг кўп сонли санъатшунос ҳамда ҳаваскор рассомлари фаол қатнашдилар. Тошкентлик графикачи рассом Анвар Мамажонов танлов голиби бўлди. Нишондаги Камолиддин Беҳзод сиймосининг тимсоли учун буюк мусаввирнинг замондоши ва истеъдодли шогирди Маҳмуд Музаҳиб томонидан чизилган сиймоси асос бўлди. Муаллиф Беҳзод қиёфасини нозик дид, бой маънавий ва юксак фазилатли инсон сифатида акс эттирган.

## **83. Ўзбекистонда „Хотира китоби“ қачон нашр этилди?**

— 33 жилдан иборат „Хотира китоби“ 1995 йили, унинг яна иккита қўшимча жилди 1996 йили дунё юзини кўрди.

Мазкур кўп жилдли мемориал хотира китобида иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган тўрт юз мингдан ортиқ ўзбекистонликларнинг номлари абадийлаштирилган.



## 84. "Ибн Сино" Халқаро жамғармаси қандай ташкилот?

— Бугун мамлакатимизда 50 дан ортиқ турли хил Халқаро ва республика жамғармалари, шу жумладан давлатнинг соғлом ва маънавий бой баркамол ёш авлодини тарбиялашдаги айрим ижтимоий дастурларни ҳал этишда ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган „Соғлом авлод учун“ Халқаро нодавлат жамғармаси, "Оролни қутқариш" Халқаро жамғармаси, Бобур номидаги унинг адабий меросини ўрганиш Халқаро жамғармаси, Имом ал-Бухорий номидаги унинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш Халқаро жамғармаси ишлаб турибди. 1999 йилнинг 6 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармони билан Тошкентда яна бир Халқаро жамғарма — жаҳон табобатига бебаҳо ҳисса қўшган "Ибн Сино" Халқаро жамғармаси тузилди. Мазкур жамғарманинг мақсади шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Сино томонидан инсониятга қолдирилган бой меросни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, халқимизни ва айниқса ёшларни унинг маънавий-маърифий мероси асосида тарбиялаш, чет эл фуқароларини ушбу умумбашарий мерос билан таништириш, инсоний хайрия ишини ўтказиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни фаоллаштиришдир.

Янги Халқаро жамғарма олдида соғлиқни сақлаш тизимини қайта қуришни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, табобат-ижтимоий хайрия ташкилотлари тузиш, катта ёшдаги кишилар учун геронтологик (гернатрик) марказлар очиш, Ибн Сино таълимоти ҳамда ҳозирги замон фани асосида Шарқ (халқ) табобатини ривожлантириш, Ибн Синонинг табобат соҳасидаги илмий-маънавий меросини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказишда мактаблар ҳамда олий ўқув юртлири учун ўқув дас-

турлари ишлаб чиқиш, олимларнинг ушбу йўналишдаги илмий фаолиятини рағбатлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, чет эл олимлари билан алоқалар ўрнатишдан иборат аниқ вазифалар қўйилди.

Жамғарма зиммасига Ибн Сино музейи бунёд этиш вазифаси, буюк олим яшаб, ижод қилган Бухоро шаҳрида Халқаро Ибн Сино ўқишлари ўтказиш топширилди.

## **85. Ўзбекистонда "Хотира ва қадрлаш куни" қачон эълон қилинди?**

— Уруш фахрийлари, қатнашчилари ва ҳалок бўлганлар оилаларининг кўндан-кўп истакларига жавобан, аҳоли хоҳиш-иродаси ва жамоат ташкилотларининг қўллаб-қувватлашини эътиборга олиб иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар ҳамда Ўзбекистон озодлиги ва мустақиллиги учун ўз ҳаётини бахш этган барча ўғлонлар хотирасини абадийлаштиришга катта аҳамият бериб, бутун ҳам сафларимизда туриб, Ватанимиз нуфузини оширишга, ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшаётган барча кишиларга лозим иззат-ҳурматни бажо келтириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 2 мартдаги Фармони билан 9 май "Хотира ва қадрлаш куни" деб эълон қилинди.

Мазкур Фармон билан Тошкент ҳокимиятининг Тошкент шаҳри марказида Хотира майдони барпо этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, барча вилоятлар ҳокимликларига Нукус шаҳрида ва барча вилоятлар марказларида шундай ёдгорликлар барпо этиш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тавсия этилди.

## **86. Ўзбек кураши жаҳонда спортнинг янги тури сифатида қачон тан олинди? Кураш бўйича ким биринчи жаҳон чемпиони бўлди?**

— Ўзбек кураши 1992 йилда дзюдо бўйича Канадада ўтказилган жаҳон чемпионатида ва дзюдо Жаҳон Федерацияси конгрессида биринчи бор тарғиб этила бошлади. Кейин Япония, Ҳиндистон, Буюк Британия, Монакода ўтказилган Халқаро спорт мусобақаларида ўзбек кураши тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Бизнинг миллий кураш чет эл мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди.

1998 йил 6—7 сентябрда Тошкентда ўзбекча кураш бўйича Ўзбекистон Президенти Кубоги учун Биринчи Халқаро турнири ўтказилди, унда 20 дан ортиқ мамлакат спортчилари қатнашди. Уша кунлари Тошкентда кураш бўйича таъсис конгресси ўтказилиб, унда "Кураш" Халқаро ассоциацияси тузилди ҳамда мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов унинг фахрий Президенти этиб сайланди.

Ўзбек кураши бутун спорт оламида спортнинг янги тури сифатида тан олинishi муносабати билан Президент Ислон Каримов 1999 йил 1 февралда „Кураш“ Халқаро ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида“ Фармон чиқарди. Бу фармон курашнинг Ўзбекистондагина эмас, балки бутун дунёда янада кўп тарқалишига кўмак берди.

1999 йилнинг 1 майи ўзбек спортчиларининггина эмас, балки бутун ўзбек халқининг хотирасида сақланиб қолади. Уша куни курашни бутун дунё тан олди. Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати очилди.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатида дунёнинг қарийб 50 мамлакатидан келган спортчилар қатнашди. Гиламга Ўзбекистон, АҚШ, Канада,

Бразилия, Боливия, Чили, Жанубий Африка Республикаси, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Германия, Россия, Туркия, Нидерландия, Латвия, Эрон, Конго каби мамлакат полвонлари тушдилар. Шу пайтгача спортнинг бирон тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларидан биттасида ҳам шунча кўп мамлакат вакиллари қатнашмаган эди.

Юртдошларимиз Т. Муҳаммадиев (90 кг. дан ортиқ вазн тоифасида), К. Муродов (90 кг. гача вазн тоифасида), А. Курбонов (73 кг. гача вазн тоифасида) ўзбекча кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони бўлдилар.

1999 йил 2 майда "Жар" спорт мажмуида голибларни шарафлаш ва чемпионатнинг тантанали ёпилиши бўлиб ўтди.

## **87. Ўзбекистон Миллий матбуот марказининг вазифалари нималардан иборат?**

— Бундай ижтимоий ташкилот республикада биринчи марта тузилди. Республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий жамғармаси унинг таъсис этувчиси бўлди. Миллий матбуот маркази вазифасига Ўзбекистон ва чет эл журналистларига республикада сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ўтказилаётган ислохотлар тўғрисида, жамиятни демократлаштириш, ҳуқуқий давлат барпо қилиш бўйича амалга оширилаётган иш ҳақида, халқимиз ҳаёти, унинг анъаналари тўғрисида, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари ҳақида ҳаққоний ахборот олишда, жаҳонда оммавий ахборот воситаларида содир бўлаётган ҳодиса ва воқеаларни тезкорлик билан ёритиш учун шарт-шароитлар яратишда кўмаклашиш киради.

Марказ ҳозирги замон ускуналари, алоқа восита-

лари, газета-журнал жамғармаси ва ёрдамчи хизматлар билан таъминланган. Миллий матбуот маркази конференциялар, семинарлар, чиқишлар ўтказиш, жамоатчилик вакиллари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, чет эллик меҳмонлар, журналистлар билан учрашиш жойидир, бу ерда ҳозирги ҳаётнинг долзарб масалалари муҳокама қилинади, касбий фаолият муаммолари кўриб чиқилади. Бу ерда матбуот клуби ҳам ишлайди. Унинг қошида стол тенниси учун майдонча, бильярдхона, кафе-бар ташкил этилган бўлиб, бу нарса қалам аҳлига тез-тез кўришиб туриш, бўш вақтни кўнгилли ўтказиш имконини беради.

## **88. „Туркистон-матбуот“ нодавлат ахборот агентлиги қачон ва нима мақсадда тузилган?**

— Ёпиқ турдаги нодавлат ахборот агентлиги бўлган „Туркистон-матбуот“ ҳиссадорлик жамияти Тошкентда 1998 йил 25 сентябрда тузилган. Ҳиссадорларнинг ўша куни бўлиб ўтган йиғилишида агентликнинг устави тасдиқланди, унинг раҳбар ходимлари, кузатув кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси сайланди.

Нодавлат ахборот агентлигининг асосий мақсади мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари билан ахборот олиш имкониятини кучайтириш ҳамда уларни бозор иқтисодиёти ва демократик тамойиллар асосида ислоҳ қилиш, Ўзбекистоннинг ахборот жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаши, шунингдек мамлакатимиз тўғрисидаги ҳолис ахборотни жаҳон бўйлаб тарқатиш соҳасини такомиллаштиришдир.

## **89. Ўзбекистонда энг баланд иншоот қайси?**

— Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёдаги энг баланд иншоот Тошкент телемина-расидир. Унинг баландлиги 375 метр. У Париждаги машҳур Эйфель минорасидан 75 метр баландроқ.

## **90. Ўзбекистон аҳолисидан бирон киши Гиннес китобига киритилганми?**

— Ҳа, киритилган. 1994 йилда Гиннес китобига Успенский номидаги Тошкент мусиқа мактабининг ўқувчиси Даша Солихова киритилган. Бўйи 175 сантиметр бўлган Дашанинг соч ўрими 181 сантиметрдир.

Бугун Даша Солихова билан сайёрамизнинг расман ҳисобга олинган аёл аҳолисидан Киото шаҳрида яшовчи энг узун сочли 24 яшар япон қизигина рақобатлаша олади.

## **91. Тошкентда маорифчилар жамияти қачон тузилган ва унинг мақсади нима?**

— Нодавлат ва нотижорат мустақил ташкилот бўлган маорифчилар жамияти 1999 йил апрелда тузилди. Бу жамият миллий мустақиллик ғоясини чуқур англаган, кенг кўламли маънавий-маърифий ислохотларда фаол қатнашаётган, Ватаннинг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларни бирлаштирган.

Жамиятнинг асосий мақсади кишиларнинг маданий ва маънавий савиясини ошириш, миллий мафкурага хилоф ғояларга қарши курашиш, ҳозирги замон билимлари ҳамда дунёқарашини эгаллаган ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларни ҳурматлаш руҳида тарбиялаш, буюк маорифчиларимизнинг таълим ҳамда тарбия соҳасидаги тажрибасини ривожлантириш, таълим тизимидаги ислохотларда фаол қатнашишдир.

## V. ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА

92. Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг географияси кун сайин кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг давлат ташрифлари бошқа мамлакатлар билан дўстона алоқалар ўрнатишда, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов расмий ташриф билан қайси хорижий давлатларда бўлди?

— 1991 йил 16—19 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошчилигидаги делегация Туркияда бўлди. Ушбу расмий ташриф чоғида икки томонлама турк-ўзбек сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари масалалари кўриб чиқилди.

1992 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Давос (Швейцария) да йиғилган Бутунжаҳон иқтисодий анжумани ишида қатнашиб, шу кунини нутқ сўзлади. 1992 йил 22 февралда Финляндия пойтахти — Хельсинкида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки яқунловчи актини имзолади. Уша йили 12—14 мартда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси Президент Ислам Каримов бошчилигида расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ушбу ташриф чоғида Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ўн бешта муҳим ҳужжат имзоланди. 11—

18 апрелда Ўзбекистон Республикаси делегацияси Президент Ислам Каримов бошчилигида расмий ташриф билан Саудия Арабистонида бўлди. 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўрта Осиё суверен давлатлари бошлиқларининг Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлиб ўтган учрашувида қатнашди. 1992 йил 16—23 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикаси, Малайзия ва Индонезияга ташрифи бўлиб ўтди. 1992 йил 24 июнда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашуви бўлиб ўтди. Улар мустақил республикалар ўртасидаги тарихда биринчи дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳамфикрлик тўғрисидаги Шартномани имзоладилар. 1992 йил 29 июн—1 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Туркияга ташрифи бўлиб ўтди, у ерда Президентимиз „Иқтисодий ҳамкорликнинг Қора денгиз минтақаси: Туркия ва Ўрта Осиё Республикалари“ мавзусидаги Халқаро иқтисодий анжуман кенгаши ишида қатнашди. Уша йили 8—10 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Финляндияга расмий ташрифи бўлиб ўтди. Президентимиз у ерда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши (СБСЕ) ишида қатнашди. 1992 йил 13 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Покистон Ислам Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди, 25—26 августда эса Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Президент Ислам Каримов бошчилигида Украинага расмий ташрифи бўлиб ўтди, ушбу ташриф чоғида Украина ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисидаги, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, 1998 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, иккала мустақил давлатлар



Ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланди. 1992 йил 18—20 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Австрия Республикасига уч кунлик ишчи ташрифи буюрди. 1992 йилнинг 28—31 октябрида Ўзбекистоннинг давлат делегацияси Президент Ислом Каримов бошчилигида Туркияда бўлиб, Туркия Республикаси эълон қилинганлигининг 69 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда, шунингдек туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашида қатнашди. 24—25 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикасига расмий ташриф буюрди, 15—17 декабрда эса унинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

1993 йилнинг 14—15 апрелида Ўзбекистон давлат делегациясининг Туркменистонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги расмий ташрифи бўлиб ўтди. 1993 йил 5 майда мамлакатимиз делегациясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигида Германия Федератив Республикасига қилган расмий ташрифи муваффақиятли тугагани тўғрисидаги хабар эълон қилинди. 1993 йил 8 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Нидерландлар қироллигига расмий ташрифи бошланди. Тўрт кунлик ташриф якунлари бўйича давлатлараро муносабатлар тамойиллари тўғрисидаги Декларация ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Протокол имзоланди. 1998 йил 18 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцарияда бўлиб ўтган „Форум фонд“ Халқаро иқтисодий ташкилотнинг тўртинчи сессиясида сўзлади. 1993 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) аъзолари бўлган мамлакатлар

бошлиқларининг юқори даражада Стамбулда бўлиб ўтган кенгаши ишида қатнашди. 1993 йил 28 июлда Алматида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашуви бўлиб, унда иккала республика ўртасидаги шериклик муносабатларини чуқурлаштиришга оид хужжатлар имзоланди. 1993 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ишчи ташрифи билан Ўш вилоятида бўлиб, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев билан учрашди. Учрашув вақтида давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси иқтисодий саноатини 1994—2000 йилларга мўлжалланган интеграциясини ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар. 1993 йил 26—28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48- сессияси ишида қатнашиб, унда нутқ сўзлади. 1993 йил 27—30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Францияга давлат ташрифи бўлиб ўтди. 1993 йил 10 ноябрда Алматида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг икки мамлакат интеграцион алоқалари ҳамда келишилган иқтисодий сиёсатини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мажмуи бўйича музокаралари бўлиб ўтди. 22—25 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига расмий ишчи ташрифи бўлиб ўтди.

1994 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация амалий ташриф билан Бишкекда бўлди. 1994 йил 27—31 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцарияда бўлиб,

Давосда ўтказилган Бутунжаҳон иқтисодий анжуманининг анъанавий ҳар йилги кенгашида қатнашди. 1994 йил 29—30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов қисқа муддатли ташриф билан Қирғизистон Республикасида бўлиб, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан музокаралар олиб борди. 1994 йил 16—19 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Японияда, 23—24 июнда эса расмий ташриф билан Туркияда бўлди. У ўша йили 18—19 октябрда яна бир ташриф билан Туркияда бўлиб, Стамбулда бўлиб ўтган туркийзабон давлатлар бошлиқлари учрашувида қатнашди. 24—26 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи бўлиб ўтди, 10—11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украинага расмий ташриф буюрди, у ерда Украина Президенти Леонид Кучма билан олиб борилган музокаралар яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Декларация, иккала мамлакатлар ўртасидаги даромад ва мулкка икки ёқлама солиқлар солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон ва Украина ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди. 1994 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг Венгрия пойтахти — Будапештда бўлиб ўтган мажлисида қатнашди.

— 1995 йил 11—12 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Польшада бўлди. 27 январь — 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцария шаҳри Давосда бўлиб ўтган анъанавий

Бугунжаҳон иқтисодий анжуманида қатнашди. 15—17 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди, 3 мартда Президент Ислоҳ Каримов Ўрта Осиё давлатлари бошлиқларининг Орол муаммоларига бағишлаб Туркменистон шаҳри Дошхоузда бўлиб ўтган конференциясида қатнашди. 30—31 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Молдова Республикасига расмий ташриф буюрди, 6—7 июнда давлат ташрифи билан Латвия Республикасида, 7—8 июнда Литва Республикасида бўлди. 1995 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов туркийзабон давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида ҳамда Бишкек шаҳрида қирғиз халқининг улуг дostonи „Манас“ нинг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналарда қатнашди. 22—24 октябрда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси Президент Ислоҳ Каримов бошчилигида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган 50-сессиясида қатнашди. 1995 йил 14—16 ноябрда Ўзбекистон делегацияси Президент Ислоҳ Каримов бошчилигида расмий ташриф билан Германияда бўлди.

1996 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Туркменистонга ишчи ташрифи бўлиб ўтди, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан Чоржўйда олиб борилган музокаралар вақтида иккала мустақил давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган бир қанча давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар тузилди. 1996 йил 2—6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов бошқарган делегацияси Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган Бугунжаҳон иқтисодий анжумани ишида қатнашди. 27—29 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Кари-

мов Вьетнам Социалистик Республикасига расмий ташриф буюрди. 21—24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий ташриф билан Францияда бўлди. Ташриф давомида Ислом Каримов Франция Республикасининг Президенти Жак Ширак билан учрашди, ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг сессияси ишида ҳамда ўзбек халқининг буюк ўғлини Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб, Парижда ўтказилган тadbирларда қатнашди, Лион шаҳрига ташриф буюриб, унинг ишбилармон кишилари билан учрашди. 4 майда Бишкек шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаевнинг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув давомида учала давлат томонидан тузилган ягона иқтисодий макон тўғрисидаги Шартноманинг бажарилиши, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси, сув ва энергетика захираларидан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. 13 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон шаҳри Машҳадда Ўрта Осиё мамлакатларини Форс кўрфази билан энг қисқа йўл воситасида боғлайдиган Машҳад — Серахс — Тажен темир йўлининг тантанали очилиш маросимида қатнашди. 28—29 майда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Грузияга расмий ташриф буюрди, ташриф давомида бир қанча икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Президентлар Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни, молиявий-саноат гуруҳлари тузишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги, ҳаво алоқаси ва ҳамкорлиги ҳамда божхона ишларидаги ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимларни, икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ва даромад ҳамда мулк солиғи тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция-

ни, фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисидаги Шартномани имзоладилар. 20—21 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Италия Республикасига расмий ташриф буюрди. 21—22 июнда Флоренцияда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ҳамда ҳамкорлик тўғрисида битим тузилиб, уни мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов, Италия Вазирлар Кенгашининг раиси ва айни чоғда Европа Иттифоқи Кенгашининг раиси Романо Проди, Европа Иттифоқи аъзолари бўлган 15 та давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари имзоладилар. 1996 йил 23—28 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШда бўлиб, 25 июнда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. 12—14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий ташриф билан Бельгия Қироллигида бўлди. 1996 йил 2—3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (ОБСЕ) аъзолари бўлган давлатлар ҳамда ҳукуматлар бошлиқларининг Лиссабонда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида қатнашди.

1997 йил 14—16 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Чехия Республикасига расмий ташриф буюрди, ушбу ташриф давомида Чехия Республикаси Президенти Вацлав Гавел билан бўлиб ўтган музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон ва Чехия ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди, 16—17 январда Ислон Каримов расмий ташриф билан Словакия Республикасида бўлди, ушбу ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Словакия Президенти Михал Кавич Ўзбе-

кистон Республикаси ҳамда Словакия Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги Шартномани имзоладилар. 28 февралда Алматида Ўрта Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи муаммоларига бағишланган олий даражадаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов "Оролни қутқариш" Халқаро жамғармасининг Президенти этиб тайинланди. Учрашув якунида томонлар Ўрта Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича Алмати декларациясини қабул қилдилар. 31 март — 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Греция Республикасида бўлди. 13—14 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Туркменистон пойтахти — Ашгабадда бўлиб, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) аъзолари бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдан ташқари учрашувида қатнашди. 1997 йил 17—19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикасига расмий ташриф буюрди, ташриф давомида музокаралар якуни бўйича божхона хизмати, сайёҳлик ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик бўйича ўзбек-турк комиссияси тўғрисидаги Протокол имзоланди. 1997 йил 12—13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Қозоғистоннинг янги пойтахти — Остонада бўлди, бу ерда уч мамлакат Президентлари иштирокида Давлатлараро Кенгашнинг мажлиси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги минтақавий ҳамкорлик бўйича амалга оширилаётган иш, шунингдек ўзаро интеграциялаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Учрашувда президентлар учала давлатнинг энергетика ва сув захираларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат, коммуникациялар, минерал-хон

ашё захираларини ўзлаштириш ҳамда қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорциумлар тузишга кўмаклашиш тамойиллари концепциясини маъқулладилар. Ислон Каримов Қозоғистон мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда ҳам қатнашди, унда нутқ сўзлади.

1998 йил 5—6 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Туркменистон пойтахти Ашгабад шаҳрида бўлди, у ерда Ўрта Осиёнинг бешта мустақил давлатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон президентларининг учрашуви бўлиб, унда минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболлари тўғрисида, иқтисодий, ижтимоий-маданий турмушнинг энг муҳим йўналишлари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, шунингдек халқаро ва минтақавий сиёсатнинг ўзаро манфаатли масалалари бўйича кенг доирали фикр алмашиш бўлиб ўтди. Учрашув якунлари бўйича қабул қилинган қўшма баёноғда томонлар узоқ муддатли шерикликка асосланган ҳамда барча бешта давлатлар миллий манфаатларига, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка жавоб берадиган дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни чуқурлаштиришга сўзсиз содиқликларини тасдиқладилар. 1998 йил 18—20 февралда Ўзбекистон Президенти Украинага расмий ташриф буюрди, ташриф давомида расмий делегацияларнинг Ўзбекистон ва Украина президентлари раҳбарлигида бўлиб ўтган музокаралари якуни бўйича дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Шартнома имзоланди, шунингдек идоралараро маслаҳат конвенцияси ҳамда оилавий ва фуқаролик ишларидаги ҳуқуқий ёрдам, атроф муҳит, табиий газ етказиб бериш тўғрисида ўндан ортиқ шартнома ва битимлар имзоланди. 1998 йил 3—7 майда Ўзбекистон Республикаси Пре-



зиденти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин таклифига биноан расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди. Ўзбекистон Президенти ва Россия Президентининг музокаралари натижаси бўйича қўшма-Баёнот, ИЛ-76 МФ ва ИЛ-76 ТФ самолётларини биргаликда яратиш, сериялаб ишлаб чиқариш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек ИЛ-76 ва ИЛ-78 самолётларининг эксплуатация ва модернизация қилинишини таъминлаш ҳамда модификациялаш соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида битим имзоланди. Хужжатларни Ислом Каримов ва Борис Ельцин имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари томонидан ахборот-маданий марказлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг шарт-шароити тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Россия Федерациясидаги ва Россия оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Ўзбекистон Республикасидаги мақоми тўғрисидаги Битимлар имзоланди. 1998 йил 9 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Остонада бўлиб ўтган туркийзабон давлатлар бошлиқларининг V учрашувида қатнашди. Бу учрашувда туркийзабон давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим томонларини акс эттирувчи Декларация қабул қилинди ва минтақалараро алоқаларни чуқурлаштириш, маданий-маънавий ҳамкорликни кучайтириш назарда тутилди. Шунингдек, Покистон ва Ҳиндистон ўтказаяётган ядро синовларига тааллуқли қўшма баёнот ҳам қабул қилинди. 23—25 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Болгария Республикасида бўлди. Болгария Президенти Петр Стоянов билан иккала мамлакат делегациялари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси

Ўртасидаги дўстона алоқалар ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида, маданият, сайёҳлик, савдо-иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида, йўловчилар ва юкларни халқаро автомобиллар воситасида ташиш тўғрисида битимлар, шунингдек транспорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. 1998 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Озарбайжон пойтахти Бокуда Буюк ипак йўлининг қайта тикланишига бағишлаб ўтказилган Халқаро конференция ишида қатнашди. Унда ўттиздан ортиқ мамлакат ва қатор халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашган ушбу конференция якунлари бўйича бир қанча ҳужжатлар, шу жумладан Европа—Кавказ—Осиё транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича асосий кўп томонлама Битим, Боку декларацияси имзоланди. 14—16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов давлат ташрифи билан Исроилга борди. Иккала мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари якуни бўйича Президент Ислон Каримов ва Исроил Бош вазири Бенъямин Нетаньяху икки ёқлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги, даромад ва капитал учун солиқлар тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги, савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни, шунингдек иккала давлат ўртасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик, техник ҳамкорлик, солиқ соҳасидаги ва соғлиқни сақлашдаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти Миллий банки ва Исроилнинг „ИФТРИК“ ташқи савдо суғурта корпорацияси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланди. 16 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов давлат ташрифи билан

Туркманистонда бўлди. Музокаралар давомида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, иккала давлат ўртасида шу вақтгача имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, шунингдек мамлакатларимиз ўртасидаги маънавий-маданий алоқаларни янада кўпроқ чуқурлаштириш масалалари ҳар томонлама муҳокама қилинди. 29 октябрда Туркияда турк халқининг миллий байрами — мамлакат *республика* деб эълон қилинганлигининг 75 йиллиги нишонланди. Бу тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ишгирик эди. Тантаналар ишгирикчилари мамлакат парламентида ташриф буюрдилар, у ерда Каспий денгизи ҳавзаси нефти ва газини ҳамда Ўрта Осиё ер ости бойликларини жаҳон бозорига етказиб бериш тўғрисидаги Анқара декларацияси имзоланди.

1999 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Абдий дўстлик тўғрисидаги Шартнома аъзолари бўлган давлатлар бошлиқларининг Остонада бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида қатнашди. Ушбу мажлис якунлари бўйича „Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги абдий дўстлик тўғрисидаги Шартнома бажарилишининг бориши ҳақида“ ги ҳужжат имзоланди.

1999 йил 8—9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон пойтахти Ашгабадда бўлиб, "Оролни қутқариш" Халқаро жамғармасининг навбатдаги йиғилишида қатнашди.

1999 йил 23—25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларига ташриф билан бориб, Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг НАТО нинг 50 йиллигига бағишланиб ўтказилган тадбирлар доирасида бўлиб ўтган мажлисида қатнашди, АҚШ раҳбар доираларининг вакиллари билан музокаралар олиб борди, халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашди.

### **93. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг қандай фахрий унвонларини ҳамда мукофотларини олган?**

— 1992 йил июнь ойида Сеул шаҳрида Сеул университетининг ректори Соғанг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовга жаҳон фанини ривожлантиришдаги катта ютуқлари учун университетнинг фанлар доктори фахрий унвони дипломини тошпирди. 1992 йил 25 августда Украина Президентини Л. Кравчукнинг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов ўзбек-украин муносабатларини ривожлантириш ишидаги хизматлари учун фахрий нишон билан мукофотланди. 1992 йил 16 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовга Қоҳира Ал-Ахзор университетининг фанлар доктори фахрий унвони берилди. Университетнинг Илмий кенгаши ислом динини муҳофаза қилишдаги ва мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Ислом Каримовни ушбу унвонга сазовор этди. 1993 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов америка-ўзбек муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшганлиги учун Американинг Нью-Жерси штатининг фахрий фуқароси этиб сайланди. 1994 йил 16 январда „Руҳоният“ маънавиятни қайта тиклашга кўмаклашиш ассоциациясининг Президентини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовга Бишкекда Ўрта Осиё халқлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга қўшган катта ҳиссаси учун „Тинчлик ва халқлар ўртасидаги тотувлик учун“ Халқаро мукофотини тошпирди. 1995 йил 15—17 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ис-

лом Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлганида унга икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Корея Республикасининг энг олий мукофоти — „Мугунхва“ Катта ордени топширилди. 1996 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қайта қуришдан кейинги фавқулодда мураккаб сиёсий вазиятда Ўзбекистонда тинчликни сақлаш ва миллатлараро низоларнинг олдини олиш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун Халқаро фанлар, таълим, индустрия ва санъат Академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди. Халқаро фанлар, таълим, индустрия ва санъат Академияси турли мамлакатлар вакиллари томонидан АҚШнинг Калифорния штатида ташкил этилган бўлиб, Европа, Осиё ва Америка халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни яхшилаш мақсадини кўзлайди. Ислон Каримов мазкур Академиянинг Ўрта Осиёда биринчи бўлиб фахрий аъзоси бўлди. 1996 йил 6 февралда Халқаро олимпия қўмитасининг штаб-квартираси жойлашган Швейцария шаҳри Лозаннада Олимпия ҳаракати ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга „Олтин Олимпия ордени“ни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

1996 йил 27—28 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Озарбайжон Республикасида бўлди. Боку давлат университетида бўлганида Ислон Каримовга университетнинг *фахрий доктори* унвони берилганлиги тўғрисидаги диплом топширилди.

1996 йил 29 майда Бугунжаҳон ақлий мулк ташкилотининг (ВОИС) Бош директори Арпад Богш Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга унинг илмий ва технологик ихтирочилик фаолиятига кўмаклашишга қўшган улкан ҳамда ижодий шахсий ҳиссаси, шунингдек мамлака-

тимизнинг ВОИС билан ҳамкорлиги учун Бутунжаҳон ақлий мулк ташкилотининг Олтин медалини тошпирди.

1997 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда барқарорлаштириш соҳасидаги хизматлари учун Греция раҳбарияти томонидан „Халоскор“ ордени билан мукофотланди.

1997 йил 15 майда Тошкентда Осиё Олимпия кенгашининг Президенти шайх Аҳмад ас-Сабох Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга олимпия ҳаракати ва миллий спортни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Осиё Олимпия кенгашининг Олтин медалини тантанали равишда топширди.

1997 йил 2—3 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлганида ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш чоғида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев тантанали вазиятда Ислом Каримовга Қозоғистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ ҳамда ўзаро ишончни, иқтисодиёт ва мудофаа соҳасидаги ўзаро манфаатли давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган улкан шахсий ҳиссаси, Ўрта Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга муттасил интиланлиги учун Қозоғистоннинг олий мукофоти — „Алтин қиран“ („Олтин бургут“) орденини топширди.

1998 йил 26 январда Тошкентда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг Президенти Виталий Видяпин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Академиянинг фахрий доктори дипломи ва хотира медалини топширди. Давлатимизнинг бошлиғи Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий Академиясининг бу юксак

фахрий унвонига Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг ижобий натижалари ва илмий хизматлари туфайли сазовор бўлди.

1998 йил 3 февралда Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг архиепископи Владимир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга тинчликни мустаҳкамлаш ишидаги катта хизматлари учун Рус православ черковининг биринчи даражали „Иzzатли Даниил Московский“ олий орденини топширди.

1998 йил 18—20 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий тапшиф билан Украинада бўлди. 18 февралда Киевда Украина Президенти Леонид Кучма Ислом Каримовга биринчи даражали „Ярослав Мудрий“ орденини топширди. Давлатимизнинг раҳбари бу юксак мукофотга Украина ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги давлатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги, дўстликни мустаҳкамлашдаги улкан шахсий хизматлари учун сазовор бўлган эди.

1998 йилнинг сентябрида Тошкентда кураш бўйича таъсис конгресси бўлиб ўтди, унда Халқаро Кураш ассоциацияси тузилиб, давлатимизнинг бошлиғи Ислом Каримов унинг фахрий Президенти этиб сайланди.

1998 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган 155-сессияси мажлисида ЮНЕСКО нинг Бош директори Федерико Майор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга шу ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги Олтин медалини топширди. Давлатимизнинг бошлиғи бу мукофотга инсондаги юксак орзуларни шарафлагани, маданий қадриятларни асрашдаги, илмий меросни ўрганишдаги хизматлари туфайли сазовор бўлди.

1998 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов авиация ва авиация

саноатини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси туфайли Россия Федерацияси авиация ва ҳавода учиб фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси (академиги) этиб сайланди.

1999 йил 12 апрелда олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг Президенти В.Шукшунов Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ушбу академиянинг фахрий аъзолиги дипломини топширди. Ислом Каримов президиуми Москвада жойлашган олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзолигига шу йилнинг 31 мартда мамлакатда фан ва таълимни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун, хусусан, ўзи кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг ташкилотчиси ва ташаббускори бўлганлиги учун сайланган эди.

1999 йил 19 апрелда Тошкентда Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг Бош қотиби Франческо Франжиалли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Буюк ипак йўлини қайта тиклаш тўғрисидаги ғояси, ушбу қадимий йўл бўйлаб ўтадиган сайёҳлик йўналишининг халқаро лойиҳасини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг олий мукофотини топширди.

1999 йил 24 майда ҳаваскорлик кураши Халқаро федерациясининг (ФИЛА) мамлакатимизга келган Бош қотиби Мишель Дюссон Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга федерациянинг олий мукофоти — „Олтин маржон“ ни топширди. Бу мукофот давлатимиз бошлиғига мамлакатимизда спортни ва умуман жаҳон спортини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун берилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳон давлатлари бошлиқлари орасида ушбу олий мукофотнинг биринчи соҳиби бўлди.



## 94. Ўзбекистонда қайси хорижий давлатлар ўз саноат маҳсулотларини намойиш қилдилар?

—1991 йил сентябрда Тошкентда Ҳиндистоннинг савдо кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада ушбу мамлакатнинг 65 та фирма ва компаниялари маҳсулоти намойиш қилинди.

Ўша йили ноябрда Тошкентда Бангладеш Халқ Республикасининг халқ истеъмоли товарлари кўргазмаси бўлиб ўтди, унда ушбу мамлакат 25 фирмасининг маҳсулоти намойиш қилинди, шунингдек совет-ҳинд „Юнтех интернешнл“ корхонаси ва Германиянинг „Оптима“ фирмасининг товарлари ҳамда хизматлари намойиш қилинди.

1992 йил апрелда Самарқандда „Интер Азия—92“ Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди, унда Афғонистон, Корея, Хитой, Япония, МДҲ республикаларининг 30 га яқин давлат, қўшма ва хусусий корхона ҳамда фирмалари ўз маҳсулотини намойиш қилди.

1992 йил 30 июлда Тошкентда Хитойнинг халқ истеъмоли товарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада Хитойнинг 15 та вилоятидаги 60 дан ортиқ фирмалар ва компаниялар томонидан тайёрланган ўн мингдан кўпроқ номдаги товарлар намойиш қилинди.

1992 йил 3—9 декабрда Тошкентда Туркиянинг Ўзбекистонда биринчи экспорт товарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада юздан ортиқ турк давлат ва хусусий фирмалари маҳсулоти намуналари намойиш қилинди.

1992 йил 11—21 декабрда Тошкентда КХДР амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада қамиш, чиғаноқ, похолпоя, садафдан ясалган буюмлар, Корея халқ анъаналари руҳида бажарилган ёрқин лок миниатюралари намойиш қилинди.

1992 йил декабрда Тошкентда Халқаро табобат кўргазмаси бўлиб ўтди, унда Германия, АҚШ, Япония, Туркия, Австрия ва бошқа мамлакатларнинг

20 та етакчи концерн ва фирмаларининг маҳсулоти бир ҳафта намоиш қилинди.

1993 йил март ойида Тошкентда Жанубий Корея „Голд стар“ фирмасининг товарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди. Бу фирма маиший электроника, компьютерлар, маҳкама автомат ускуналари, шунингдек саноат ва турмушда ишлатиладиган товарларнинг халқаро етакчи ишлаб чиқарувчиларидан биридир.

1993 йил 15 августда Тошкентда Эрон Ислом Республикасининг саноат-тижорат кўрғазмаси очилди. 1993 йил октябрида Тошкентда „Тошкент—93“ Халқаро кўрғазмаси бўлиб ўтди, унда Осиё—Тинч океан минтақаси мамлакатларининг кенг истеъмол маҳсулотлари, енгил саноат буюмлари намоиш қилинди. 2—7 ноябрда Тошкентда „Компьютер—Марказий Осиё“ технологияси кўрғазмаси бўлиб ўтди. Унда компьютерлар ишлаб чиқарадиган 30 дан ортиқ, шу жумладан Япония, Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур фирмалари қатнашди. 27 ноябрда Тошкентда Покистон фирмаларининг халқ истеъмол товарлари кўрғазмаси очилди. 10 декабрда Тошкентда Халқаро қурилиш материаллари ва технологиялари ускуналари кўрғазмаси очилди.

1994 йил март ойида Тошкентда Ўзбекистонда биринчи энг янги техника ва технология „Инновация—94“ Халқаро кўрғазмаси бўлиб ўтди. 25—29 майда Тошкентда Халқаро модалар кўрғазмаси бўлиб ўтди. 4—12 июнда Тошкентда Греция товарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди, унда 34 та грек фирмаси ўз маҳсулотини намоиш қилди. 5—8 июнда Тошкентда „Халқ истеъмоли товарлари—94“ деган Халқаро кўрғазма-сотув бўлиб ўтди, унда Германия, Италия, Бельгия, Голландия, Кипр, Покистон фирмалари қатнашди. 1994 йил 5 июлда Тошкентда Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян — Уйғур мухтор туманининг халқ истеъмол товарлари кўрғазмаси очилди. 25—31 августда Тошкентда таниқли немис фирмаси

„АЕГ“ нинг электр асбоблари кўрғазмаси бўлиб ўтди. 27—30 сентябрда Тошкентда „Табобат—94“ Халқаро кўрғазмаси бўлиб ўтди. 18—23 сентябрда Тошкентда жаҳоннинг етакчи компьютер техникаси, алоқа дастурий таъминот воситалари, нусха кўчириш ускунаси, уларни ишлаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистондаги минтақавий бизнес-шериклари кўрғазмаси бўлиб ўтди.

24—28 октябрда Тошкентда „Тошкент—94“ деган табобат ускунаси ва фармацевтика маҳсулоти кўрғазмаси бўлиб ўтди. Ўша кунлари Тошкентда „Пахта, шпак, жун—94“ деган Халқаро ихтисослаштирилган кўрғазма ўтказилди. 8—18 ноябрда Тошкентда Покистоннинг „Рехан Брезерс“ фирмаси томонидан ташкил этилган халқ истеъмоли маҳсулотларининг сотув-кўрғазмаси бўлиб ўтди. 1994 йил ноябрида Самарқандда „Карвон—94“ деган Халқаро савдо кўрғазмаси бўлиб ўтди, унда жаҳоннинг 30 дан ортиқ давлатлари фирмалари ва корпорацияларининг маҳсулоти намойиш этилди.

1995 йил 1—15 февралда Тошкентда Покистон товарларининг сотув-кўрғазмаси бўлиб ўтди. 10—13 апрелда Тошкентда „Табобат ва соғлиқ—95“ деган Халқаро кўрғазма бўлиб ўтди, унда 25 мамлакатнинг табобат ускунаси ҳамда фармацевтика маҳсулоти ишлаб чиқарувчи фирма ва компаниялари қатнашди. 7—8 сентябрда Тошкентда Германиянинг саноат маҳсулоти кўрғазмаси бўлиб ўтди. 14 сентябрда Тошкентда Ҳиндистоннинг савдо-саноат кўрғазмаси бўлиб ўтди. 21 сентябрда Тошкентда 85 та етказиб берувчи ва ишлаб чиқарувчи ҳинд фирмаларининг товарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди. Сентябрьда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро савдо-саноат кўрғазмасида 11 та мамлакатнинг 130 та фирмаси ўз маҳсулотини намойиш қилди. 24—26 октябрда Тошкентда Латвия товарлари ва хизматлари кўрғазмаси бўлиб ўтди. 15—18 ноябрда Тошкентда Россия компьютер

компанияси „Эр-стаил“ маҳсулотининг кўрғазмаси бўлиб ўтди. Ноябрь ойида Тошкентда „Молдова ҳам-корликка таклиф этади“ деган кўрғазма ўтказилиб, унда Молдова Республикасининг 50 га яқин корхона ва фирмалари қатнашди. 4—8 декабрда Тошкентда таниқли „Венгрия — сизнинг шеригингиз“ деган венгр фирмалари товарларининг кўрғазмаси ўтказилди. 13 декабрда Тошкентда Литва енгил саноати товарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди.

1996 йил 1—4 апрелда Тошкентда „Соғлиқни сақлаш —96“ деган Иккинчи халқаро кўрғазма бўлиб ўтди. Кўрғазмада дунёнинг 22 мамлакатидан 150 дан ортиқ фирмаларнинг таъбобат ускунаси ва фармацевтика маҳсулоти намойиш қилинди. Апрель ойида Тошкентда тўқимачилик ва чарм саноатининг „Осиё, тўқимачилик, чарм—96“ деган биринчи Халқаро кўрғазмаси бўлиб, унда Австрия, Хитой, Чехия, Франция, Германия, Буюк Британия, Италия, Япония, Литва, Канада, Россия, Швейцария, Туркия ва Ўзбекистоннинг 80 га яқин фирмалари қатнашди. 17 майда Тошкентда Шаржа Амирлиги (Бирлашган Араб Амирликлари) нинг экспорт товарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада ушбу мамлакат 18 та корхона ва фирмаларининг товарлари — чой, автомашиналар, сантехника ускунаси, салқин ичимликлар ва бошқа кўп маҳсулоти намойиш қилинди. Ўша йили май ойида Тошкентда қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ва қadoқлаш технологиялари кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларининг 85 та фирмаси ўз маҳсулотини намойиш қилди. 10—15 июнда Тошкентда Польшанинг энг йирик компанияси „Будимэкс“ нинг саноат маҳсулоти кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада қурилишда қўлланиладиган янги технологиялар, ишлатиладиган материаллар, электр, сантехника ускуналари, шунингдек маҳкама мебели намойиш қилинди. 19 июлда Тошкентда Эрон Ислом

Республикаси Мозандарон вилоятининг савдо-саноат кўргазмаси очилди. Кўргазмада бу мамлакатнинг 80 дан ортиқ саноат ва савдо фирмалари ўз маҳсулотини намойиш қилди. 25—31 августда Тошкентда Йорданиянинг асосий саноат компаниялари иштироқида биринчи Йордания саноат кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўша ойда Тошкентда Вьетнамнинг халқ истеъмоли товарлари кўргазмаси ўтказилди. 4—8 ноябрда Тошкентда халқ истеъмол товарларининг Иккинчи халқаро кўргазмаси ўтказилиб, унда дунёнинг 25 мамлакатидан бўлган 60 та хорижий фирма ва компаниялар ўз маҳсулотини намойиш қилди.

1997 йил 29—30 мартда Тошкентда индонез товарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. 8—11 апрелда „Соғлиқни сақлаш — 97“ Учинчи Тошкент халқаро кўргазмаси ўтказилиб, унда жаҳоннинг юздан ортиқ фирмаларининг табобат техникаси, фармацевтика соҳасидаги ютуқлари, косметика аппаратлари ва воситалари намойиш қилинди. 22—25 апрелда Тошкентда қишлоқ хўжалик маҳсулоти, озиқ-овқат саноати ва қadoқлаш буюмларининг Иккинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. 15 майда Тошкентда Бангладеш Халқ Республикасининг савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. 21—23 майда Тошкентда биринчи „Нефть ва газ—97“ халқаро кўргазмаси ўтказилиб, унда дунёнинг 30 мамлакатидан юзга яқин ихтисослашган компаниялар маҳсулотлари намойиш қилинди. 11—14 сентябрда Тошкентда озиқ-овқат маҳсулотларининг биринчи Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатлари, шу жумладан АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Италия, Ҳиндистон, Россия, Испания, Япония, Швейцария, Франция, Туркия, Бельгиянинг етакчи фирмалари ва ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулоти намойиш қилинди. 22—25 сентябрда Тошкентда учинчи „Ай-Тн-Эф — Ўзбекистон — 97— Технология ва маҳсулот“ Халқаро савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада 20 та мамла-

катнинг юзга яқин йирик компаниялари ва фирмалари маҳсулотининг намуналари намойиш қилинди. 7—10 октябрда Тошкентда Англиянинг 28 та компанияси маҳсулотларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. 14—19 октябрда Тошкентда „Араб дунёси ва Ўзбекистон — тараққиёт йўлидаги шериклар“ деган Халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Кўргазмада Саудия Арабистони Қироллиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Миср, Баҳрайн ва Уммоннинг 45 дан ортиқ энг йирик фирмалари ўз маҳсулотини намойиш қилди.

1998 йил 10—13 мартда Тошкентда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, озиқ-овқат саноати ва қadoқлаш технологиялари Учинчи халқаро кўргазмасида ўнга яқин мамлакатлар фирмалари ҳамда компаниялари қатнашди. 6—9 апрелда Тошкентда Тўртинчи „Соғлиқни сақлаш — 98“ халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада 20 мамлакатнинг юзга яқин фармацевтика фирмалари ва компаниялари ўз буюмларини намойиш қилдилар. 19—21 майда Тошкентда иккинчи Ўзбекистон Халқаро кўргазмаси „Нефть ва газ—98“ ҳамда „ЎЗМИН— 98“ бўлиб ўтди. 28—31 майда Тошкентда бўлиб ўтган Араб савдо кўргазмасида Бирлашган Араб Амирликларининг 50 дан ортиқ фирмалари ўз товарларини намойиш қилдилар. Май ойида Тошкентда Япония корпорацияси „Ризо катаки корпоратъен“ томонидан чиқарилаётган энг замонавий кўпайтириш аппаратлари ва ускунасининг тақсимоти бўлиб ўтди. Май ойида Тошкентда Фарбий Европа, МДХ, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг корхоналари ва етакчи фирмалари томонидан ишлаб чиқарилаётган суюқлик, газ, буғ, иссиқлик ҳамда электр қувватининг сарфи ва миқдорини ўлчашнинг турли хил воситалари кўргазмаси бўлиб ўтди. 24—27 августда Тошкентда „Халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш минитехнологиялари ҳамда ихчам ускуналари“ деган

халқаро кўргазма бўлиб ўтди. 15—18 сентябрда Тошкентда „Марказий Осиё Тўқимачилик, Чарм“ Халқаро кўргазмаси ўтказилди. 15—18 сентябрда Тошкентда уй учун қурилиш индустрияси ва маиший техника материаллари, интерьер ҳамда товарлар Иккинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Сентябрь ойида Тошкентда товар-хом ашё биржасининг кўргазмалар залида ахборот ва алоқа йўлларига оид технологиялар соҳасида ихтисослашаётган „Сяменс Никсдорф“ фирмаси маҳсулотининг кўргазма-тақдимоти бўлиб ўтди. 10—13 ноябрда Тошкентда истеъмол товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат саноати учун ускуна Халқаро кўргазмаси ўтказилди. Унда дунёнинг 15 та мамлакатидан 40 га яқин компаниялар қатнашди. 11—13 ноябрда Қаршида „Халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш бўйича кичик ускуна ҳамда кичик технологиялар“ Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

## **95. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз маҳсулотларини қайси кўргазмалар ва ярмаркаларда намойиш қилди?**

— 1993 йил 6 августда Жанубий Корея шаҳри Тэчжонда Ўзбекистоннинг кумуш медаль билан тақдирланган экспозицияси намойиш этилган Халқаро „Экспо — 93“ кўргазмаси очилди. 1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Стамбулда бўлиб ўтган Евросиё саноат кўргазмасида қатнашди. Уша йил октябрида Францияда „Фариборо — 94“ Халқаро авиация кўргазмасида ва Ле-Буржедаги авиация саломида Ўзбекистонда тайёрланган авиация техникаси намойиш этилди. Кўргазмада В.П.Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти бўлган ИЛ-114, ИЛ-76 МБ самолётлари намойиш этилди.

1997 йил май ойида Новосибирскда бўлиб ўтган еттинчи „Автосиб — 97“ Халқаро кўрғазмасида „ЎздЭУ авто“ ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган „Нексия“, „Тико“, „Дамас“ автомобилларининг юқори баҳоланганлиги учун кўрғазма ташкилот кўмитасининг катта олтин медали ва дипломи топширилди, шу йилнинг июнь ойида Париж яқинида жойлашган Ле-Буржедаги авиасалонда эса ўзбек самолётсозлари янги—ИЛ-76 МФ ва ИЛ-114 Т самолётларини намойиш қилдилар. 1997 йил октябрда Туркиянинг Анталья шаҳрида бўлиб ўтган ўрмоншунослар XI Бугунжаҳон конгрессига мўлжалланган махсус кўрғазмада Ўзбекистон ўрмоншуносларининг маҳсулоти кенг намойиш этилди. 1997 йил декабрда Тошкент самолётсозлари авиация ва денгиз техникаси „Лима—97“ Халқаро кўрғазмасида қатнашдилар ҳамда авиасалонда ҳам, намойиш парвозларида ҳам йўловчилар лайнери „ИЛ-114“ ни ва юк самолёти „ИЛ-76 ТД“ ни кўрсатдилар.

1998 йил март ойида Берлинда Халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Бу ярмаркада мамлакатимиздан „Ўзбектуризм“, „Ўзбекистон ҳаво йўллари“ авиация компанияси ва бир қанча бошқа компаниялар ҳамда фирмалар вакиллик қилдилар. Ўша ойда Женевада бўлиб ўтган ихтиролар, янги технологиялар ва маҳсулотлар Халқаро кўрғазмасида Ўзбекистон ўзининг ўнга илмий техник ишланмаларини намойиш қилди ва уларнинг ҳаммаси нуфузли медалларга сазовор бўлди.

„Ўзрагметеш НИИ“, („УзНИИ процветмет“) институтида яратилган мисмолибден концентратини бўлиш технологияси соҳасидаги ишлама кумуш медалга сазовор бўлди. Шундай мукофот Тошкент илмий-тадқиқот институти — „Водгео“ да ишлаб чиқилган оқар сувларни цианидлардан тозалаш технологияси учун ҳам берилди.



1998 йил июль ойида бўлиб ўтган „Петербург ароқ ва винолар ярмаркаси—98“ деб аталган Халқаро кўрғазмада Ховренко номидаги „Самарқанд винкомбинати“ АООТнинг маҳсулоти бешта мукофотга сазовор бўлди. „Ўзбекистон“ маркали ширин виноси ва „Самарқанд“ бальзами олтин медалларга, „Гулякандоз“ маркали виноси ва „Шер-Дор“ коньяги кумуш медалларга, „Самарқанд“ коньяги бронза медалга сазовор бўлди.

1998 йил сентябрь ойида Мисрнинг Қоҳира шаҳрида „Сахро—98“ Халқаро кўрғазмаси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлигининг етакчи корхоналари бўлган „Тошқишлоқмаш“ трактор заводи ва бошқа заводлар қатнашди. Ўша йили сентябрь ойида Москвада бўлиб ўтган „Гурман—98“ Халқаро кўрғазма-ярмаркасидаги „Табий шарбатлар“ бўлимида „Андижон дурдонаси“ кўшма корхонасининг усталари шафтоли, ўрик ва олхўри шарбатлари учун, шаҳрисабзлик усталар эса олма шарбатлари учун олтин медал ва фахрий унвонга сазовор бўлдилар. Қашқадарёликлар ўзларининг томат шарбатлари учун кумуш медал билан мукофотландилар. „Ўзсабзавиниш“, „Узовошвинпром—холдинг“ вакили бўлган ўзбек командаси „Ўзбек шампани“ учун олтин медалга, „Ўйноқи (Игростое) шампан“ учун эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўша йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Бельгиянинг Брюгге, Кортрейк ва Гент шаҳарларида халқ усталари буюмларининг Халқаро кўрғазмалари бўлиб ўтди, уларда Ўзбекистон усталари яратган буюмлар юқори баҳо олди.

1999 йил февраль ойида Деҳлида Ҳинд саноати конфедерацияси томонидан ташкил этилган Халқаро кўрғазма бўлиб ўтди, унда „Ўзавтосаноат“ корпорацияси қатнашди. Ўзбек машинасозлари бу ерда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиб бораётган янги тармоғини намойиш қилдилар.

Шу йилнинг февраль ойида Берлинда „Яшил ҳафта — 99“ Халқаро кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада дунёнинг 57 мамлакатлари қаторида Ўзбекистон ҳам қатнашди. Унинг экспозицияси республика деҳқончилик мажмуаси ва озиқ-овқат саноатининг кенг экспорт имкониятларини очиб берарди.

## **96. Ўзбекистоннинг қайси шаҳарлари хорижий мамлакатлар билан тўғри ҳаво йўли алоқасига эга?**

Тошкент, Самарқанд, Нукус хорижий мамлакатлар билан ҳаво йўли алоқасига эгадир.

Урганчнинг „Хива“ аэропорти Япония, Туркия ва Германия мутахассислари лойиҳасига кўра қайта қурилгандан кейин 1999 йили бу ерда Боку, Минерал сувлар ва Волгоградга, шунингдек Деҳли, Стамбул ҳамда Шаржага самолётлар уча бошлади.

## **97. Халқаро валюта жамғармаси нима ва Ўзбекистон Республикаси қачон унинг аъзоси бўлган?**

— Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳукуматлараро ихтисослашган муассасасидир. Жамғармага 1944 йилда асос солинган бўлиб, у 1946 йилдан ишлай бошлаган, унинг қароргоҳи Вашингтон шаҳридадир.

Халқаро валюта жамғармасининг мақсади аъзо бўлган мамлакатлар валюта-молиявий сиёсатини мувофиқлаштириш ва тўлов балансларини тартибга солиш ҳамда валюта курсларини қўллаб-қувватлаш учун ўрта муддатли валюта қарзлари беришдир.

ХВЖга кирган мамлакатлар бирон-бир шартларсиз ва чеклашларсиз (квота) норманинг 25 фоизи доирасида чет эл валютаси олишга ҳақлидирлар. Ушбу суммадан ортиқ қарзлар бериш жамғарма тавсия-

ларини бажариш билан шартланади. Маблағлар жамғарма томонидан чет эл валютасини миллий валютага алмаштириб сотиш йўли билан берилади, қарзларни узиш акс тартибда амалга оширилади. Кредитлар муддати беш йилдан ошмайди, воситачилик ҳақлари 0,5 фоиз миқдоридан тўланади. Жамғарма соҳасига аъзо мамлакатлар валюталари тенгликлари ва қийматларининг ўзгариши билан боғлиқ масалалар ҳам киради.

Халқаро валюта жамғармасининг сармояси аъзо давлатлар бадаллари (меъёрлари) дан ҳосил бўлади. Миқдори мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги роли ҳисобга олинган ҳолда белгиланадиган бадалнинг 25 фоизи олтин баҳосида ёки АҚШ долларидан, қолган қисми миллий валютада тўланади. Энг йирик бадалларга АҚШ, Буюк Британия, ФРГ, Франция, Япония эгадир.

Юздан ортиқ мамлакатлар Халқаро валюта жамғармасининг аъзосидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта жамғармасига 1992 йилнинг апрелида аъзо бўлган.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта жамғармасида, Қайта тузиш ва ривожлантириш Халқаро банкида, Халқаро молиявий корпорацияда, Инвестициялар кафолатларининг кўп томонлама агентлигида аъзо экани тўғрисидаги махсус Қонуни қабул қилинган.

## **98. Ўзбекистон "Жиноят полицияси" Халқаро ташкилоти (Интерпол)га қачон аъзо бўлган?**

— 1994 йилнинг октябрида Интерполнинг Италияда бўлиб ўтган 63-Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси ушбу Халқаро ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинган.

Тез орада ҳукумат қарорига биноан Ўзбекистон Республикасида Интерполнинг Миллий марказий

бюроси (ММБ) ташкил этилди. Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг миллий қонунлар ҳамда инсон ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилган ҳолда Интерполга аъзо мамлакатларининг ўхшаш органлари билан ўзаро ҳаракатини таъминлаш ушбу бюронинг асосий вазифасидир.

Интерполнинг миллий марказий бюроси халқаро жинойтга қарши кураш масалалари бўйича расмий ва махфий (тезкор-қидирув) ахборот алмашишни таъминлайди, асосан иқтисодиёт ҳамда молия соҳасида халқаро хусусиятдаги жинойтларни очиш билан шуғулланади, автотранспорт, маданий қадриятлар ва антиқий ашёларга тажовуз, гиёҳванд моддалар, ўқотар курол, қалбаки пул ҳамда ҳужжатлар ясаш билан боғлиқ жинойтларга қарши курашни амалга оширади.

”Жиноят полицияси“нинг Халқаро ташкилоти (Интерпол) билан ҳамкорлик қилиш, унинг жинойтчиликка қарши курашда орттирган бой тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш Ўзбекистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига амалий фаолиятни такомиллаштириш, ҳозирги замон талабларининг сифат жиҳатдан янги даражасига кўтарилиш имконини беради.

## **99. Мамлакатимизда қайси давлатларнинг элчихоналари ва ваколатхоналари очилган?**

1. Америка Қўшма Штатлари
2. Афғонистон Ислом Республикаси
3. Бангладеш Халқ Республикаси
4. Беларусь Республикаси
5. Болгария Республикаси
6. Буюк Британия
7. Ватикан
8. Вьетнам Социалистик Республикаси
9. Германия
10. Грузия Республикаси

11. Жазоир Халқ Демократик Республикаси
12. Исроил давлати
13. Индонезия Республикаси
14. Иордания Хошимийлар Қироллиги
15. Италия Республикаси
16. Корея Республикаси
17. Корея Халқ Демократик Республикаси
18. Латвия Республикаси
19. Миср Араб Республикаси
20. Малайзия
21. Молдова Республикаси
22. Озарбайжон Республикаси
23. Покистон Ислом Республикаси
24. Польша Республикаси
25. Россия Федерацияси
26. Руминия
27. Саудия Арабистони Подшолиги
28. Словакия Республикаси
29. Тожикистон Республикаси
30. Туркия Жумҳурияти
31. Туркменистон
32. Украина Республикаси
33. Фаластин
34. Франция Республикаси
35. Хитой Халқ Республикаси
36. Чехия Республикаси
37. Швейцария Конфедерацияси
38. Эрон Ислом Республикаси
39. Югославия Иттифоқ Республикаси
40. Япония
41. Қирғизистон Республикаси
42. Қозоғистон Республикаси
43. Ҳиндистон Республикаси
44. Венгрия савдо ваколатхонаси
45. Валлония савдо ваколатхонаси, Бельгия
46. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
47. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти

48. Қизил Хоч
49. Жаҳон банки
50. Халқаро валюта фонди
51. Европа тикланиш ва тараққиёт банки
52. Осиё тараққиёт банки
53. Жанубий Африка Республикаси фахрий консули
54. Греция фахрий консули
55. Испания фахрий консули
56. Канада фахрий консули

## **100. Қайси мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ва ваколатхоналари очилган?**

1. Австрия Республикаси
2. Америка Қўшма Штатлари (Канадада ўриндошлик асосида)
3. Бельгия Қироллиги (Люксембург ва Голландияда ўриндошлик асосида)
4. Буюк Британия
5. Германия Федератив Республикаси
6. Индонезия Республикаси (Вьетнамда ўриндошлик асосида)
7. Корея Республикаси
8. Латвия Республикаси
9. Миср Араб Республикаси (Жазоир ва Иорданияда ўриндошлик асосида)
10. Озарбайжон Республикаси
11. Покистон Ислом Республикаси
12. Россия Федерацияси
13. Саудия Арабистони Подшолиги (Кувайт ва Бахрайнда ўриндошлик асосида)
14. Туркия Жумҳурияти
15. Туркманистон
16. Украина Республикаси
17. Франция Республикаси

18. Хитой Халқ Республикаси
19. Эрон Ислом Республикаси
20. Исроил давлати
21. Италия Республикаси
22. Япония
23. Қирғизистон Республикаси
24. Қозоғистон Республикаси
25. Ҳиндистон Республикаси

**Ўзбекистон Республикасининг хориждаги  
Бош консулхоналари**

1. Германия Федератив Республикаси
2. Покистон Ислом Республикаси
3. Саудия Арабистони Подшолиги
4. Таиланд Қироллиги
5. Туркия Жумҳурияси
6. Бирлашган Араб Амирликлари
7. Америка Қўшма Штатлари
8. Греция Республикаси
9. Бангладеш Халқ Республикаси
10. Нидерландлар Қироллиги

**Ўзбекистон Республикасининг хориждаги  
ваколатхоналари**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
2. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти
3. Европа Ҳамжамияти
4. Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти

18. Хитой Халқ Республикаси
19. Эрон Ислом Республикаси
20. Исроил давлати
21. Италия Республикаси
22. Япония
23. Қирғизистон Республикаси
24. Қозоғистон Республикаси
25. Ҳиндистон Республикаси

**Ўзбекистон Республикасининг хориждаги  
Бош консулхоналари**

1. Германия Федератив Республикаси
2. Покистон Ислом Республикаси
3. Саудия Арабистони Подшолиги
4. Таиланд Қироллиги
5. Туркия Жумҳурияти
6. Бирлашган Араб Амирликлари
7. Америка Қўшма Штатлари
8. Греция Республикаси
9. Бангладеш Халқ Республикаси
10. Нидерландлар Қироллиги

**Ўзбекистон Республикасининг хориждаги  
ваколатхоналари**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
2. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти
3. Европа Ҳамжамияти
4. Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти



## МУНДАРИЖА

### I. ТАРИХ. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТУЗИЛИШИ

1. Ўзбекистон Республикаси олий ҳокимият органи бўлмиш Олий Мажлиснинг биринчи сессияси қачон бўлган? Унинг биринчи чақириқ ўн бешинчи, сўнгги сессиясида қандай қонунлар қабул қилинган эди? ..... 3
2. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими қандай? ..... 4
3. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг биринчи сессияси қачон бўлиб ўтди? . 5
4. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг қандай субъекти ҳисобланади? ..... 6
5. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий конституциявий тамойиллари қандай? ..... 6
6. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги нишонланди. Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида шу давр мобайнида нималар қилинди? ..... 6
7. Ўзбекистонда фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришининг қандай органлари амал қилмоқда ва улар фаолиятини ривожлантириш учун нималар қилинмоқда? ..... 8
8. Ўзбекистон Республикасининг судлар томонидан ҳукм қилинган фуқароларини ким афв этади? ..... 11
9. Ўзбекистонда қандай диний ташкилотлар мавжуд ва давлатнинг улар фаолиятига муносабати ҳақида нималарни биласиз? ..... 11

10. Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларида мамлакат шаклланишининг ҳозирги босқичида ҳал этилаётган асосий вазифалар қандай? ..... 13
11. „Ўзбекистон Қаҳрамони“ унвони ва Олий нишон „Олтин Юлдуз“ медали қачон таъсис этилган? Уларнинг мақоми қандай, бу унвонга биринчи ким сазовор бўлган? ..... 15
12. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги нимани англатади? ..... 19
13. „Мустақиллик“ ордени қачон таъсис этилган ва бу юксак мукофотга биринчи бўлиб ким сазовор бўлган? ..... 20
14. Хотин-қизлар Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида қандай роль ўйнайдилар? ..... 20
15. Ўзбекистонда хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилиги нималарда ифодаланади? ..... 21
16. 1998 йилнинг 25 августида Ўзбекистон Республикасининг „Эл-юрт ҳурмати“ орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонун қабул қилинган эди. Унинг қандай аҳамияти бор? ..... 22
17. Ўзбекистон фуқароси ҳокимият органлари, маъмурият устидан даъво билан судга мурожаат қила оладими? ..... 23
18. 1999 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан афв этиш тўғрисида“ ги Фармони чиқди. Бу афв этиш аввал ўтказилган афв этишлардан нимаси билан фарқ қилади? ..... 24
19. Ўзбекистоннинг қайси вилоятида аҳоли энг зич жойлашган? ..... 25
20. Ўзбекистон Республикасининг Чегара қўшинлари куни қачон белгиланган? ..... 25
21. Наврўз Ўзбекистонда қайси даврдан буён байрам қилинмоқда? ..... 26

22. Самарқанд шаҳри қачон ташкил топган ва Европа сайёҳларидан ким бу шаҳар тўғрисида биринчи бор батафсил маълумотлар берган? ..... 27
23. Ўзбекистон ҳудудида Темурийлар даври меъморчилигининг қандай ёдгорликлари қурилган? ..... 28
24. Европалик сайёҳлардан ким биринчи бўлиб Бухорода бўлган ва унинг аҳолиси, турмуши ҳамда хулқ-автори тўғрисида ҳикоя қилиб берган? ..... 30
25. Тошкент метрополитени йўлларида ҳаракат қачон бошланди ва ҳозирги кунда унинг узунлиги қанча? . 31
26. Ўзбекистонда троллейбус қатнови қачон бошланган ва транспортнинг бу тури қайси шаҳарларда ҳаракат қилмоқда? ..... 31

## II. ИҚТИСОДИЁТ. ИЖТИМОЙ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТУЗИЛМАЛАРИ

27. "Буюк ипак йўли" Ўзбекистоннинг қайси шаҳарларидан ўтган ва уни эндиликда қайта тиклаш учун нима-лар қилинмоқда? ..... 32
28. Ўзбекистоннинг амалий алоқалар маркази қачон тузилган ва унинг мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ишидаги аҳамияти қандай? ..... 35
29. Ўзбекистонда қандай солиқлар бор? ..... 36
30. "Давлат ер кадастри тўғрисида" ги Қонун қачон қабул қилинган ва унинг мақсади қандай? ..... 37
31. Ўзбекистон ишчан аёлларининг "Тадбиркор аёл" Ассоциациясининг мақсадлари ва вазифалари қандай? 38
32. Ўзбекистонда телекоммуникацияларни ривожлантириш ва замонавийлаштириш бўйича қандай ишлар қилинмоқда? ..... 39
33. "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" фахрий унвони қачон таъсис этилди ва бу юксак унвонга ким биринчи сазовор бўлди? ..... 40
34. Ўзбекистонда ўсмирларнинг меҳнат фаолиятига қайси

- ёшдан рухсат этилади? Улар иш вақтининг давомийлиги қанча ва меҳнатига қандай ҳақ тўланади? ..... 41
35. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар нафақаларини, меҳнат дафтарчаларини расмийлаштириш тартиби қандай? ..... 42
36. Давлат қандай йўл билан фуқароларнинг ишга жойлаштишига кўмаклашади? ..... 46
37. Аёллардан кимлар "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ва "Олтин Юлдуз" Олий нишонига сазовор бўлган? .. 47
38. Жаҳон мамлакатларида қандай пул бирликлари мавжуд ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги — сўмга нисбатан курси қандайлигини айтиб беринг. .... 48
39. Ўзбекистонда аёлларнинг ақлий (интеллектуал) меҳнат соҳасидаги иштироки қандай? ..... 53
40. Даромад солиғи тўлаш бўйича қандай имтиёзлар мавжуд? ..... 53
41. Ўзбекистонда бандлик муаммоси бўйича нафақалар қанча вақт мобайнида ва қандай миқдорда тўланади? . 55
42. Меҳнатга вақтинча яроқсизлик бўйича нафақалар қандай миқдорда тўланади? ..... 57
43. Аёлларга ҳомиладорлик ва туққанидан сўнг бериладиган нафақанинг миқдори қанча? ..... 58
44. Давлат ижтимоий страхование (суғурталаш) тизими қандай? ..... 58
45. Самарқандда автомобиль ишлаб чиқарадиган "Сам-Кочавто" заводи қачон очилган? ..... 59
46. Ишлаб чиқаришда ишлаётган аёллар қандай кўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар? ..... 60
47. Ўзбекистонда аёлларнинг кексалик бўйича нафақага чиқиши учун қайси ёш белгиланган? ..... 61
48. Ўзбекистонда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари қандай ҳимояланади? ..... 61
49. Педагоглар, мураббийлар, профессор-ўқитувчиларни

давлат томонидан қўллаб-қувватланиши нималарда ифодаланади? .....	63
50. Орол денгизининг истиқболи қандай? .....	65
51. Тошкент самолётсозлари ИЛ-114 самолётини қачон яратдилар? .....	67
52. Курилаётган Фузор — Бойсун — Кумкўргон темир йўлининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат? ..	67
53. Республикада уй-жой мулкдорлари ширкатлари пайдо бўлди. Уларни барпо этиш тамойили қандай? Улар фаолиятининг мазмуни нимада? .....	68
54. Қандай ташкилотлар нодавлат, нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Улар нима мақсадда ташкил этилади? ...	70
55. Ўзбекистонда қандай энг катта электростанция курилмоқда? .....	71
56. Ўзбекистоннинг қайси саноат корхоналари биринчи бўлиб ўз маҳсулоти сифатининг юқори даражада эканлиги учун Халқаро мукофотларга сазовор бўлганлар? .....	71
57. Коммунал уй-жой жамғармаси нима ва фуқаролардан кимлар ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга? .....	72
58. Ўзбекистонда меҳнат баҳслари қандай ҳал этилади? ..	75
59. Тадбиркорнинг меҳнат муҳофазаси талаблари бузилганлиги учун масъулияти белгиланганми? .....	76
60. Республикада ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг совринлари учун „Ташаббус“ танлови ўтказилади. 1998 йилда ким шу танлов ғолиби бўлди? .....	77

### III. ТАЪЛИМ. ФАН

61. Ўзбекистон Республикасида қандай академиялар тuzилган? .....	78
62. Ўзбекистон олимларининг астрономия фанига оид тадқиқотларга қўшган ҳиссалари қандай? .....	80

63. Ўзбекистонда Тошкент Ислон университети қачон ташкил этилди, унинг вазифалари нимадан иборат? ..... 82
64. Ўзбекистонда алоҳида қўриқланаётган қандай табиий ҳудудлар бор? ..... 84
65. Ўзбекистонда Халқаро аэрокосмик мактаб ишлаб турибди. У қачон тузилган, унда кимлар шуғулланади ва унинг фаолияти нималардан иборат? ..... 87
66. Ўзбекистонда Озон қатламини сақлаш бўйича нималар қилинмоқда? ..... 88

#### IV. МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

67. Кейинги йилларда Ўзбекистонда қандай халқаро мусиқа фестиваллари ўтказилди? ..... 91
68. Республика „Устоз“ жамғармаси қачон тузилди ва унинг асосий йўналишлари қандай? ..... 92
69. Жамият ҳуқуқий маданиятини ошириш миллий дастурининг моҳияти нимада? ..... 93
70. Ўзбекистонда сайёҳлик заҳираларининг имкониятлари ва уларни янада ривожлантиришнинг истиқболлари қандай? ..... 96
71. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эшиттиришлари ва кўрсатувлари қайси тилларда олиб борилади? ..... 99
72. Республикада қандай Халқаро спорт мусобақалари ўтказилмоқда? ..... 99
73. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятида бирон-бир чеклашлар мавжудми? ..... 108
74. Ўзбекистонда матбуот ва оммавий ахборот ходимлари куни қачон нишонланади? ..... 109
75. Ўзбекистон Республикасида қандай почта маркалари муомалага чиқарилган ва улар нималарга бағишланган? ..... 110
76. Маданий бойликларни мамлакатдан олиб чиқиб ке-

- тиш ва унга олиб кириш қандай амалга оширилади? ..... 113
77. 1999 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Ўзбекистонда физкультура ва спортни янада ривожлантириш тўғрисида“ ги қарори қабул қилинган эди. Унинг мақсади ва ижтимоий аҳамияти қандай? ..... 115
78. Ўзбекистон Республикасининг „Ўзбекистон Ифтихори“ фахрий унвони қачон таъсис этилган ва бу унвоннинг кўкрак нишони қандай? ..... 116
79. Ижтимоий фикрни ўрганиш бўйича „Ижтимоий фикр“ марказининг мақсадлари ва вазифалари қандай? ..... 117
80. Ўзбекистон альпинистлари жаҳондаги энг баланд чўққи — Жомолунгма (Эверест) га биринчи марта қачон кўтарилдилар? ..... 118
81. Ўрта Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси қачон тузилган, фаолиятининг моҳияти нимадан иборат? .... 119
82. Улуғ мусаввир Камолиддин Беҳзод юбилеи нишонининг муаллифи ким? ..... 120
83. Ўзбекистонда „Хотира китоби“ қачон нашр этилди? ..... 120
84. ”Ибн Сино“ Халқаро жамғармаси қандай ташкилот? ..... 121
85. Ўзбекистонда ”Хотира ва қадрлаш куни“ қачон эълон қилинди? ..... 122
86. Ўзбек кураши жаҳонда спортнинг янги тури сифатида қачон тан олинди? Кураш бўйича ким биринчи жаҳон чемпиони бўлди? ..... 123
87. Ўзбекистон Миллий матбуот марказининг вазифалари нималардан иборат? ..... 124
88. „Туркистон-матбуот“ нодавлат ахборот агентлиги қачон ва нима мақсадда тузилган? ..... 125
89. Ўзбекистонда энг баланд иншоот қайси? ..... 126

90. Ўзбекистон аҳолисидан бирон киши Гиннес китоби-  
бига киритилганми? ..... 126
91. Тошкентда маорифчилар жамияти қачон тузилган  
ва унинг мақсади нима? ..... 126

## V. ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА

92. Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг геогра-  
фияси кун сайин кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг  
давлат ташрифлари бошқа мамлакатлар билан дўс-  
тона алоқалар ўрнатишда, ўзаро манфаатли ҳам-  
корликни ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда.  
Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов расмий таш-  
риф билан қайси хорижий давлатларда бўлди? ..... 127
93. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Ка-  
римов чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг  
қандай фахрий унвонларини ҳамда мукофотларини  
олган? ..... 140
94. Ўзбекистонда қайси хорижий давлатлар ўз sanoat  
маҳсулотларини намойиш қилдилар? ..... 145
95. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз маҳсулотла-  
рини қайси кўرғазмалар ва ярмаркаларда намойиш  
қилди? ..... 151
96. Ўзбекистоннинг қайси шаҳарлари хорижий мам-  
лакатлар билан тўғри ҳаво йўли алоқасига эга? ..... 154
97. Халқаро валюта жамғармаси нима ва Ўзбекистон  
Республикаси қачон унинг аъзоси бўлган? ..... 154
98. Ўзбекистон "Жиноят полицияси" Халқаро ташки-  
лоти (Интерпол) га қачон аъзо бўлган? ..... 155
99. Мамлакатимизда қайси давлатларнинг элчихонала-  
ри ва ваколатхоналари очилган? ..... 156
100. Қайси мамлакатларда Ўзбекистон Республикаси-  
нинг элчихоналари ва ваколатхоналари очилган? ... 158



**Тюриков В. И., Шоғуломов Р. Ш.**

Ўзбекистон Республикаси: 100 саволга  
100 жавоб. 2- китоб. — Т.: „Ўқитувчи“,  
2001. — 168 б.

ББК 65.9(5У)

**ВЛАДИМИР ИВАНОВИЧ ТЮРИКОВ  
РУСТАМ ШОМУРОДОВИЧ ШОҒУЛОМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:**

**„100 САВОЛГА  
100 ЖАВОБ“**

**2- КИТОБ**

*Тошкент „Ўқитувчи“ 2001.*

*Таҳририят мудирини С. Мирзахўжаев  
Муҳаррири Р. Мирхолиқов  
Бадий муҳаррири М. Калинин  
Техник муҳаррири Т. Грешникова  
Мусахҳиҳи М. Иброҳимова*

**- ИБ № 7661**

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 14.11.2000. Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Тип. қоғози. Кегли 11 пшонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли. б. т. 8,82. Шартли кр.-отг. 9,24. Напр. т. 6,29. 10000 нусхада босилди. Буюртма № Д-2072. Баҳоси шартнома асосида.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент- 129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 07-56-99.

Оригинал-макет „Ўқитувчи“ нашриётининг компьютер бўлимида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошполиграфком бинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 2001.